

84

н 96.



Жұрак бүроялары

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Ашурал
Мўраев



Журак
бўйронлари

Роман - эссе

ТОШКЕНТ
«О'ЗБЕКИСТОН»
2016

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)7

Ж 96

Жўраев, Ашурали

Ж 96 Юрак бўронлари [Матн]: роман-эссе / А. Жўраев. –
Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 208 б.

ISBN 978-9943-28-925-3


Кўлингиздаги китоб халқимизнинг буюк санъаткорларидан бири, миллий эстрадамиз тамал тошини қўйган бетакрор ва ёрқин хонанда Ботир Зокиров ҳакида.

Китобни ўқиркансиз, бу санъаткор истеъоди, ютуклари, орзу-ўйлари, армонлари, изтироби, энг муҳими, матонати бирлашиб, бир бутун ШАҲС қиёфасини аник тасаввур қилишингизга ишончимиз комил.

Кўнгилга яқин асар ва навбатдаги мутолаа завқи муборак бўлсин, азиз китобхон!

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-28-925-3

© Ашурали Жўраев, 2016.

© «O'zbekiston» НМИУ, 2016.

МАНГУЛИК ОСТОНАСИ

Ботир Зокиров нафақат ўзбек миллий эстрадаси асосчиси, балки ўз даври эстрада санъатининг улкан намояндаларидан бири-дир. У киши санъатнинг қатор жанрларида баракали ижод билан шуғулланди, бетакрор суратлар чизди, прозада илҳом билан қалам тебратди, ажойиб либретто¹ ёзди, ўзига хос таржималар қилди, кинода томошабин қалбида қоладиган ёрқин образлар яратди.

Ўзбек халқи номини дунёга танитган улур зотлардан бири ҳам, шубҳасиз, Ботир Зокиров эди. Шу боис шўролар даврида хорижий элларда ҳазрати Алишер Навоий билан машҳур хонанда Ботир Зокировни кўпроқ билишарди, севишарди...

Ёшлик йиллари у киши билан жуда қалин дўст ва ака-ука эдик. Жуда озода, бежирим ва маданият билан кийиниб юрарди. Агар Ботир ака кўчада кетаётган бўлса, одамлар унга ҳайрат ва ҳаяжон билан қарашар, беихтиёр унга эргашарди. Унинг шуҳрати жуда баланд эди. Лекин ўзи ниҳоятда камтарин ва хокисор эди. Афсуски, ўша қаттол замоннинг азоб-уқубатларини кўп чекди. Санъатдан йироқ кимсалар унинг йўлига ғов бўлдилар. Лекин бу қийинчиликларни, тўсиқларни Ботир Зокиров катта ирода, тинимсиз ижод

қилиш билан енгиб ўтди. Қўшиқ санъати осмонида чинакам юлдуз бўлиб порлади. Ўзидан илоҳий бир санъат қолдириб кетди. У ҳамиша машҳур санъаткорларнинг олдинги сафида бўлди. Ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Ботир Зокиров катта талант соҳиби, юксак эҳтирос фарзанди, XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улур санъаткор ҳамиша ҳалол, имонли, ҳақиқаттўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам ўз эътиқодига, ўз санъатига содик қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли бизга ибратли, мерос бўлиб қолган санъатининг умри эса боқийдир. Бу беназир инсоннинг номи ва яратиб кетган қўшиқлари абадиятта дахлдор бўлиб, аллақачон мангулик остонасини забт этган.

Ёзувчи укамиз Ашуралы Жўраев узок йиллардан буён машҳур санъаткор Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодини катта қизиқиши билан ўрганиб келади. Унинг Ботир Зокиров ҳақидаги «Юрак бўронлари» қиссаси 1989 йилда эълон қилинганди. Ёзувчи изланишларини давом эттириб, бу ўлмас мавзуни роман-эссега айлантирибди. Ўйлайманки, бу асар ҳам Ботир Зокиров санъати мухлисларига, кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади.

**Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири**

МАЖНУН СУРАТИ

Ота-бола сертупроқ йўлдан илдам юриб боришарди. Йўлга тўкилган шағал тупроққа қоришиб кетганлиги сабаб, баъзан тупроқ фараз қилиб ташланган қадам остидан тош чиқиб қолиб, товонини эзиб юборарди. Отаси бундай чанг-тўзонли йўллардан юравериб, кўнишиб кетганлиги учун ҳам бепарво. Болага эса қийин. Бунинг устига янги туфлиси чап оёгини қаттиқ сиқади. У бот-бот оқсаса-да, лекин буни отасига сездирмасликка тиришади. Аксинча илдам қадам ташлаётган отасига етиб юришга шошилади. Отаси унинг озғин қўлларидан маҳкам ушлаб:

— Тезроқ юр, ўғлим. Тағин репетицияга кеч қолмай, — дейди қадамларини тезлаштириб.

«Репетиция» сўзини эшитиши билан боланинг кўз олдига театр келади. Беихтиёр отасининг саҳнада ижро этган ролларини эслай бошлайди. Карим Зокиров театрларда саҳналаштирилган «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара», «Бўрон», «Майсара-нинг иши» сингари мусиқали драма ва операларда асосий ҳамда бош ролларни ўйнаб, аллақачон томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. Айни пайт у киши машҳур ҳофиз

сифатида ҳам танилиб улгурган эди. «Сувора», «Дугоҳ», «Таронаи дугоҳ» ашулаларини ўзига хос услубда ва овозда ижро этиб, устоз санъаткорларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган эди.

— Бугун яна Мажнунни ўйнайсизми, ада? — деб сўрайди у.

— Йўқ! Ҳозир янги операни машқ қиляпмиз. Премьерага, албатта, сени олиб бораман.

У «премьера» сўзининг маъносига ҳали тўлиқ тушунмаса ҳам отасининг ваъдасини эшишиб хурсанд бўлди. Хурсанд бўлиб отасига яна савол бермоқчи эди, товони тошга тегиб, беихтиёр кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Лаънати тош!.. Тўғриси, отаси унга янги туфли олиб келганида роса қувонган эди. Фақат қувонмади, ҳатто янги туфлисини тушида ҳам кўрди. Тушида уни кўчага кийиб чиқиб, дўстларига мақтанганимиш. Сўнг кўча этагидаги чимзорда қўшни маҳалланинг болалари билан футбол ўйнаган эмиш. Роса тўп тепиб, рақиблар дарвозасини бир неча марта нишонга олибди-ю, лекин туфлиси оёгини сиқаётганини мутлақо сезмабди. «Туфлинг сеҳрли бўлса керак», дермиш болалар чапак чалишиб. Энг муҳими, уларнинг командаси ғолиб чиқибди. Болалар нуқул унинг атрофидан айланиб, туфлисига қарашармиш. Ё тушида, ҳақиқатан, туфлиси оёгини сиқмадимикин?..

У гоҳ туш тафсилотлари, гоҳ оғриқ азоби билан бўлиб, ҳашаматли бинонинг дарвозаси қархисига келиб қолишганини пайқамади.

— Йигитча, болалар санаторийси шуми? — деб сўради отаси бир тавақаси қия очиқ дарвоза ёнида турган новча боладан.

— Шу, — деди бола хаста овозда.

— Қабулхонаси қаерда?

Бола саволни эшитиши билан дарвоза тавақасини очиб, уларни ичкарига — қалин дараҳтлар билан ўралган баланд иморат томон бошлади. Ота-бола кичик асфальт йўлакдан у билан ёнма-ён юришди.

Ботир қалин дараҳтлар остида ўйнаб юрган болаларни кўриб, енгил тортиб, оғриқни бироз унуди. Новча бола уларни бинонинг биринчи қаватига олиб кириб, ўнг қўл томондаги иккинчи эшик ёнида тўхтади.

— Директорнинг хонаси шу, кираверинглар, — деди ўша хаста овозда.

Отаси оқиш рангли эшикни бир-икки қаттиқ чертиб, кейин секин очиб сўради:

— Мумкинми?

— Марҳамат, — ичкаридан аёл кишининг мулоим товуши эшитилди.

Отаси уни етаклаб ичкари кирди ва хона тўрида ўтирган ўрта ёшлардаги рус аёл билан қўл бериб кўришди.

— Клавдия Дмитриевна! — деб ўзини таништирди аёл ўрнидан туриб.

— Ботир Зокиров! — деди отаси ўзини эмас, болани таништириб.

— Жуда яхши. Қани, марҳамат қилиб ўтиргилар, — деди аёл уларга бўш курсиларни кўрсатиб.

Отаси ўтирмасдан чўнтағидан ўғлининг саломатлиги тўғрисидаги аллақандай қофоз-

ларни олиб аёлга узатди. Клавдия Дмитриевна қорозларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди.

— Ҳаммаси жойида, — деди у.
— Унда мен борай, ўғлим. Сен яхшилаб, ўйнаб-кулиб дам олгин. Зерикмагин. Жуда зериксанг, уйимиз бир қадам. Болалар билан уришмагин, — деди отаси унинг елкасига оҳиста қоқиб хайрлашаркан.

Отаси йўлакка чиқиши билан бир гуруҳ тарбиячилар, ўқитувчилар уни ўраб олишди.

— Ассалому алайкум, Карим ака!
— Хуш келибсиз, Карим ака!
— Бир пиёла чойимиз бор, меҳмон бўлинг.
— Ўғлингизни олиб келдингизми?.. Яхши -яхши. Ўзимиз кўз-қулоқ бўламиз...
— Қачон вақтингиз бўлса санаторийда бир учрашув қилсак.
— Раҳмат, раҳмат... Насиб қилса... — Отаси қўлини кўксига қўйиб, атрофдагилар билан тезгина хайрлашиб изига қайтди...

У отаси билан ҳамиша фахрланарди.

Ботирнинг отаси — Карим ака томонидан бобоси — Зокир тунукасоз нафақат Кўкчада, балки Тошкентда анча машҳур усталардан эди. Бу хушфеъл, самимий инсон ишдан сўнг бор ичидаги майдонда ўтириб дутор чалишни яхши кўрарди. Баъзан ширави овозда қўшиқ ҳам хиргойи қиласиди. У кишининг санъатта иштиёқи баланд эди. Шу боис ўғли Каримни санъаткор бўлишига тўсқинлик қилмади...

Онаси Шоҳиста опа томонидан бобоси — Саид Қори домла Ўқчи маҳалласида яшарди. У киши нуфузли оиласида туғилган

бўлиб, бир қатор Шарқ ва Farb тилларини яхши биларди, ҳатто фаранг ва немис тилларида эркин сўзлашарди. У киши бир қанча хорижий мамлакатларда бўлган, тарих, адабиёт ва санъатни анча пухта ўрганган эди. Саид Қори домла йигирманчи аср бошида ўз маблағи ҳисобидан дастлабки босмахоналардан бирини қурдирган. Халқни ҳам маърифатпарвар қилиш учун Яссавий, Сўфи Оллоёр, Навоий, Машраб каби шоирлар китобларини нашр эттирган...

* * *

Ҳаворанг майка кийган, баданлари, юзлари офтобда анча қорайган, сочи устарада топ-тоза қилиб олинган, қора кўзлари каттакатта «янги бола» – Ботир бир ҳафтада санаторийдагиларга қўшилиб кетди. Катта-кичик уни бирдай яхши кўриб қолди. Айниқса, унга тарбиячи – Юрий билан гуруҳ бошлиғи Анвар жуда маъқул бўлди. Унинг дастлабки кунларда ўзича уялиб, болалардан тортиниб юрганини кўрган Юрий аста ёнига чақириб, санаторийнинг яшил ҳовлисида сайд қилиб, унга тарих ҳақида ўз билганича қизиқ ҳангомалар айтиб бера бошлади.

– Биласанми, Ботир, дунёда энг зўр фан – тарих. Инсоният пайдо бўлибдики, тарих билан қизиқади, тарих билан нафас олади. Барча миллат ўз тарихини ўрганиш, бойитиш, юксакларга олиб чиқиш учун интилади. Биров қуради, обод қилади. Биров бузади, вайрон қилади. Тарих фидираги эса на ҳукмдорларга, на авомга бўйсунмай ай-

ланаверади. Эҳ-ҳе, тарихда қанчадан-қанча ажойиб мўъжизалар рўй бермаган, қанчадан-қанча маълуму машҳур жаҳонгирлар ўтмаган. Менга кўпроқ Шарқ, Ўрта Осиё тарихи ёқади. Жуда қизиқарли-да! Хуллас, тарихнинг ўз қонун-қоидаси бор... Мана, масалан, сен Эски шаҳардаги Кўкаaldoш мадрасасининг қайси асрда, қачон қурилганини биласанми? – деб сўраб қолди дабдурустдан Юрий.

Ботир нима деб жавоб беришини билмай довдиради. Ўзини ўнглаб олиб:

– Жуда чиройли, – деди. Лекин у «мадраса», «аср» деган сўзларнинг маъносига тушиунмади. У тарих деганда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини тушунарди. Чунки отаси бу машҳур достонларни қайта-қайта ўқиб берар, бу асарлар адабиётимизнинг ўлмас намуналари, деб таърифларди. Уни кўпроқ Мажнун қисмати қизиқтирас, унга чин дилдан ачинар, хаёлан унинг сиймосини кўз олдига келтиришга уринарди. Ҳатто отасидан эшигтан қуийдаги икки мисрани ёд билади:

*Лайли, Лайли дебон чекиб ун,
Эл дер: Мажнундур, ушбу Мажнун...*

Ботирнинг жим бўлиб қолганини сезган Юрий саволига ўзи жавоб қайтарди:

– XVI асрда қурилган. Мен ҳар гал Эскижўва бозорига тушсам, албатта, Кўкаaldoшни мириқиб томоша қиласман. Мўъжиза!..

Бир куни Юрий болаларни санаторийдан унча узоқ бўлмаган катта ва вахимали

жарлик бўйига саёҳатга олиб борди. Бу ерларда турфа жаҳонгир ва босқинчиларнинг қўшиллари билан бўлган қирғинбарот жангут жадаллар ҳақида билганича гапириб берди. Болалар тубсиз жар ёқасида туриб, баҳайбат чукурликларга қараб қўрқиб кетдилар.

— Худди эртаклардагидек қўрқинчли, — деди бирор.

— Девларнинг маконига ўхшайди, — деди бошқаси.

Болалар қанчалик қўрқмасин, баҳслашмасин, саёҳатда кўрганлари улар қалбида тарихнинг бир бўлаги сифатида муҳрланиб қолди.

Тарих шайдоси Юрий яна уларга Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарлар тўғрисида ҳам ҳаяжонланиб гапириб берарди...

* * *

Пешин маҳали. Ҳаво иссиқ. Кўча дим... Дарвозани секин очиб ичкари киришиди. Отаси одатдагидай пешонасига рўмол танғиб, қўлида кетмон — боғда юмуш билан банд эди. Салом-алиқдан сўнг Ботир дарҳол дўстини отасига таништириди:

— Гуруҳимиз бошлиғи Анвар, отаси дўхтири.

— Қайси дўхтири? Кимнинг ўғлисан?

— Мақсудовни! — деди Анвар.

— Э, Азим аканинг ўғлимисан? Жуда яхши. — Сўнг отаси Ботирга юзланди. — Хўш, бирор нарса керак бўлиб қолдими, ўғлим?

— Қороз билан рангли қаламга келувдик, — деди Ботир. Сүнг уйға кириб айтган нарсаларини олиб чиқди. Онаси Шоҳиста опанинг: «Чой ичиб кетинглар», деганига ҳам қарамасдан яна санаторийга югуриб кетишиди.

Шу-шу, Анвар Ботирнинг бир умрлик жонажон дўстига, Зокировлар хонадонининг қадрдонига айланди. Санаторий улар тақдирини умрбод бир-бирига боғлади. Улар кейинги гал, яъни 1948 йилда ҳам Ботир билан санаторийга дам олгани бирга боришиди. Ботирнинг бу гал санаторийга келиши куттилмаган байрамга айланди. Унинг ўтган йилги тортинчоқлиги йўқолиб, бироз фаоллашган эди. Чунки Ботирнинг ҳаётида қатор ўзгаришлар рўй берганди. У республика болалар уйи қошида очилган «Изостудия»га қатнай бошлади. Санаторийга ҳам альбом ва ҳар хил бўёқлар олиб келиб, бўш қолди дегунча расм чизарди. Ҳамма унинг атрофини ўраб олиб, чизаётган суратларини томоша қиласади.

Ботир расм чизиш билан бирга кўпроқ мусиқага, қўшиқ айтишга қизиқарди. Озарбайжонлик машҳур хонанда Булбул Мамедовнинг «Кўчаларга сув сепмишам...» қўшигини доим хиргойи қилиб юради. Болаларнинг «Ким бўлмоқчисан, Ботир?» деган саволига «Қўшиқчи бўламан», деб жавоб берарди. У ўша давларда жаҳонга танилган Италия «Ла Скала» театрининг машҳур хонандалари Энрико Карузо, Жилли, Тето Руффо ижоди билан қизиқар, улар ҳаётидан эшиктган ё

ўқиган айрим воқеаларни ҳикоя қилар, уларнинг қўшиқларидан билганича айтиб берарди. Айтгандаям итальянларга ўхшатиб айтарди. Ботирнинг эшитиш қобилияти, хотираси ниҳоятда кучли эди. Бир-икки бор эшитган қўшиғини ёдлаб, оҳангларини эслаб қолиб, мусиқасини оғзида «чалиб» куйлаб юрарди.

У биринчи қўшиғини санаторийда куйлади. Бу – ўша даврларда жуда машҳур бўлган «Аршин мол-олон» кинокомедиясида Рашид Беҳбудов ижро этган «Қайдасан, қайдасан, сени кутаман» қўшиғи эди. Қўшиқни санаторийдагилар тинглаб, олқишлир билан қабул қилдилар. Директор қўшиқни яхши куйлагани учун Ботирга китоб тақдим этди. Кейин болалар орасида Ботирнинг тақлидчилари пайдо бўлди. Баъзилар ўзича минфирлаб, хиргойи қилиб, унинг овозига тақлидан «қўшиқ» айтарди. Ботир бу ҳолни кўриб худди катта санъаткорлардай кулиб қўярди.

Ботирнинг болалиги қайсиdir жиҳатлари билан баъзи улуг санъаткорларнинг болалигига ўхшаб кетади. Унинг «таржимаи ҳоли»га болалик даврини шунчаки қайд этиб бўлмайди. У қизиқувчан, тиришқоқ, қаноатли, билимдон эди. Ақли етмаган нарсага аралашмасди. Билмаган нарсасини сўраб-сuriштириб, ўқиб-ўрганиб оларди. Доим нима биландир банд бўларди: ё расм чизар, ё қўшиқ ўрганар, ё шеър ёдларди. Қўлига янги китоб тушиб қолса, тамом, ўқиб тутатмагунча қўймасди. Кечалари ухламай китоб ўқигани учун кўзлари қизариб юрарди. Унга нафақат болалар, балки катталар ҳам ҳавас қилишарди.

Ботирнинг болалигига ўзига хос бегуборлик ва донолик бор эди.

Ҳа, у тиниб-тинчимас, тиришқоқ, ҳар бир нарсага ўта қизиқувчан эди. Ҳатто пластилин – елимлойдан турли ҳайвонлар, буюмлар ясади. Унинг елимлойдан тайёрган дастлабки «асарлари» ҳам санаторийда ташкил этилган кўргазмада намойиш этилиб, мукофотта сазовор бўлди. У ёшлигидан мукофотта қизиқмасди. Мукофотта олган нарсаларини болаларга улашарди...

Карим Зокировга ҳам Ўрдада қурилган кўп қаватли «Мутахассислар уйи»дан жой беришиди. Бу уйда таниқли санъаткорлар Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Шаҳодат Раҳимова, Назира Аҳмедовалар яшарди. Улар Зокировлар хонадонининг яқин қўшнилари эди. Айниқса, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг бу хонадонга келиши чинакам байрамга айланниб кетарди. Комилжон аканинг тор кўтариб келиши, авж пардаларда куйлаши нафақат хонадон эгаларини, балки уйдаги қўни-қўшниларни ҳам бир жойга жамларди. Куйқўшиқлар рақсларга уланиб, яхшигина концерт бўлар эди.

Ботир бу қўшиқлардан бениҳоя завқланарди. Бир томонда Хоразмча бетакрор оҳанглар, ўтли нолалар, бир томондан Тошкент-Фарғона йўлида ижро этилаётган дилбар куй-қўшиқларни тинглаб, унинг ёш юраги уйлари ёнидан оқиб ўтаётган Анҳордай тўлиб-тошарди. Нимадир айтгиси, куйлагиси келарди. Унинг вужудида номаълум бир

куй, ҳеч ким айтмаган қўшиқ тўлғонарди.
Бўғзидан отилиб чиққиси келарди.

Унинг қалбида бир нола вулқондай тўлиб-
тошиб келарди.

Унинг юрагида бир ўлмас наво илдиз ота-
ётган эди. Унинг вужудида ҳали айтилма-
ган қўшиқ туфилаётган эди. Бу унинг, ёлғиз
унинг қўшиғи эди...

ДЎСТИМНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ ЮТУГИ

(Анвар МАҚСУДОВ ҳикояси)

— **Q**анаторийдан сўнг ҳам Ботир билан
тез-тез кўришиб турардик, бир-
биремизнига бориб ётиб қолардик. У
Ўрдадаги 21-мактабда, мен Озод кўчасидаги
46-мактабда ўқирдик. Адабиёт ўқитувчимиз
Афанасий Феоктистович Крапченко ик-
кала мактабда ҳам дарс берарди. Баъзан ё
мен, ё Ботир дарслардан кийналиб қолсак,
ўқитувчимиз бир-биремизга ёрдамлашишни
илтимос қиласди. Бу ажойиб ўқитувчи рус
адабиёти билан бирга, Шарқ ва ўзбек адаби-
ётини ҳам яхши биларди. Бу адабиётларнинг
намояндалари ижодига катта ҳурмат билан
қаради.

Ботир ҳазрат Алишер Навоий ва унинг
асарлари ҳақида билганларини, отасидан
эшигтганларини кўп гапирав, доим қўлида
буюк шоирнинг бирор асари бўларди. Бо-
лалар унга ҳатто «Алишер» деб исм ҳам
қўйишганди. У бу ном билан фахрланарди.

Хатто бир неча йил мактаб ҳужжатларида «Алишер Зокиров» деб ҳам ёзилган. У «Лайли ва Мажнун» достонидан айрим бобларини ёд үқирди. Мажнун образига ёшлигидан чексиз муҳаббат қўйган эди. Ўн тўрт ёшида «Мажнун» деб аталган ажойиб картина чизди. Хабарим бор, картинани узоқ вақт жуда қийналиб яратди. Лекин картина устида ишлаётган кунлари роса қувониб, ҳаяжонланиб юрди. Мажнун аста-секин унинг эътиқодига айланди.

Картинада тасвирланган манзара шундай, зилол сувли ҳовузча, унга кўм-кўк булоқ оқиб келяпти. Ҳовузча бўйида ғамгин хаёлларга чўмган, соchlари тўзғиган, кийим-боши увада Мажнун ўтирибди. Ёнида кўзлари жавдираб жайрон ётибди. Ўнг қўли билан жайроннинг бошини силаяпти. Чап қўли иягида. Тиззалири остида пайлари таранг тортилган камон. Мажнуннинг қаршисида эса бошини оёқлари устига қўйганича узала тушган шер ётибди. У ҳам гўё Мажнуннинг аҳволини кўриб ғам-ғуссага ботгандай. Картинанинг орқа тасвирида сариқ ранг берилган. Мажнуннинг синиқ чехраси, ҳасратли кўзлари киши юрагини эзиб юборади... Бу картинани Ботирнинг дастлабки «Автопортрет»и дейиш мумкин. Гарчи унинг бу картинаси бирор-бир кўргазмада намойиш этилмаган бўлса-да, ҳар қандай истеъдодли рассомнинг асаридан асло қолишимасди. У бутун вужуди билан чизган эди, ушбу ғамгин ва ҳасрат тўла расмни...

Ботирнинг яна бир катта орзуси кинода Мажнун образини яратиш эди. Уни бир сафар «Озарбайжонфильм» киностудиясида суратга олинаётган «Лайли ва Мажнун» бадиий фильмни учун Мажнун ролида синаб кўришга таклиф қилишди. У синовдан муваффақиятли ўтиб, жуда хурсанд бўлиб қайтди.

— Анвар, тез етиб кел, зўр янгилик бор, — деди Бокудан келиши билан менга телефон қилиб.

Ўша оқшом у билан узоқ гаплашдик. Чунки у чинакам баҳтиёр эди. Бундай қувониб, дилдан яйраган ҳолатлар унинг ҳаётида жуда кам бўлган.

— Биласанми, Анвар, худо хоҳласа, Мажнунни Навоий бобомиз қандоқ ёзган бўлсалар шундай ўйнайман. Озарбайжонлик киночилар фильмни Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»и асосида ишлашмоқчи. Лекин мен Навоий яратган Мажнунни севаман. Шу боис бирор сўз ё ҳаракатда сохталик бўлмаслиги керак. Мажнуннинг ўлмас муҳаббатини, чексиз дарду ҳасратларини, букилмас иродасини бўяб-бежамасдан талқин қилмоқчиман. Фақат мени режиссёр тушунса бўлгани:

Эй ишқ ўтида хасим нечуксен,
Эй бедилу бекасим нечуксен!
Ким Лайли ишқига нотавонсен,
Ишқига жаҳонға достон сен...

Ҳамма гап ана шу ишқ достонини курсатишида, фильмларда ишқпарат Мажнун

№ 2020/15-6

бўлиб «яшашда». — У ҳаяжонланиб дам бўла-
жак картина ҳақида гапирди, дам ёниб дос-
тондан ёд олган парчаларини ўқиди. Сўнг
чукур хўрсинди: — Эплай олармикинман?
Қўлимдан келармикин?

— Эплайсан. Ҳаммаси зўр бўлади, Ботир! —
деб унга далда бердим...

Афсуски, Ботирнинг чексиз қувончлари,
образ устидаги ҳаяжонли ўйлари, узоқ тай-
ёргарликлари бефойда кетди. Нима сабаб-
данdir уни фильм суратга олинаётганда так-
лиф қилишмади. Бу Ботирга ҳар жиҳатдан
жуда ёмон таъсир қилди... У мазкур достон-
ни кино қилиш ҳақида ўзбек кинорежис-
сёрларига кўп марта куюниб гапирди. Лекин
улар турли баҳоналарни рўкач қилиб, унинг
таклифини инобатга олмадилар... Мажнун
образини яратиш унинг бир умрлик орзуси
ва ушалмаган армони бўлиб қолди.

Ботирларнинг Ўрдадаги «Мутахассислар
уйи»да асосан эл суйган таниқли санъаткор-
лар яшардилар. Ўша давларда санъаткор-
ларнинг бир-бирига ҳурмати, ўзаро муно-
сабати, андишаси бўлакча эди, менимча. Бу
ҳақиқий санъат мұхити Ботирга яхшигина
ижобий таъсир кўрсатди. Шундай бўлса-
да, Ботирга кўпроқ ҳовли ёқарди. Карим
ака ҳам бўш қолди дегунча ҳовлига шошар,
қўлига кетмонни олиб томорқага уннарди.
Ҳовлида турли-туман мевали дарахtlар экил-
ган бўлиб, айниқса, узум кўп эди, ҳовли эта-
гидаги ҳовуз бўйида уч-тўрт туп нок дарахти
бўлиб, уларни кади нок дейишарди. Ҳосили
салкам кадидек бўларди. Ҳовузга ёзда доим

қовун-тарвуз ташлаб қўйиларди. Супа билан ҳовли ўртасига қўйилган чорпояда Ботир иккимиз ёз кечалари бир кўрпада ухлаганмиз. Тунда кўрпамиз устига тўп-тўп этиб нок тушарди. Ойдин кечаларда узоқ вақт сирлашиб, сухбатлашиб ётардик. Баъзан эртак айтардик, баъзан у шивирлаб шеър ўқирди. Мусика, қўшиқ, рассомлик, спорт ҳақида ўз билганимизча аралаш-қуралаш гурунглашардик. Кўпроқ у сўзларди. У ҳар бир масалага жиддий қарап, бирор-бир нарса ҳақида катталардай жиддий мулоҳаза юритарди.

1952 йили озарбайжонлик машҳур қўшиқчи Булбул Мамедов Тошкентта гастролга келди. Алишер Навоий номидаги Давлат Катта академик театрида унинг ижросида Узаир Ҳожибековнинг «Гўрўғли» операсидан парчалар намойиш этилди. Операни залнинг биринчи қаторида ўтириб томоша қилдик.

— Кўрдингми, Булбул Мамедов сахнага чиқса, гўё сахна янада ёришиб, ёниб кетаётганга ўхшайди, — деганди ўшанда ҳаяжонланиб Ботир.

Кейин у узоқ вақт операдан эсида қолган арияларни такрорлаб юрди... Ботирнинг ёнида доим ҳам дафтари, ҳам альбоми бўларди. Дафтарга яхши кўрган сўзларини, шеърларини, эшитган ҳикматли ибораларни ёзиб қўярди. Бирор гўзал манзарага дуч келса, шартта альбомга чизиб оларди. Шунингдек, у пластинкалар ҳам йифарди. Уйимизда бир вақтлар Санкт-Петербургда чиқсан Тўйчи ҳофизнинг иккита пластинкаси сакланарди. Уларни ҳам Ботирга совға қилдим.

Ботир ёшлигидан ўзига қарамас, ўзини ҳеч аямасди. У кўпинча бир стакан чойга ё қайноқ сувга бир қошиқ шакар солиб, нон билан еб-ичиб кетаверарди. Бу унинг ҳам эрталабки нонуштаси, ҳам тушлиги эди. Ота-онаси берган пулларни тежаб китоб, қалам, қофоз ва ҳар хил бўёқлар оларди. Дарсларни яхши ўзлаштирмайдиган, китоб ўқимайдиган болаларни ёқтирмасди. Иложи бўлса саводсиз, такасалтанг болалар билан гаплашмас, ошхўрликларга бормасди. «Буларнинг ошқозони бошида», — дерди у ачиниб. Болалар орасида Ботирни тушунмаганлари ҳам бор эди. Лекин уларнинг камситишлирига, беписанд кулгиларига у асло парво қилмасди. Вактини кераксиз нарсаларга, ўйинларга сарфлаб юрмасди.

Ботирнинг юрагига ишқ ошно бўлди. У тўққизинчи синфни битириш арафасида Фарангис исмли бир қизни яхши кўриб қолди. Қиз ҳам уни ниҳоятда яхши кўрарди. Улар бир-бирларига хат ёзиб туришарди. Баъзан Фарангисдан келган ё ўзи ёзган хатларни Ботир менга кўрсатарди. Бу мактубларда улар фақат муҳаббат мавзуси билан чекланмасдан, балки ҳаёт, жамият ҳақида ўз фикрмуроҳазаларини, дунёқараашларини баён этишарди. Ботирнинг хатлари кичик лирик ҳикояларга ўхшарди. Уларнинг муҳаббати булоқ сувидек тиник, осмон каби мусаффо эди. Лекин Ботирнинг хасталигидан хабар топган Фарангиснинг ота-онаси, акалари уни анча койишди. Уларнинг оиласи бадавлат, довруги элга кетган эди...

1951 йили мен мактабни тутатиб, Тошкент Давлат Медицина институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)нинг даволаш факультетига ўқишига кирдим. Ботир 1952 йили Тошкент Давлат консерваториясининг вокал факультетига имтиҳон топшириб, муваффақиятли ўтди. Фарангис Москва Давлат университетининг филология факультетида ўқий бошлиди. Уларнинг орасида ягона элчи – хат бўлди. Фақат таътил пайтларида гина висол лаҳзалар насиб этарди.

Бундан яна хабар топган қизнинг ота-онаси ва акалари учрашувларни, хат ёзишларни қатъий тақиқлашди. Икки ёш юракнинг дил изҳори битилган мактублар ёқиб ташланди. Муҳаббат ришталари батамом узилди. Энди уларнинг бири Лайлига, иккинчиси ҳақиқий Мажнунга айланди.

Фарангисни унуглиш Ботир учун жуда оғир кечди. Бу аламлар етмаганидек, Фарангисни ўзи севмаган, яхши кўрмаган йигитта мажбуран узатишиди. Шу билан илк муҳаббатнинг умри барҳам топди...

Кутилмагандаги Ботирнинг ҳаётида оғир кунлар бошлиди. 1955 йилда қаттиқ бетоб бўлиб, ТошМИнинг юқумли касалликлар клиникасига ётди. Аҳволи оғир, ранги заъфарон, чўпдай озиб кетганди. Уни таниқли врач Вали Мажидов узоқ даволади. Даволаш жараёни мураккаб ва оғир кечди. Лекин Ботир руҳий тушкунликка тушмади. Унинг ҳаётта муҳаббати, иродаси кучли эди. Клиника Солор ариғи бўйида жойлашган, Ботир ётган палата ойнаси Солорга қараган эди. Мен дарсдан чиқиб, албатта, уни кўргани

борардим. Қачон борсам, шовиллаб оқаётган зилол сувга термилиб, хаёл сургани сурган эди. Табиатан хаёлпараст эди, у.

— Нималарни ўйлайсан, Ботир? — деб сүрадим бир куни.

— Қүшиқ айтишни жуда хоҳлайман. Айтганда ҳам яхши, ҳам ҳеч кимга ўхшамай, фақат юракдан ўз нолаларимни куйлашни истайман, — деди кўзлари ёниб...

Ботир адабиётни жуда севар, кўп ўқир, ёзувчилар, шоирлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков унинг яқин дўстлари эди. Улар ўша даврларда бир-бирларига янги ёзган асарларини ўқиб бериб, баҳс-мунозаралар қилишарди, сайру саёҳатларга бирга боришарди.

Бир куни Шукур Холмирзаевнинг уйида йифилдик. У туғилган юрти Бойсундан гўшт олиб келган экан. Қозонкабоб қилиш учун гўштни тўғраб, қозонга босиб, газни ёқиб қўйдик. Шукур янги ёзган ҳикоясини ўқиб берди. Сўнг узоқ баҳс-мунозара бўлди. Кабоб бутунлай эсимиздан чиқиб кетибди. Бир маҳал қозонни очсак, гўшт куйиб анча қорайиб қолибди. «Бойсунча кабоб», деди Ботир ҳазиллашиб. Бундай қизиқ ҳангомалар уларнинг ҳаётида кўп бўлган.

Ботир машҳур адид Чингиз Айтматовнинг ашаддий мухлиси эди. Айни пайтда Чингиз оға ҳам унинг қўшиқларини севиб тингларди. Оғанинг ҳар бир янги асари эълон қилиниши биланоқ дарҳол ўқиб чиқар ва бу мутолаа Ботир учун байрамга айланарди. У 1978 йили

Қирғизистонга «Ялла» ансамбли билан ижодий сафарга борганида Чингиз Айтматов билан учрашганини кўп марта ҳаяжонланиб гапириб берган эди. Ёзувчи уни Чўллонотадаги далаҳовлисида алоҳида меҳмон қилган, улар узоқ сұхбатлашганлар. Айтматов унга соғлигини асраш кераклигини қайта-қайта тайинлаган... Шунингдек, Ботир машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов билан яқин қадрдон эди. Москвада Нозим Ҳикмат билан ҳам кўп маротаба учрашган. Шоир унинг қўшиқларини эшитиб, санъатига юксак баҳо берган. Ботир сўнгги қўшиқларидан бирини Нозим Ҳикматнинг «Агар сен ёнмасанг» шеъри асосида куйлади.

Биринчи космонавт Юрий Гагарин Ботирнинг ҳақиқий мухлисларидан эди. У 1963 йил 31 декабрь куни собиқ Иттифоқ Марказий телевидениесининг «Голубой огонёк» Янги йил базмида иштирок этиб, дикторнинг: «Энг севимли хонандангиз ким, Юрий Алексеевич?» деган саволига: «Менинг яхши кўрган қўшиқчим – Ботир Зокиров», деб жавоб берган эди. Лекин Ботир булар билан мақтанмасди. Машҳур кишиларга яқинлигини айтиб, ўзини кўтара-кўтар қилишни ёқтирмасди. У жуда камтариш эди. Бирор марта мақтанганини эслай олмайман. Гердайиб, манмансираб юрадиган қўшиқчиларни жини ёқтирмасди. У қанчалар машҳур бўлса, шунчалар дарвеш эди.

Ботир бир сафар қизим Гўзал билан менинг ҳаётимни сақлаб қолган. Баҳорнинг охирлари эди. Оиласаримиз билан Зангиота туманининг Навоий номидаги хўжалиги да-

лаларига айлангани чиқдик. Ўша пайтларда пишқириб оқадиган Зогарик бўйида ўтириб ҳордиқ чиқардик. Мен ўшанда икки ёшли қизчам Гўзални (макаронни яхши кўргани учун Ботир ҳазиллашиб уни «Макарелла» деб чақиради) кўтариб, ариқнинг саёз жойидан кечиб ўтмоқчи бўлдим. Лекин тез оқаёттан ариқ жуда чуқур экан, аста-секин чўка бошладик. Шунда Ботир касаллигига қарамай, шартта ўзини ариққа ташлаб, бизни қутқариб қолган.

— Вой, Макарелла-ей, ҳали сувда пишиб қолардинг, — деди Ботир қўрқиб кетган Гўзални кўтариб. Ҳаммамиз кулиб юбордик...

1971 йили собиқ шўро делегацияси таркибида қирқ кун Саудия Арабистонида бўлдим. Ўша ерда ҳам Ботирнинг «Араб тангоси» мамлакатнинг ҳамма бурчакларида янграганини ўзим эшитганман. Эшитиб ғуурга тўлганман. Кўзларимга қувонч ёшлари келган. Ўзбеклигимдан, Ботир дўстимнинг ютуғидан чексиз фахрланганман. Баъзи учрашувларда дўстим ҳақида ҳаяжонланиб гапириб берганман. Ботирнинг орзуси Шарқ мамлакатлари бўйлаб ўзбек қўшиқларини ижро этиш эди. Афсус, хасталик бунга йўл бермади...

1984 йил 28 августдан 10 сентябрга қадар «Ялла» Москвада концерт берди. Бу Ботир Зокировнинг Москвага сўнгги ижодий сафари бўлди. Ўшанда у москвалик эстрада мухлислари қалбини яна бир бор матонат билан юзма-юз забт этди. У билан ўн кун бирга бўлдим. Уч марта концертига тушдим. Ўша

ўн кун умримнинг ўн йилига татийдиган, ҳаётимдаги энг баҳтиёр ва унутилмас кунлар бўлиб қолди.

У саҳнага қандай ёниб чиққан бўлса, умрининг охиригача шундай ёниб куйлади. Ҳамиша, ҳар қандай вазиятда имонига, эътиқодига, ўзлигига содик қолди. Ва бу буюк санъаткор ўзбек миллий эстрадасига асос солиб кетди.

«КУЙЛАМОҚ – ЯШАМОҚ ДЕМАҚ!»

Ботир Зокиров кундалигининг ilk саҳифасини шундай сўзлар билан бошлади: «Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг баҳтиёр кунларидан – болалигимнинг ilk орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади...

Ўша куни мен Тошкент Давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Ўша дақиқаларда мен саҳнада туриб ҳассос ва талабчан тингловчилар қаршисида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим куйлашим биланоқ тумандай тарқаб кетди.

Имтиҳонлардан сўнг ўқишига қабул қилинган «аълочи»лар қаторида менинг ҳам фамилиямни айтишганида дастлабки ҳаяжонларим бамисли қувончга айланди. Ўша кундан бошлаб мен мусиқа эхроми – консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб севимли машғулотимнинг сарҳадсиз уммонига шўнғиғдим... 1952 йил 20 август».

Лекин унинг ҳаётига аллақачон шафқатсиз тамғасини босган ўпка хасталиги барча орзуларига зомин бўлди. У консерваторияда ўқишини тутатолмади. Кейинчалик Тошкент Театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат ва маданият) институтининг режиссёрлик факультетида, таниқли режиссёр Александр Гинзбург қўлида таҳсил ола бошлади. Лекин касаллик Ботирни қўшиқдан заррача ажратолмади. Талабалик йилларида у «Ёшлик» эстрада ансамблида қатнашарди. Тузалгач, яна ансамблга қайтди.

Ансамбль бу пайтлар Москвада бўладиган Бутунжаҳон талаба-ёшлари фестивалига (1957 йил) қизғин тайёргарлик кўраётган эди.

— Болам, Москвага борадиган бўлсанг, биронта янги қўшиқ ўрганишинг керак, — деди онаси Шоҳиста опа.

— Ким ўргатади ўша қўшиқни, ойижон?
— Ўзим ўргатаман, жон болам. Луиза билан бирга айтасизлар.

Шоҳиста опа бир сўзли аёл эди. Болаларидаги қўшиқقا бўлган катта ҳавасни кўриб, илҳоми келди. Тез кунда «Ўзбекистон — менинг диёrim» деган шеърни ёзиб, ўзи куй басталади. Сўнг рубобни Ботирга, доирани Луизага берди. Бир ҳафта деганда қўшиқ тайёр бўлди. Шунда Ботир янги қўшиқ қанчалик қийинчиликлар билан яратилишини биринчи бор ҳис қилди...

Ака-сингил кучли ҳаяжон билан қўшиқни ширали овозда баралла куйладилар, шунда атрофни қарсаклар тутди, фестиваль қатнашчилари уларни узок олқишлидилар.

Бу қўшиқ фестивалнинг юксак мукофоти билан тақдирланди.

Қутлуғ келган биринчи қадам уларга ишонч, куч-ғайрат бағишилади.

1958 йил «Ёшлик» ансамбли қошида Ўзбекистон Давлат эстрада оркестри тузилди. Оркестрни тузишда Ботир Зокиров фаол қатнашди. Ака-сингил оркестрда яккахон бўлиб ишлай бошладилар.

Оркестр Ботир Зокиров ижодий йўлини қатъий белгилаб берди. Бу ўзбек мусиқа ва қўшиқчилиги тарихида очилмаган қўриқ – эстрада санъати эди. Барча соҳалар каби Ботир Зокиров танлаган эстрада йўли ниҳоятда оғир, машаққатли ва изтиробларга тўла эди. Лекин у бундан асло чўчимади.

Биринчи бўлиш ҳамиша мушкулдир.

Оркестрда композиторлардан Ян Френкель, Альберт Малаховлар фаолият кўрсатишарди. Чолғучилар орасида Хитойдан қайтиб келган рус муҳожирлари ҳам бор эди. Ўша кунлар Тошкентда бўладиган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари анжумани (1958 йил, сентябрь) ҳамда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталигига (1959 йил) жиддий тайёргарлик кўрилаётган эди. Иш қизғин эди. Репертуарни яхши қўшиқлар билан бойитиш учун тинимсиз машғулотлар, изланишлар ўtkазиларди.

— Болам, соғлиғингта қарагин. Ўзингни асра, — дерди Шоҳиста опа ҳар куни Ботирни ишга кузатаркан. «Хўп, ойижон», дердида, оркестрга келиши билан ваъдасини унтарди...

Композитор Ян Френкель күй-қүшиқтарни қайта ишлашга — аранжировка қилишга жуда уста эди. У қайта ишлаган бир қатор Шарқ халқарининг сара қўшиқлари биринчи бор ёзувчиларнинг Халқаро анжуманида Ботир ва Луиза ижросида янгради. Икки қитъа адилари бу ёш талантларни узоқ олқишиладилар. Ҳатто ҳиндистонлик адилар Ботир Зокиров ижросига машҳур ҳинд санъаткорлари билан тенглаштириб баҳо бердилар. Айрим чет эллик журналистлар улардан интервьюлар олди. Шунда Луиза ижро этган индонезияча қўшиқни эшигтан индонезиялик кекса адилардан бири уларни саволга тутди:

— Жуда хурсанд бўлдик. Раҳмат сизларга. Айтинглар-чи, қўшиқ сўзларининг мазмунига тушунасизларми?

— Йўқ.

— Унда сўзларнинг маъносига тушуниб, кейин куйлаш керак. Мана, масалан, сиз, — деди адаб Луизага юзланиб. — Саҳнада — қайиқда қўшиқ айта туриб ҳаракатларингиз билан чолғучи йигитта севги изҳор қиласиз. Афсуски, қўшиқ севги ҳақида эмас, бу индонезиялик оналар «алла»си-ку!

Ака-сингил хижолат тортиб, гуноҳкорлардай бир-бирига қараб олишди. Адидан узр сўрашди. Лекин бу воқеа уларга бир умрлик сабоқ бўлди...

Москвада ўтказилган ҳафталиқда эса машҳур араб композитори Фарид ал-Атрошнинг (Ян Френкель қайта ишлаган) «Араб тангоси» қўшиғи биринчи марта янг-

ради. Янгради-ю, чақмоқ янглиғ Ботир Зо-киров номини қўшиқсеварлар қалбига олиб кирди. Бу кутимаган катта омад, шухрат ва келажакка ишонч эди. Кейинчалик бу қўшиқ хонанда репертуарининг муқаддимаси бўлиб қолди. Концертларда, гастролларда агар шу қўшиқ янграмаса, томошибинлар бараварига: «Араб тангоси!; Араб тангоси!» деб қатъий талаб қилишарди. Мазкур қўшиқ номи билан минглаб нусхаларда унинг пластинкалари чоп этилди. Қўшиқ унга оламшумул шухрат келтирди...

Москвадан қайттач, оркестр бадиий раҳбари ва дирижёри Альберт Малахов тўсатдан вафот этди. Эстрада санъати жонкуярининг бевакт ўлими Ботирни қаттиқ қайфуга солди. Оркестрга бадиий раҳбарлик қилиш унинг зиммасига юкланди. Бу эса ундан тинимсиз изланишни, яна ҳам тер тўкиб меҳнат қилишни талаб этарди.

— Ботир чарчаши малигини билмай, доимо ишлашни яхши кўради, — деб хотирлайди композитор Энмарк Солиҳов. — У меҳнат қилган сари роҳатланарди, илҳомланарди. Бошлиган ҳар қандай ишини поёнига етказмагунча тинмасди. У қисқа вақт ичида оркестр шухратини собиқ Иттифоққа олиб чиқди. Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига устма-уст гастролларга борди. Нур бор жойда соя бўлганидек, ўзимизда оркестр душманлари пайдо бўлди. Улар турли баҳоналар билан оркестр фаолиятини ерга уришга кўп бор уриндилар. Маданият вазирлигининг ўша пайтдаги собиқ раҳбарлари уни бўлар-

бўлмасга ташкилотларга югуртиравериб овора қилишди. Чунки Ботир санъатни тушунмайдиган «раҳбарлар»га бўйин эгишни ёмон кўради. Ундаларни «санъат чиновниги» деб атарди. Ҳеч қачон уларга ялинмасди. Бу чексиз ўйинларнинг ҳаммаси унинг соғлигига ёмон таъсир қилди. Оқибатда касаллик уни жарроҳлик столига ётқизди...

Саҳрода илк бора чиққан йўловчига ҳамиша қийин. Саҳрода чиққан кимса азобуқубатлар билан ё йўл очади, ё ҳудудсиз саҳро қўйнида ном-нишонсиз йитиб кетади. Ботир Зокиров ҳам ўтган асрнинг 60-йилларида бечора йўловчининг аҳволига тушиб қолди. Бир томондан санъатдан йироқ ғайирли кимсалар йўлини тўсиб, ғашига тегса, иккинчи томондан ўпка хасталиги ҳадеганда хуруж қилавериб, унинг тинка-мадорини қуритарди. Лекин у касалга таслим бўлишни истамади. Ажал билан олишгандек касаллик билан умрининг охиригача курашди. Шу боис гоҳ Москва касалхоналарида, гоҳ Қрим санаторийларида тез-тез ётиб даволанишга мажбур эди. Даволаниш баъзан ойлаб, баъзан йиллаб чўзиларди. Бундай пайтларда у кўпроқ картиналар чизиш билан машғул бўларди. Унинг ўша давларда чизган «Москва манзаралари», «Қрим манзаралари» деб номланган туркум асарларини кўрсангиз, ҳаётта ташна изтиробли қалбининг бетакрор рангларидан завқланасиз.

Ботир Зокиров қўшиқда сўз, оҳанг танлаганидек, картинада оҳори тўкилмаган рангларни топарди. Хасталик азобини тортиб

юрган кезларида чизган турли картиналарида кўпроқ қора бўёқ ажралиб туради. Лекин у қора бўёқни тушкунлик аломати эмас, балки ҳаётта муҳаббат тарзида талқин этади. Масалан, бир картинасида қалин дараҳтзор оралаб кетаётган кишини тасвирлайди. Даражатлар қора, одам қора. Лекин олис уфқда яшил, қизғиш ранглар қоришмаси кўзга ташланади. Ўша йилт этган ёруғ ранглар зулмат ичидаги одамни ўзига чорляяпти...

У Кремль касалхонасида ётганида ўша пайтда Москвада яшаган таниқли ўзбек композитори Икром Акбаров билан яқиндан танишди. Бу танишув Ботир Зокиров ижодида ўзига хос бетакрор ёрқин саҳифалар очди. Бу саҳифалардан икки санъаткорнинг ўзбек эстрадасига асос солган ўлмас миллий қўшиқлари абадий ўрин олди.

— Ботиржон, бир йўла тузалиб олинг. Кейин бафуржа ишлаймиз. Ҳозир жуда қийналяпсиз, — деди бир куни Икром ака иш жараёнида Ботирнинг тоби қочиб қолганини кўриб.

— Бу лаънати касал ҳеч қачон тузалмайди. Бу касал менга канадай ёпишиб олган. Мен эса куйлашим шарт. Сиз мени ўйламасдан янги куйларни ёзаверинг. Вақтни бой бермаслигимиз керак, Икром ака, — деди у оғриқ бироз босилгач.

— Мен врач сифатида қаттиқ талаб қиламанки, олдин соғлиқ, кейин қўшиқ! — деди унинг оқариб кетган ранг-рўйини кўрган Икром аканинг турмуш ўртоғи Нина Сергеевна.

— Вой, онажоним-ей, соғ одам қандай қилиб қўшиқ айтади? — деди Ботир одатдагидай ҳазил қилиб. Сўнг «Бир куни Афанди...» дея гапини латифага улаб юборди. Бир зумда Икром aka ҳам, Нина Сергеевна ҳам унинг касаллигини унугтишди. Завқ-шавққа тўлиб латифагўйлик қилаётган Ботирни кўрган киши сира bemor деб ўйламасди. У шундай пайтда ҳақиқий қизиқчиларга ўхшаб кетарди.

У нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам касали ҳақида ўйлашга, гапиришга йўл қўймасди. Концертларини ҳаяжонланиб тинглайдиган минглаб қўшиқ мухлисларининг кўпчилиги унинг тузалмас хасталигидан бехабар эди. Ботир касалликни яхши қўшиқ, самимий кулги ва кучли ирода билан енгарди. У учун қўшиқ малҳам эди, дори эди...

Бир гал Россиянинг Томск шаҳрига гастролга борганида концертдан сўнг бир гурӯҳ томошабинлар уни саволга тутди. Улар орасида бир шошқалоқ: «Ўпкангизнинг ярми йўқми?» деб сўраган эди. Бу савол унинг суяк-суякларигача зирқиратиб юборганди. Эй, одамзод! Қўшиқни тинглаб тинчгина кетавер. Саволинг нимаси? Шу-шу, томошабинларга рўбарў келишдан чўчийди. Чўчийди эмас, уларнинг ноўрин саволларига жавоб беришга юраги бардош беролмайди. У касалини достон қилишни истамасди.

1961 йил уни биринчи марта операция столига ётқизишли. У ўша кунларни кундалигига шундай қайд этган: «Операциядан кейинги тўртинчи кун. Яхши ва ёмон. Ёмон ва яхши. Ширин ва аччиқ. Азоб ва ёқимли...

Доимо хонам тұла дүстлар. Яхши! «Албатта, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, албатта!» дея билдирилаётган самимий тилаклар. Асло тоқат қилиб бўлмайдиган оғриқлар хуруж қилганда эса, илк бор саҳнага чиққан кунни хотирлаш кўнгилга таскин-тасалли беради».

У қанчалик уринмасин, саҳнага илк бора чиқиб қўшиқ айтган кунини эслолмайди. Эсида фақат Кўкча дарвозасидаги ҳовлиси, олма, ўриқ, ноклар ғарқ пишган палла. У чорпояда юлдуз тұла осмонга ҳайрат билан термулиб ётибди. Кеча ойдин. Юлдузларга термулган сари юраги ҳапқиради, вужудида нималардир тўлқин уради. Унга тинчлик бермаётган, ярим тунда уйқусини ўғирлаб, юлдузларга ошно қилиб сеҳрлаган нарса нима бўлдийкин? Лекин тилига келмаётган, номини тополмаётган ўша покиза туйгулари, юрагини қинидан чиқармоқчи бўлаётган жўшқин ҳис-ҳаяжонлари ўз-ўзидан бўғзига қуюлиб келаверади... келаверади... келаверади... Аста-секин лаблари қимиirlай бошлайди. Юлдузлар ҳам гўё унинг қалбини тушунгандек, сен куйлашинг керак, қўшиқ айтишинг керак, деяёттандек туюлади. Сўнг юлдузлар билан қўшиқ бир-бирига қўшилиб кетади. Айниқса, теппасида чараклаб турган бир юлдуз уни гўё ўзига чорлаётгандай эди. У ҳам ўша чароғон юлдуздан кўзларини узмасди. Бу унинг юлдузи эди.

Қани менинг юлдузим? Қани менинг қўшифим?

У кўп марта адашди, қийналди, изланди, йўлидаги тўсиқларни енгиб, қайтакайта куйлади, охири ўз қўшифини топди.

Лекин қанчалик куйиб-ёнмасин, күзлари түрт бўлиб ахтармасин, ҳали-ҳануз баҳт юлдузини учратгани йўқ. Тўғри, бир сафар Москвада концерт берадиганида уни залда томошабинлар орасида тасодифан кўриб қолди. Ўшанда гастролнинг охирги концерти эди. Кўриб қолди-ю, ўзини саҳнада бир зум йўқотди. Унинг кўзларига юлдуздан бўлак ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмасди. Юлдуз бўлса залнинг бешинчи қаторида ўтириб, соchlари елкаларида паришон, ўзини батамом унуган, фақат хонанданинг мунгли қалб фарёдиги тингларди. Овоз сеҳрига ғарқ бўлган эди... Хонанда эса ундан кўзларини узмай, фақат у учунгина ёниб куйларди:

*Қайдасан, азизим, қаро кўзлигим,
Севгили юлдузим, ширин сўзлигим.
Қўлимда сенга деб қуишиган шароб,
Кўзларим йўлингда, анор юзлигим...*

Концертдан сўнг юлдузини излади. Тополмади... бир неча марта унинг суратини чизишига уринди. Чизолмади. Яна қалбларни соғинчларга тўлдириб куйлади, куйлайверди, ёниб, бутун вужуди билан куйлади.

Қайдасан, азизим, қаро кўзлигим...

У ҳам мактубини шу сатрлар билан бошлаган эди:

«Қайдасан, азизим, қаро кўзлигим...

Биламан, азизим, бу ўтли сўзлар Сенинг дард тўла қалбингдан тўкилаётган эди. Ҳар

бир сўзни юрак тандиридан узаётирсан гўё. Сен қўшиқ куйлаётганда батамом бошқа инсонга айланасан, саҳнада гўё қўшиқ гулханларини ёқаётгандек. Қўшиқ учқунлари тингловчиларнинг юракларига чўғ ташлайди. Юракларда қўшиқ оловини ёққанлар ҳамиша баҳтиёрdir.

Ҳар гал Сени саҳнада кўрганимда беихтиёр ҳушимдан айриламан. Фақат вужудимда дилбар овозинг жавлон уради, жонимга жон бағишлийди. Қалбимни олис-олис масканларга шамолдай учириб кетади. Мен эса Сенинг дилга малҳам бўладиган жозибали қўшиқларинг билан парвоз қиласман. Қаёққа учиб кетаётганимни ўзим билмайман? Мен қанчалар парвоз қилмай, Сендан олис кетолмайман, сенсиз яшолмайман. Сенсиз менга дунё йўқ, олам йўқ, ҳаёт йўқ... Сенсиз яшолмайман, Қўшифим!

Сени соғинган, қўшиқларинг қанотида учиб юрган

Фарангис.»

«НАФАС ОЛИШ ҚАНДАЙ БАХТ»

1 964 йили Ботирни Кремль касалхонасида иккинчи марта операция столига ётқизиши. Азоб-уқубатларга тўла ўша оғир кунларни у кундалигига ёзиб борди. Бу мурakkab операция уни яна ҳаётга қайтарди. Ажалнинг совуқ қўллари бу гал ҳам суюкли хонандани муҳлислар қалбидан юлиб ололмади.

15 ЯНВАРЬ:

«Афсус! Операцияни жумага қолдиришди. Салом, яна бир күнгилсизлик! Кечаги рентген сурати ёмон чиқибди. Қимирламай ётишимни қаттық тайинлашды. Қүшиқни ёзиш эса чиппакка чиқяпти. Тинимсиз машғулотлар ҳайф кетди. Мана, сенга қувонч учун мукофот.

Үпкадаги кичик тешикча катта бўлиб қолибди. Бу сўнгти машғулотлар оқибати. Барибир янги қўшиқни ёзиб ололмаяпмиз. Бунга Икром ака эмас, мен айбордман. Чунки биз бекорга ҳаяжонландик, хавотирландик. Қўшиқ ёзилмаса майли. Ахир мен нималарни истамайман? Лаънати касал менга бўйсунмайди. Лекин уни ўз ихтиёрига қўймаслигим керак.

Оқшом Икром ака келди. Менинг сиҳатсаломатлигимни кўриб хурсанд бўлди. Қўшиқ ёзишга йифилган барча оркестр ижрочилари менга салом айтибди...»

16 ЯНВАРЬ:

«Эртагаям операция бўлмайди. Лев Константинович Богуш касал. Кейинги сешанбагача қимирламай ётиш керак.

Кечқурун Икром ака келиб, операцияга рози бўлма, деди. Чунки ўтган сешанбада ёнимда ёттан bemorni олти соат операция қилишди. У нобуд бўлди. Икром ака, отами чакириш, маслаҳатлашиш керак, деди. Икром акага мени операция қилиш зарурлигини тушунтирдим.

Ира (Эркли Маликбоева) телефон қилди. Ҳаммаси жойида, яхши, дедим.

Шарқ тарихини ўқияпман. Жуда кўп нарсаларни билмаслигим аён бўлди. Ўз тарихими фуурланиб, фахрланиб ўқиб-ўрганишни бошладим. Қанча-қанча очилмаган тенгсиз хазиналар. Ўз миллий маданиятишимизни ҳали жуда юксакларга кўтаришимиз керак. Албатта, кўтариш керак! Қандай қилиб? Ҳамма гап шунда.

Яна кўп нарсалар ҳақида фикрмuloҳазалар юритишга ҳали имкониятим бор.

Бир нарсани англадим. Шу пайтгача олган билимларим ҳеч нарсага арзимас экан. Ҳаммасини имкон қадар қайтадан бошлаш керак...»

10 ФЕВРАЛЬ:

«Эрталаб кўнгилсизлик бўлди. Кўчада бир одамни машина уриб, ўлдириб кетибди. Бугун касалхонага келганимга икки ой бўлса, шу муддат ичида бу иккинчи воқеа.

Аҳволим яхши эмас. Кундузи ҳикоя ёзdim. Эҳтимол, бу менинг ilk ҳикоямdir. Bu ҳикояни ичимдан тўқимадим. Ҳикоянинг номини «Кутиш» ё «Охунбобоев ҳайкали ёнида» деб аташ мумкин. Ҳикоя кўпгина яхши, очиқкўнгил, камтар танишларим ҳақида...»

15 ФЕВРАЛЬ:

«Худога шукр! Рентген яхши чиқибди. Операцияга ярайман. Ниҳоят, эртага операция! Лекин улар анигини айтишмаяпти. Чунки Богуш, операциядан фақатгина бир фоиз умид бор холос, деди.

Куни бўйи Э. Межелайтиснинг «Инсон» китобини ўқидим. Китоб яхши безалган. Кра-

саускаснинг гравюралари табиий. Поэмадаги кўп фикрлар менинг дардларимга ҳамоҳанг. Ўзим очган дунёни «кўриб», ўзим уялиб кетдим, Межелайтис менга рух багишлади. Нега энди ўзимдан-ўзим уялишим керак?..

Бекор хурсанд бўлдим. Ҳароратим 37,8°. Бундай иситма билан операция қилмасликлари мумкин. Бари-бари жонга тегди!»

16 ФЕВРАЛЬ:

«Тонг оқарди. Кун ўтишти. Шафқатсиз савол эса момақалдироқдек турибди. Қанча ўй-хаёллару қанча ҳаяжонлардан сўнг! Нега ҳаяжонланяпман? Бугун бўлмаса, эртага бўлар, улгураман-ку... Эҳтимол, йўқ! Балки врачларнинг ўзлари чўчишаётгандир?

Соат 4.30. Дам олиш вақти тугади. Ниҳоят, мени чақиришди. Уколга олиб кетишиб... сўнг... хайрият, аниқ бир қарорга келишди. Елкамдан тог ағдарилгандек бўлди.

Соат бешда операция столида ётардим. Тепамда ҳамшира Наталья Ивановна. У қўлларимни ушлаб олган-у, кўзларимга қарашга қўрқади. У ҳадеб Сергей Яковлевич Лемишевнинг томоғидаги рак туберкулёзни операция қилишгани ҳақида гапиради. У бoshимни силаб ҳаяжонланяпти, нуқул «Молодец, Ботир», деб қайта-қайта пичирлайди.

Атрофимда жарроҳлар иш бошлишди. Гўё мен ҳам уларга қўшилиб ишлай бошладим. Ўн иккигача санадим. Кейин нима бўлганини билмайман. Бу ҳолат умрбод эсимдан чиқмайди.

Кейин врачлар айтиб беришди: «Операция ўта мураккаб, жиҳдий ва хавфли эди... Операциядан сўнг Богуш йиглаб юборди...»

19 ФЕВРАЛЬ:

«Боксдан палатага ўтказиши. 10-палата. Түрт кишимиз».

26 ФЕВРАЛЬ:

«Эрталабдан хушхабарлар: рентген яхши, уколлар бошқа қилинмайды. Ҳар қалай ваъда бериши-ку! Сайр қилиш мумкин. Тоза ҳавода. Фақат қирқ минут. О, баъзан нимадан озиқланаётганимизни унугиб қўямиз. Ахир баҳорнинг илиқ, салқин табиий ҳавосини хонадаги кислородга алмаштириш мумкинми?»

Нафас олиш қандай баҳт!...»

6 АПРЕЛЬ:

«Високий Горида бир юзу қирқ кун. Тамом! Соат бирдан бери озодликдаман!»

12 АПРЕЛЬ:

«Салом, Тошкент! Салом, ўғлим!

Тошкентни баҳор нафаси тутган. Ўрик гуллабди. Отам ҳар сафар мени ҳар хил ҳолатда кутиб олади. Назаримда, у киши анча қартайиб қолибди. Онам эса ўша-ўша, шаддод ва чаққон.

Укаларим анча улғайибди. Жамшид – студент, хурсанд. Моцартдан чалади. Фаррухга қўшилиб қўшиқ ҳам айтади. Навфал билан Фаррух гитарани ажабтовур чалишиб, яхшигина куйлашяпти. Онам Навфалга ажойиб қўшиқ ўргатибдилар...»

У туғилган тупроғига соғ-омон қайтиб келганидан, ота-онаси, укалари, умр йўлдоши, дўстлари ва жажигина ўғли Бахтиёри кўрганидан, улар билан яна дийдорлаш-

ганидан минг бора хурсанд эди. Ҳаммалари унга ҳайрат ва ҳаяжон билан термулишар, бири қўйиб, бири аҳвол сўрар, хуллас, унинг ҳаётга қайта келганидан олам-жаҳонга сиғишишмасди.

У операциядан сўнг бироз рангини олдирган бўлса ҳам, лекин қўзлари оловдай чақнаб турарди. Бу қўзлар ҳаётта чексиз муҳаббат ва букилмас ироданинг рамзи эди.

У бу гал ҳам хасталик устидан ғалаба қилди. Мустаҳкам ирова, руҳий куч-қувват билан оғир операциядан соғ-омон чиқиб, ҳаётга, қўшиққа қайтди. Уни куйлашга бўлган илоҳий иштиёқ асраб қолди. Бу Ботир Зокировга Оллоҳнинг яна бир синови, инояти ва мўъжизаси эди...

У ўша йили тутган кундалигини қўйидаги умид ва ишонч сўzlари билан якунлади: «Уч йиллик оғир хасталик ва сукут... Ўпкани тинимсиз машқ қилдиришим керак. Мен эстрадага қайтишим шарт! Шарт! Шарт! Мен қайтаман! Ҳаёт... унинг ҳар лаҳзаси қаҳрабодек гўзал... Жудаям қўшиқ айтгим келяпти!..»

Ботир жону жаҳони бўлган қўшиқни соғинган эди. Қўшиққа бўлган буюк соғинч туйфуси бу гал ҳам қаттол жарроҳ қўлидан уни омон-эсон олиб чиқди. Ҳатто профессор Лев Константинович Богуш: «Мен бу дилбар ўзбек йигитининг ҳаётдан кўз юмишини асло тасаввур қилолмайман. Уни операцияга тайёрланглар. У жонини худога эмас, менга, Богушга топшира қолсин!» – деган эди бироз умидсизликка тушиб. Гарчи профессор

ўз фамилиясининг худога уйқашлигини сўз ўйини қилаётган бўлса-да, bemorning опе-рациядан тирик чиқишига аниқ кафолат бе-ролмади. Операция саккиз соат давом этди. Гўё бу дақиқалар Богуш учун ҳам, врач ва ҳамширалар учун ҳам саккиз йилга чўзилди. Энг сўнгги имкониятлар, тажрибалар ишга солинди. Уни операция қилишаётганини эшитган касалхонанинг ўнлаб bemorлари, ҳамширлари йўлакда туриб, Худойимга ил-тижолар қилиб йиғлашарди, унинг тирик қолишини сўраб ёлворишарди, чин юракдан мадад сўрашарди. Ҳеч ким унинг ҳаётдан бевақт кўз юмишини, тўғрироғи, қўшиқнинг ўлимини истамасди. Умид ва ишончсизлик исканжасида оғриқ азобидан инграётган қўшиқнинг ҳам юраги уриб турарди...

Ботирнинг тўйиб-тўйиб, ёниб-ёниб қўшиқ айтгиси келарди. У операциядан ол-дин Икром Акбаров билан ҳамкорликда янги қўшиқлар яратишни кўнглига тугиб қўйганди. Энди чинакамига ишга киришиши ва ёниб куйлаши керак!

У ҳар бир янги қўшиқ устида узоқ машқ қилар, токи қўшиқ қалбини пўртанага кел-тиргунча айтмасди. У билардики, хонанда юракдан ёниб куйламаса, тингловчи қалбини асло забт этолмайди. У ҳар бир янги қўшиқни камида етти-саккиз вариантдан сўнг қиёмига етказарди.

— Ботиржон, тобингиз йўқ. Чарчаяпсиз. Сизга кўп уриниш мумкин эмас-ку! — дерди унинг тинимсиз машқ қилаётганини кўрган Икром ака.

— Күнглимдагидек чиқмаяпти, Икром ака. Томошибинни алдашга виждоним чидамайди. Келинг, тарин бир марта такрорлайликчи? — деб яна машғулотга киришиб кетарди.

У қўшиқ сўзларига жиддий эътибор берар, баъзан шеърлардан ортиқча сўзларни олиб ташлар, агар маъқул келмаса, шеърни таҳрир қилиб, қайтадан ёзарди. У, айниқса, қўшиқбоп яхши шеърларга зор эди.

— Икром ака, эътибор беряпсизми, шоир зоти кўпайган сари чинакам яхши шеър камайиб боряпти, — дерди баъзан куюниб...

Операциядан сўнг орадан икки йил ўтгач, биринчи марта гастролга яна Москвага борди. У концертга профессор Л.К. Богуш бошлигида врачлар ва ҳамшираларни таклиф қилди. Концертга эса қанча-қанча юзлаб муҳлислар билет топишолмади. Чунки қўшиқсевар Москва Ботир Зокировни жуда-жуда соғинган эди.

... У қўшиқ куйлаётиб, залга қаради. Қаради-ю, бир нуқтага термулиб куйлайверди. Бу сафар ҳам етолмаган юлдуз ўша қатор, ўша ўринда ўтириб, яна уни беҳуш бўлиб тингларди. Шалоладай соchlари елкаларини тутган. Тимқора кўзлари қўшиқ сехридан ёнади. Вужуди қулоқ бўлиб саҳнага айланган. Саҳнада эса севимли хонандаси одатдагидай бўғзида дард билан хониш қилиб уни чорляяпти:

Богумга ноз ила, ёр, кел,
Қувноқ овоз ила, ёр, кел,

Сеники бу чаман, бу гуллар,
Сеники куйлаган булбуллар,
Куй ила, соз ила, ёр, кел.

У ҳам учиб бормоқчи, лекин қанотлари йўқ, югуриб борай деса мадори етишмайди, жавоб қиласай деса нафаси тиқилиб қолаверади. Қўшиқ уни батамом сехрлаб ташлаган. Хонанданинг қўшиқ орқали беряётган ўтли саволларига хаёлан жавоб беришдан ўзга чора йўқ.

«Соф-омон тузалиб қайтдингми, Қўшиғим? Сени кутавериб кўзларим йўлларингда сарғайди, қайта кўрармиканман, деб шўрлик қалбим қанчалар пора-пора бўлди, ҳасратларга тўлди. Қайдасан, қайлардасан жону жаҳоним – қўшиғим? Ёлғиз пластинканг ҳамиша қалбим малҳами. Уни эшитавериб-эшитавериб овозингни томирларимга пайванд этдим. Лекин сени қайта кўраман, сени тинглаб яна қирғоқларига сифмаган телба дарёдай бўламан деб сира-сира ўйламагандим. Агар билсанг, сени операция қилаётганларида мен касалхонада чарх уриб, сенга Худойимдан ҳаёт сўрадим, умр тиладим. «Ё, Оллоҳ, қўшиғимни қайтар», деб ёлвордим... Ҳозир оламда мендан баҳтли, мендан баҳтиёр инсон йўқ. Чунки сенинг ўтли кўзларингга термулиб, нолаю афғонларингни, дарду ҳасратларингни қайтадан томирларимга, қалбимга жо қиляпман, Қўшиғим. Мен бугун қайтадан дунёга келдим. Келиб яна сени кўрдим, фақат сени топдим, Қўшиғим!..

Сени соғинган, соғиниб ҳамон кутаётган,
Фарангис.»

Дилимда ғазалим сен, ёр,
Мен айтай, гүзалим сен ёр.
Сўзимиз порласин оташдай,
Ишқимиз яшнасин қуёшдай,
Сеники бу чаман, бу гулар,
Куй шла, соз шла, ёр, кел...

Концерт тугаши билан Ботирни врачлар ўраб олишди. Бу сафар ҳам юлдузини кўролмади, дийдорига тўёлмади. Соғинч ҳисларини баён этмоқчи, мириқиб-мириқиб дардлашмоқчи эди. Бўлмади. У бу гал ҳам фойиб бўлди...

— Ниманг билан қўшиқ айтдинг? Сен, ҳақиқатан, инсонмисан ё сеҳргармисан? Наҳотки, бу ўзинг бўлсанг, Ботир? — деди Лев Константинович Богуш кўзларига ёш олиб.

Ҳамширалар уни қучоқлаб, қўлларини юзларига босиб йиғлашарди. Қаршиларида тирик мўъжиза тургандек, унга қайта-қайта ҳайрат билан тикилишарди.

Бу ҳақиқий ва чинакам мўъжиза эди. Рўй берган бу илоҳий мўъжизага хонанданинг ўзи ҳам ишонмасди...

Ботир концертдан сўнг ўша оқшом дам олишдан олдин Тошкентта телефон қилиб таъби яна хира бўлди. Саҳнадаги қувончидан асар ҳам қолмади. Республика маданият вазирининг калтабин ўринбосари яна оркестрнинг янги репертуарини тасдиқламабди. Чунки яқин кунларда оркестр Болгария, Венгрия, Чехословакия мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарга гастролга бориш учун тай-

ёргарлик кўраётган эди. Бир хаёли санъатни тушунмайдиган ўша мағзава ўринбосарга телефон қилмоқчи бўлди. Лекин кўзи ожиз одамга нуқул кўрсан, дейищдан нима фойда? Чунки ўринбосарнинг қалби кўр эди. У таъмагир бўлиб, совға-саломга ўч эди. Санъатни пуллашни касбга айлантирган каламушдай очкўз эди.

У узоқ вақт ухлай олмади. Асабийлашди. Врачларнинг жуда қатъий тақиқлашига қарамай, ҳамроҳларидан яширинча секин айвонга чиқиб, сигарета тутатди. Барibir алами босилмади. Кўз олдига ўша Мараз ўринбосарнинг жирканч башараси келаверади.

Ҳа, бу ўша Маразнинг иши. Санъатни, санъаткорни тушунмайдиган Маразнинг. Санъат остонасига қадам қўйибди, ўша Мараз унинг қадамини пойлайди, ижод йўлларига тўсиқ бўлади. Иложини топса, ундан қуёшнинг нурларини тўсади, ойни беркитади, яна иложини топса-ю, нафас олдирмай қўйса... Нега? Нима учун?.. Йўқ, фақат у эмас, балки миллий маданият ва санъатнинг талантлари Маразнинг дастидан ҳамиша озор чекади. Кимки хушомад, лаганбардорлик қилса, кимки совға-саломни кўпроқ қилса, ўша «яхши», «истеъдодли», мукофоту унвонлар ҳам ўшаники. Эсида, қайсиadir или Ашхободга бир груп ўзбек санъаткорлари катта концертга боришли. Концерт дастури бўйича биттадан қўшиқ айтиш керак эди. Машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов саҳнага чиққанида зал денгиздай қалқиди.

Хонанда бир қүшиқ билан саҳнадан чиқиб кетолмади. Мухлисларнинг олқишилари сабаб яна битта қүшиқ куйлади. Шунда ҳам саҳнани зўрға тарқ этди. Тарқ этди-ю, саҳна ортида қўлларини белига қўйиб, безрайиб турган Маразга дуч келди.

— Нега иккита айтасиз? Нега «қонун»ни бузасиз? — ўшқира бошлади у, таниқли хонандага юзланиб.

— Авваламбор, бу қонун эмас. Мухлисларни ҳурмат қилиш керак. Иккинчидан, олсанг номерингни оласан, қўлимдаги торни олармидинг? Ҳа, сани... — деди ҳофиз жаҳл билан. Ва ўша куниёқ самолётта ўтириб, жўнаб кетди.

Қилғилиқни қилган Мараз эса, хонандани кейинги концертларда сўраган юзлаб мухлислирига: «Касал бўлиб, кетди», дея ёлғон гап тарқатди. Шунаقا юзсиз, имонсиз эди бу Мараз!

Мана, неча йилдирки, Мараз унга ҳам тинчлик бермайди. Гоҳ репертуарни, гоҳ ижодий сафар режаларини тасдиқламайди. Минг азоб-уқубат билан тасдиқлатганларини ҳам икки кундан сўнг, яна кўраман, эшитаман, деб йўққа чиқаришга уринади. Санъатни тушунса, тўғри маслаҳат берса, йўл-йўриқ кўрсатса, яхшику-я, лекин тушунмай ҳаммани қон қиласи. Шуниси ёмон.

Ботир санъатни тушунмайдиган бундай мараз «чиновник»лардан жуда безор бўлган эди. Улар нафақат эстрада, балки миллий қўшиқ санъати ривожига ҳам кескин тўскенилик қилишарди. Қизиқ! Сени ўзга

юртларда роса олқишлиб, эъзозлашса-ю, ўз юрtingда оёқости бўлиб, қадр топмасанг. Ҳар қадамда изингни, сўзингни пойлашса, ҳаракатларингдан хато излашса, тўғри сўз учун таъқиб этишса... Бу аҳволда қандай қилиб на маданиятни, на санъатни ривожлантириб бўлади? У баъзи «санъаткор»лар каби катта-кичик раҳбарлар ҳузурига тез-тез кириб қуллуқ қилавермас, бўлар-бўлмас хизматларини бажаравермас, тингловчилар номидан хатлар уюштирмас, унвону мукофотлар учун елиб-югурмас, умуман, уларга ялиниб-ёлвормасди. Бундай «фазилатлар» унинг қонида йўқ эди.

Ботир Зокиров энг қийин пайтларда ҳам санъатдан йироқ тўнка раҳбарлар олдида бўйин эгмади. У инсон сифатида ҳам, санъаткор сифатида ҳам иймонига, эътиқодига ҳамиша содик қолди. Бу хислатлар унга кўпроқ отасидан ўттан эди. «Ўғлим, тўғри бўл, ҳалол бўл. Шон-шухратга, мукофотга ҳирс қўйма. Қадр-қимматингни ерга урма. Санъатингни халқ эътироф этса бўлди», дерди ҳамиша отаси.

Бир куни унга республика собиқ Марказий Қўмитаси фан ва маданият бўлимининг ўша даврдаги мудири телефон қилди.

— Кечқурун Ҳукумат боғида меҳмонлар бўлади. Шунга бориб концерт қўйиб берасизлар. Ўзингиз, албатта, бўлинг! — деб жиддий тайинлади.

У трубкани қўяр экан, «меҳмонлар» сўзини одатдагидек чет элдан меҳмонлар келган, шуларга концерт бериш керак, деб тушунди. У бундай концертларга ҳамиша

пухта тайёрланиб, миллий санъатимизни чет элликларга манзур қилишга иштиёқманд эди. Улар халқимизни, унинг бебаҳо санъатини билиши керак, деб ҳисобларди у.

Оқшом бўлим мудири тайинлаган жойга боришса, ҳеч қандай меҳмон йўқ. Суриштириб билишса, катталардан бирининг ўғли уйланаётган экан. Катта тўйда шахсан Ботир Зокировнинг қўшиқ айтишини тайинлабди. Буни эшитиб, хонанданинг фифони фалакка чиқди. Бу ҳақоратдан бўлак нарса эмас! Ахир санъатни шунчалар оёқости қилиш мумкинми?

— Йиғиширинглар! Кетдик! — деди у чолғучиларга овози титраб.

— Қаёққа?! — дея дағдага билан бўлим мудири унга юзланди.

— Кечирасиз, ҳали отарчилик даражасига кўтарилиганимизча йўқ! — деди Ботир аччиқ киноя билан.

— Қайтинг! Кейин пушаймон қиласиз.

— Отарчилик қилиб виждон қийналгандан кўра, минг марта пушаймон еган яхши, — деди у жаҳл билан машина эшигини ёпиб.

— Кўрамиз!..

Худди шундай «Кўрамиз!» воқеаси сал олдинроқ Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг собиқ биринчи котибаси билан ҳам содир бўлган эди.

Котиба дастлаб дағдага билан чақиртирганида у касал эди. Боролмади. Тузалиб боргач эса, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Опа ўшқириб берди:

— Нега чақиртирсак келмайсиз?!

— Касал эдим.

— Бошқа баҳона ўйлаб тополмадингизми?

— Баҳона эмас, тўғрисини айтяпман.

— Сиз артистларни биламиз. Нуқул осмонда юрасизлар. Айниқса, сизга ўхшаганлар катта идораларни назар-писанд қилмайди. Сал пастроқ тушинг, оқибати яхши бўлмайди.

Унинг дабдурустдан совуқ пўписалари Ботирнинг ҳамиятига тегди.

— Илтимос, қўрқитманг, опа. Кейин бақирманг. Шуни билиб қўйингки, санъатда буйруқ ҳам, бюрократизм ҳам кетмайди. Бу жойда ўтирган одам аввало маданиятли бўлиши керак...

— Сиз ҳали аёл кишини ҳақорат қиляпсизми? — Опа шартта унинг сўзларини бўлди. — Йўқ! Мен бунга йўл қўймайман. Бу гапларингиз учун керакли жойда жавоб берасиз!

— Мени уришиш ё насиҳат қилишга чақирган бўлсангиз, эшитишга вақтим йўқ, — деди у ўрнидан туриб. Чунки гапи тўғрими, нотўғрими, нуқул ўзиникини маъқуллайдиган бу «комсомолка» опахонга бирор гапни уқтириш қийин эди.

Шундай кўнгилсиз воқеа, орадан бир неча йиллар ўтиб, у республика Ленин комсомоли мукофотига тавсия қилинган йили ҳам рўй берди. Бир куни Опа уни яна ҳузурига чақирди. «Мукофотни сизга лозим топяпмиз, энди шу сочингизни, кийим-бошингизни сал-пал тартибга солсангиз», дея одатдагидай унга «насиҳат» қила бошлиди. Ботирнинг яна жаҳли чиқди.

— Агар сочим билан уст-бошимга мукофот берадиган бўлсангиз керак эмас, — деди.

Опа бирдан ловуллади... Бу хабарни тегишли жойларга етказди... Мукофот унга эмас, укаси Навфал Зокировга берилди. Бундан у заррача хафа бўлгани йўқ...

Ҳа, катта-кичик идораларда, кабинетларда бирдек таҳлика билан айтилган «кўрамиз»лар бир умрга унинг соғлиғига, ижодига, энг муҳими, яхши қўшиқларига зомин бўлди. Унинг назарида, шу сўз фақат ўзбеклар учун яратилган-у, кўрсатишни ҳам фақат ўзбекларга чиқаргандай. Ахир биргина шу совуқ сўз туфайли қанчадан-қанча тоза юраклар, ҳур фикрлар, ноёб талантлар маломатларга учрадилар, баъзилари бадном бўлдилар. Нимани кўрсатади? Манманлигиними, саводсизлигиними, зўравонлигиними... Қачонгача кўрсатади? Нега ҳали-ҳануз айрим раҳбарларда зўравонлик, ҳокими мутлоқ бўлиш, маънавий манманлик психологияси йўқолмаяпти? «Кўрамиз»лар дастидан миллий маданият ва санъатимиз аксарият ҳолларда оёқости қилиняпти. Бизда истеъдод билан фахрланиш, уни униб-ўсиши ва бошқа ҳалқларга кўз-кўз қилиш, улуғлаш туйфуси етишмайди. Ўзбекнинг қўлида чўпи бор, деган гапларга баъзан ишонгинг келади. Биз, айниқса, кўпроқ истеъдодларни, зўрларни овлаймиз. Талант зотига тузоқ қўямиз. Унмасин, ўсмасин деймиз. Фийбат ботқоғига ботирамиз. Ҳасадгўйлик қиласиз...

«Нега шундай? Нима учун? Қачонгача?»

У вужудига қуюндаи қуиилиб келаётган

бундай саволларга жавоб тополмай қийналарди, азоб чекарди.

«Ўзимиз ўзлигимиз илдизини қирқсак, маданият ва санъатимизни оёқости қилсак, фууримизни бемаъниларча топтасак, истеъдод бошида бюрократларча қилич яланғочлаб турсак, қачон халқ бўламиз? Қачон қад ростлаймиз? Қачон?..»

Истеъдодли шоир дўсти Абдулла Орипов ниҳоятда топиб ёзганидек: «Қачон халқ бўласан, эй, сен оломон?..»

Бетизгин, бежавоб саволлар карвони аста-секин йўқолиб, вужудига беихтиёр янги шеър оқиб кела бошлиди. Қўлига қалам олиб, кундалигининг ёзилмаган саҳифаларини очди.

Бой берилди йиллар жуда кўп!

Жуда!

*Узоқ яшадим мен, тун денизида
Олис юлдузларнинг ёнишлариdek –
Ёлқин топурманми энди ўзимдан!*

*Пешонамга юз йил яшаш битгандай!
Бу эпсиз, бебошвоқ кўрликда мубҳам,
Гуллар очилишин бой бердим қандай,
Инсон табассуми тавалудин ҳам.*

*Ва боқиб энг сўнгти шуъла изидан,
Фасли хазон дарди ила сўйлайман:
«Мен энди ҳар кеча бепарво кезган
Шошган йўловчимасман», фақат ўйлайман.*

*Демак, гап бундоқ, ўз қўшиқларимда
Куйладим мен – соя ва акс садони!*

Күшиқлар не ҳақда? Не бор дардимда?!

Одамларга айта олурман нени?»

...Халққа хизмат қилмоқ учун

Овозим ҳам, үзим ҳам ярайман ҳали,

Күйламоқ бу – мен учун яшамоқ демак!

Бироқ бошқаларнинг шлҳоми ила

Кўнгилхушлик қилмоқ менга керакмас!

Изламоқ ва яратмоқ истайман бу кун

Ўз санъатимни!..!

НИМА ТОПДИМ-У, НИМА ЙЎҚОТДИМ?

(Кундалиқдан сатрлар)

Күёш ҳақиқий баҳордагидек нур сочмоқда. Бу кунни орзиқиб кутган эдим.

Кеча дилим хуфтон ва хафа эдим, бугун эса баҳор бўлгани учун үзимни жуда яхши ҳис этяпман. «Баланд тоғлар»да сўнгги ой ва сўнгти «гастрол»имни ўтказаёттаним ҳақида ўйладаяпман.

Узлуксиз даволаниш ва ҳар хил кўнгилсизликлардан сўнг яна бир йил ўтди.

Ҳаммасини бирдек эслаш лозим.

Хўш, мен нима топдим-у, нимани йўқотдим?

Асосийси, мен деярли соппа-соғман, қолган ҳаммаси аста-секинлик, яъни тегирмон навбати билан, дейишгандек...

Бизнинг тақдиримизни ким белгилаяпти?
Ўзимизми? Ёки битта-яримтасими?

¹ Б. Зокиров қаламига мансуб шеърларни русчадан шоир Шукур Курбон таржима қилган.

Ахир ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди. Шу тобда ўзимни қандай ва ким бўлишимни тахминан тасаввур қиласман.

Демак, шундай бўлгани яхшиликка экан-да!

Агар қайтадан туғилиш имкони берилганда, мен барибир айнан яна шу йўлни танланган бўлардим.

Ҳафсаласизлик билан бўлса-да, ташлаб қўйган ишларимни ниҳоясига етказардим. Сабр ва бардошим етганда эди, қорозга муҳрланган орзуларимни, албатта, ҳаётта татбиқ этган бўлардим.

Муҳими, туман тарқаб кетди.

Ҳеч қачон айрилгим келмаган «болалигим» билан ниҳоят хайрлашдим. Алвидо, болалик!!.

Йигирма саккиз ёш – на феъл-авторим, на қарашларим, на қасбим, на билимимни аниқлай олмайман.

Бекорчи, бебош ва эзмаман.

Бироқ ёқимли эзма.

Кўзгуга қараганимда, ўзимни янада аниқ ва яққол кўраман.

Унинг ёнига нима билан бораман?

Деярли ҳеч нарса билан.

Фақат жисмонан эмас, балки маънан кучсизман.

Ўзи нимага ярайман? Энди ким ё нима бўламан? Танамдаги бор куч-куватимни нимага сарфляпман?

Хозир ўзимни онадан янги туғилгандек ёки узоқ тутқунликдан эркинликка чиқсан одамдек ҳис қиляпман.

Ўз ҳаётини қайтадан бошлиёттан одамнинг ҳолига тушаман.

Ҳамма нарсани қайтадан бошлаш ҳеч қачон кеч әмаслигини түшунаман, бирок ҳамма нарса қандай ва нимадан бошлаш кераклигіда.

Агар менга уч йил қўшиқ айтиш тақиқланган бўлса, нима билан машғул бўлишим керак?

Бу ярамас касаллиқдан батамом халос бўлганимни, кўксимда, қўлларимда, бошимда тўлиқ эркинликни ҳис қилмагунимча, қўшиқ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

МАЖНУНИНГМАН, ҚЎШИФИМ!

(Монолог)

Кўшифим, жону-жаҳоним – сени минг мاشаққатлар ва қанча азоблар билан излаб-излаб топганим ҳаётимдаги энг баҳтли ва унутилмас ҳодиса бўлди. Қалбимга қўшиқ ишқини, қўшиқ сеҳрини, қўшиқ дардини согани учун Парвардиғоримдан абадул-абад миннатдорман. Сени топганим ва бир умр юрагимдан жой олганинг – менинг бебаҳо баҳтимдир!

Сен қачон, қай лаҳзада қалбимдан ўрин олгансан, буни аниқ билмайман.

Эҳтимол, отажоним Карим Зокировнинг ўтли ва ўқтам овози туфайли, эҳтимол, онажоним Шоҳиста Сайдованинг дилбар овози сабаб қонимда-ю жонимдадирсан...

Эҳтимол, хонадонимизга ўзларининг жозибадор қўшиқлари ва санъатлари билан тез-тез меҳмон бўлиб келган улуғ санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Юнус Ража-

бий, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мұкаррама Турғунбоева туфайли юққандир.

Эҳтимол, муҳташам бөгимизда оппоқ либосга бурканган олма, ўрик, олча дарахтлари каби сингари юрагимда гуллаганდирсан...

Эҳтимол, илк муҳаббат билан шалоладай оқиб келгандурсан.

Сени юрагим қон бўлиб, изламаган куним йўқ, сени бедор бўлиб, ўйламаган туним йўқ. Сени ҳар куни қуёшдан, ҳар туни ойдан, ҳар кеча юлдузлардан сўраганим сўраган; қайдасан, қўшиғим?!.

Сени энг гўзал ва хушбўй гуллардан, ямъшил майсалардан, чўққисига қор ин қурган тоғлардан, шарбатли боғлардан, ҳосилдор заминдан топиб бер, деб ёлвораман. Билиб қўй, ўшандан буён сен Лайлисан қўшиғим, мен эса ишқингда куйган, адо бўлган Мажнунингман:

*Дерлар сени дур, савоб эмас бу,
Сен жавҳари руҳу дур – қуруқ сув.
Демакки, санга шабиҳ эрур дур
У навъдурурки, дурға мўлдур.
Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб қурумас хазона сен сен...¹*

Қўшиғим, сени излашдан бир лаҳза тўхтаганим йўқ. Сени қўшиқ сахросида эканлигингни билардим, буни юрагим сезарди. Сени топаман деган ишонч жуда кучли эди.

¹ Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Fafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1990 й. Кейинги парчалар ҳам ушбу асардан олинган.

Лекин излаш, излаб дийдорингта түйиш учун күп азобларга, изтиробу уқубатларга гирифтор бўлдим. Яхшилар, хайриҳоҳлар билан бирга юраги қора ҳасадгўй ва кўролмас кимсаларга ҳам дуч келдим. Улар сенга томон борадиган йўлларга аёвсиз тиканлар сочдилар. Сен ўтадиган йўлларни вайронага айлантироқчи бўлдилар. Куй ва нола кўприкларини бузиб ташладилар. Қўшиқни дорга осмоқчи бўлдилар.

Сен чараклаган қуёш эдинг, ул нокаслар сенинг нурларингни тўсишга интилдилар, лекин кучлари етмади.

Сен тип-тиниқ беғубор осмон эдинг, лекин кўролмаслар мақсадига етолмадилар. Улар қора булат бўла олмадилар.

Сен порлаган юлдуз эдинг, қора юрак ҳасадгўйлар сени фийбат қилишдан тиллари айланмай мум тишлидилар.

Бу ҳасадгўй қўшиқфурушларнинг ўзларида, кўзларида ва сўзларида маъно йўқ эди. Улар сўқир отарчилар эди.

Уларнинг вужудини кўролмаслик ва бахиллик ҳисси батамом қамраб олган эди. Улар бойлик ва пулнинг қуллари эди.

Лекин, мен уларга асло парво қилмадим, ҳатто заррача эътибор ҳам бермадим. Сени излашда мудом давом этавердим. Худди телба Мажнун ўз Лайлисини излагани каби:

«Лайли, Лайли» дебон чекиб ун,
Эл деб: «Мажнундур, ушбу Мажнун...»
Дашт узра фиғон қилиб ҳамиша,
Кезмак анга бўлмиш эмди пеша

*Ошуфталиғига йўқ ниҳоят.
Девоналиғига ҳадду ғоят.
Лекин эл аро будур ибрат,
Ким ақлу ҳавосига бу ғорат...*

Мени кушандалар батамом қўшиқ саҳросининг Мажнуни, деб эълон қилдилар. Қўшиғим сен – Лайли бўлдинг. Мен сени излаган далли-девона Мажнун бўлдим. Тилимда ҳам, дилимда ҳам сен эдинг. Ягона орзуим сени учратиш ва сенга ошиқ қалбимни изҳор этиш эди. Саҳрода қўл-оёқларимни боғлаб занжирбанд этдилар. Сенга борадиган йўллардан чалғитдилар.

*Ғам ханжари бирла ёра кўнгли,
Не ёраки, пора-пора кўнгли...*

Мен сени ана шундай «пора-пора кўнгил» билан изладим. Топаман-му, деб қущдай чарх урдим, оҳудай югуриб елдим: Гиёҳлардан, ўт-ўланлардан, дарахтлардан, тошлардан қайта-қайта сўрадим. Сўраб-сўраб яна қўшиқ саҳросига бориб қолдим. Бу саҳро бепоён. Унинг на бошланиши ва на охири бор эди. Қўшиқ саҳросидай улкан ва ҳад-ҳудудсиз масканни кўрмадим.

Саҳро тўла қўшиқ эди. Қўшиқлар тўдатўда, гуруҳ-гуруҳ ва карвон-карвон эди. Мен чеку чегараси йўқ, қўшиқзор оралаб борардим. Бу ерда энг олдинги сафларда мардана ва юксак ишонч билан бораётган кўкка шиддат билан парвоз қилаёттан жарангдор, ноласи ва авжи юракларни нишонга олаёт-

ган бокий қүшиқларни күриб ҳайратта тушдим. Мажрух bemor ва чала қүшиқларни күриб ачиндим. Уларнинг на боши, на оёқ-қўли бор. Чалажон бўлиб, судралиб юрган қўшиқларнинг сон-саноғи йўқ. Бирдан туғилибоқ, бевақт ўлган қўшиқлар хирмонига дуч келдим. Улар бирор эшитмай жон берган чала қўшиқлар эди. Яна бир томонда тақлид қўшиқлар хирмон-хирмон бўлиб ётарди. Тингловчилар уларга қарашга ҳазар қилишарди. Чунки, бу шўрликлар дунё қўшиқчилари репертуарларидан тушиб қолган ташландик, нимжон қўшиқлар эди. Улар ота-онасининг тайини йўқ шўрлик баңдаларни эслатарди.

Ўлик қўшиқлар тоғ-тоғ хирмон бўлиб ётарди. Уларни кўрганлар фақат ачинарди, афсус чекарди. Лекин уларнинг пажмурда жасадлари олдида кўзёш тўкиб бўлмасди. Чунки улар кўзёшларга арзимасди. Улар чала туғилган ногирон гўдакларга ўхшарди, ўлиб ўлмайди, тирилиб тирилмайди.

Бу бепоён саҳрода билиб-бilmай, адашиб келиб қолган бегона қўшиқлар ҳам беҳисоб эди. Улар телбалардай сарсон-саргардон кезишини, нега бу жойларга келиб қолганлигини ўзлари билмасди. Адашган бу шўрлик қўшиқларни кўриб, қаттиқ афсусландим. Миллий оҳанги, илдизи йўқ сохта қўшиқлар уюм-уюм бўлиб, ўзларининг асл эгаларини кутиб ётарди. Уларни кўриб одамнинг хўрлиги келарди. Ташландик қўшиқларни кўриб ачинасан. Энди уларга эгалари – би-

ринчи ижрочилар ҳам қарамасди. Энг ачинарли манзара ҳамду сано, мақтов қўшиқлар қаллашиб ётган жойда. Уларнинг кўпчилиги дорларга осилган эди. Қуруқ мақтов, «урра-урра»дан иборат ёлғон қўшиқлар аллақачон ириб-чириб бораётган эди. Улардан қандайдир бадбўй ҳид тараларди.

Бир хаёлим нега бу жойларга келдим, менга ўзи нима керак, деб ўйладим. Хўш, сен Кўшифингни топдинг ҳам дейлик, уни мана шу ўлакса, мажруҳ қўшиқлардан юқори кўтарасанму, юксакларга парвоз қилдира оласанму, Кўшифингнинг умри узок бўладими?

Сен хаста вужудинг билан Кўшиққа жон ато этасанму, қўшифинг олис-олисларга қанот қоқадиму, унинг келажагига ишонасанму...

Ўзи мен излаган Кўшиқ қайдা? Уни топаманму?.. Топаман, сени, албатта, топаман, деб, яна қўшиқ сахроси бўйлаб жонсарак кеза бошладим. Яна Мажнун аҳволига тушдим: «Сайр чоғи Лайли бир туп гул ичига кириб қолгани» каби сен ҳам гул бағрига беркиндингми, Кўшифим? Сени гуллар ичидан излайман, фунчалар юрагига қулоқ тутаман. Сени қалбига бекиттан гул, энг чиройли, энг хушбўй, энг тоза гулдир. Яхши қўшиқ билан ошно бўлган гул армонсиз боқий гулдир.

Мен ҳамон саҳро гулзорлари оралаб чопаман. Лекин бу бепоён сахрода гул на қилсин, гулзор на қилсин. Саҳронинг қовжираган майсалари, тиконлари, ёвшанлари, саксувулзорлар, исириқлар кўзларимга гул бўлиб кўринса нима қилай, Кўшифим?

Бог ичра кезарда ҳар тараф тез,
Гуллар анга очти ишқи хунрез.
Ким рози очилди ҳар биридин,
Бал қон иси келди ҳар биридин.
Яъники сұғурди тиғи бебок,
Күнгли аро солди чок уза чок.
Чун ғұнчаки пора-пора қылди,
Ишқ ичра анга бир гул очилди...

Мен ҳам ўша ғунчани излаб-излаб, бўзлаб-бўзлаб боравердим. Зора, бу қўшиғимнинг ғунчаси бўлса, деб. Ҳа, қўшиқ ҳам гулга ўхшайди, гулга ўхшаб ғунчалайди. Кейин гуллайди, гуллаб бетакрор ифорлар таратади. Бу ёруғ оламда қўшиқ ифоридан муаттар ва тароватли нарса йўқ, бошқа руҳий завқ, маънавий ҳузур-ҳаловат йўқ. Қўшиқ гули боқийдир.

Сенинг борлиғингни билардим. Сени излашдан бир лаҳзаям тўхтамадим. Саҳрони илма-тешик қилиб ташладим. Чопавериб чангини чиқардим.

Мажнун оҳуларга, қушларга ёлворгани каби, ҳасрат қилиб ғам қиссасини айтгани каби, мен ҳам сенга ёлвораман, Қўшиғим! Дарду дилимни сенга очаман, Қўшиғим! Сенга номалар битаман, тонгти саболардан саломлар йўллайман. Фақат жамолингни кўрсатгин бир бор. Бир боргина нола қил, садо бер, холос!

Изларингта зор этма мени.
Йўларингта хор этма мени.

Биламан, сенинг аниқ манзилингни билмасдан, йўлга чиқдим. Тўғриси, қай жойда,

қай манзилда эканлигингни ҳам билмайман. Лекин илдизинг мен туғилган заминда борлигини яхши биламан. Ўзбекнинг жонида, қонида, юрагида борлигингни биламан. Сен бор учун ҳам сени излаганман, Қўшиғим!.. Борлигингга қаттиқ ишонганман.

Сен қадим Мақом оҳангларида, мумтоз куй-қўшиқларда, яллалар ва аллаларда авлоддан-авлодга мардона ўтиб келаётисан. Бугун ўзбекнинг борлигини, барҳаётлигини ўлмас наволари орқали дунё билади ва бу халқни ниҳоятда қадрлашади. Қўшиқ – халқнинг ташриф қоғози, мангулик элчиси.

Жаҳон мусиқасида ўзбекнинг ўз овози, бетакрор сози, нолаю авжи бор. Энди бу мусиқага эстрада ҳам қўшилиши керак. Ўзбекнинг миллий эстрадаси бўлиши шарт. Сен бу шарафли вазифани бажаришинг лозим, Қўшиғим. Сен олди-қочди, шовқинсурон бўлиб эмас, оддий, дилга ёқар миллий оҳанглар қанотида учиб келасан. Бетакрор нолаларга айланасан...

Бу машаққатли йўлни очиш осон эмас. Улуғ Ҳазрат айтганларидек: «осон эрмас бу майдон ичра турмоқ».

Биламан, сенга тўсиқлар кўп, Қўшиғим. Ҳозир сен бир томонсан, қора кучлар бир томон. Йўлларимизда ёвузлар бўридай тиш қайраб турибди.

Эзгу ишлар ҳеч қачон тезлик билан, яхшилиқ билан амалга ошмаган, йўллари бирдан нурли бўлмаган...

Санъатни, унинг тақдирини, айниқса, санъатдан йироқ кимсалар ҳал этиб кела-

ётгани жуда-жуда алам қилади. Қүшиқни, куйни билмайдиган, қүшиқни тушунмайдиган қурувчи ёки милиционер баҳолагани ёмон-да! Ўзи доирани ҳам эплаб чалолмайдиган чала созанда концерт ташкилотини бошқарса, истеъдодларнинг ҳоли не кечади, санъатимиз тақдири нима бўлади?..

Бундай ҳолатларда санъаткорнинг жисми-жони ўртаниб, вужуди титраб кетади.

*Ким: «Эй кажрав сипехри худрой,
Зулмунгдинвойу юз туманвой!
Жонимға неча ситам қилурсен?
Кўнглумга насиб алам қилурсен?
Бир гулга неча тапонча урмоқ,
Япроқларини узуб совурмоқ?
Ҳар баргни бўйла бўлди ҳоли,
Қилмоқ бори ҳалқ поимоли...»*

Эй қўшиғим, бир баргнинг ҳоли шундай бўлгач, мен шўрликнинг ҳолим не кечади, тақдирим нима бўлади? Сен тўғри англа, мен ўзимни ўйлаётганим йўқ. Сен, фақат сен учун қайфуряпман. Фақат сени ўйлаяпман. Чунки сен мендасан, менинг қонимдасан! Мен эса, сендаман. Биз бир-биримизга, пайваста, йўқ, жонбаста бўламиз.

Қўшиғим, жон қўшиғим, ҳеч қачон одамлар оёғи остига ташланган япроқ ҳолига тушмайсан. Санъатни, қўшиқни тушунмайдиганлар олдида ҳеч қачон хор бўлмайсан, сира-сира эгилмайсан. Сенга тоғлар шуҳратини, чўққилар викорини тиладим. Сенга чинорлар умрини бағишиладим. Сени булоқларнинг

мусаффо сувларига чўмилтиридим. Майсалардек тоза шудрингларга чайдим. Сени жонимга, юрагимга абадий муҳрладим...

Сен – менинг қўшиғимсан! Ўзимсан, борлиғимсан...

Билсанг, санъат боғларида булбулдан кўра қарғалар, зоғлар кўп бўлади. Энг ёмони бу қарғалар ўзларини булбул санайдилар, булбуллик даъво қиласадилар. Катта саҳналарни эгаллашга интиладилар, унвону мукофотларни олишга шайланадилар.

Улар саҳна муқаддаслигини билмайдилар. Саҳна маънавиятимизнинг, маданиятимизнинг муқаддас бўлаги эканлигини тушунмайдилар.

Саҳнанинг юки бор. Бу сирли ва сеҳрли юкни кўтариш барча санъаткорга ҳам насиб этавермайди.

Саҳнада илоҳий бир куч-қудрат бор. Бу мардона куч оҳанрабодай ўзига тортади. Саҳнага меҳр берсанг, у ҳам сенга меҳрмуҳаббат баҳшида этади.

Саҳна юрагингдай тоза ва пок маскан. Уни оёқости қилиб бўлмайди. Нопок ниятли хонаңдаларни саҳнанинг жини сўймайди. Саҳна – отхона эмас...

Сени топганим – баҳтим менинг. Қўшиқ муборак бўлсин, Қўшиғим!

Бу қўшиқ ўзбекнинг чин қўшиғи бўлади. Бошқа халқларни ҳам ўзига мафтун этишига ишонаман. Сени топганим илоё, рост бўлсин!

Ҳаётим ва умримни фақат сенга бағишлайман, қўшиғим. Сени деб яшайман!..

ПАРИЖ. «ОЛИМПИЯ» САҲНАСИДА

Париж!

У бу номни кўпроқ Шарль Азнавур, Эдит Пиаф, Жак Брель сингари машҳур хонандаларнинг қўшиқлари орқали тасаввур қилар ва бу номни эшитиши билан кўз олдида суратларда кўрган Эйфель минораси намоён бўларди. Айни пайтда француз маданияти ва санъатига оид адабиётларни, тарихий китобларни ўқиб, яхши билардики, бу шаҳар буюк композиторлар Ф. Лист, Ф.Шопен, жаҳонга машҳур адилар О.Бальзак, Э.Золя, Г.Флобер, Г.Мопассан, В.Гюго, бетакрор мўйқалам усталари Т.Руссо, К.Коро, О.Роден Г.Курбе, П.Пикассо каби улуғ санъаткорлар ватани. Лекин кунлар келиб, Парижга ижодий сафарга боришни, уни қўшиқлари билан забт қилишни асло хаёлига келтирмаган эди. Яна қаерда денг? Жаҳонга машҳур «Олимпия» эстрада театри саҳнасида...

Ботир Зокиров 1966 йили Москва «Мюзикхолл»и билан Парижга қилган ижодий сафарини кундалигида шундай қайд этган.

6 АВГУСТ:

«Салом, Париж!

Бурже аэропорти. Мухташам кўчалар. «Pasavieг» меҳмонхонаси. Марказда. Учинчи қават. 87-хона. Соат иккидан ўн беш минут ўтганда «Олимпия»да машғулот бўлди. «Олимпия» раҳбарлари мени тинглашди. Саҳнадан тушганимдан сўнг русчалаб: «Молодец!» деб қўлларимни сиқишиди...

Париж – ўзга сайёра!»

7 АВГУСТ:

«Парижда илк тонгим. Соат ўн бирга «Олимпия»да яна машфулот бошланди. Шу куни Колизей кино-театрига бордик. У Елисей майдонида жойлашган. Чиройли.

Оқшом. Пигаль майдони – эртаклардаги бозорга ўхшайди...»

9 АВГУСТ:

«Кўрик муваффақиятли ўтди. Ҳаммамиз хурсанд. Бараварига: «Ура!» деймиз».

10 АВГУСТ:

«Париждаги биринчи дастхатим».

11 АВГУСТ:

«Севастополь бульварига бордик. Поляк савдогари бозорига тушдик. Вой худойим-еј, шунча латта-путта!..

Учинчи концертдан сўнг дам олдик. Дастлаб «Ёр, кел», «Маро бебус»ни айтдим. Тўғриси, кун сайин концерtlаримизга томошабинлар оқиб келишяпти...»

12 АВГУСТ:

«Луврга саёҳатга боришга кечикиб, қолиб кетдим. Ёлғиз ўзим шаҳарнинг у ер-бу ерини айландим.

Редакциялар биз ҳақимизда гуриллатиб ёза бошлишди. Мени газеталардан бири Шарль Азнавур билан тенглаштирибди. Бу даҳшатли даражада ёқимли. Мен микрофон ёрилиб кетмаслиги учун микрофондан узок туриб куйлармишман».

13 АВГУСТ:

«Эрталаб ва куни билан ҳаво димиқиб кетди. Телевизорда Энрико Массиас қўшиқларини эшитдим. Зўр!»

14 АВГУСТ:

«Бугун иккита концерт бўлди».

15 АВГУСТ:

«Раҳбарларимизнинг айби билан гастро-лимиз қисқарди. 28 августда охирги концерт бўлади. Шу куни меҳмонхонада палов қилдик...»

16 АВГУСТ:

«Версалга бордик. Уни, албатта, кўриш керак экан. Тўғриси, у ҳақда батафсил ҳикоя қилиш қийин. Фавворалар, ҳайкаллар, гулзорлар, буталган дараҳтлар...»

Оқшом «Казино ди Рафи» «Мюзикхолл»ининг меҳмони бўлдик. Франциядаги машҳур музика жамоаларидан бири».

18 АВГУСТ:

«Куни билан дам олдим. Оқшомги концертда «Маро бебус»ни ёмон айтдим, лекин томошибинлар яхши қабул қилишди».

19 АВГУСТ:

«Шаҳар бўйлаб сайд қилдик. Елисей майдони, Зафар арки, Эйфель минораси, Бастилия майдони, Люксембург боғи, Нотр-Дам, Сарбонна... Тунда Черво бозорини кўрдик...»

20 АВГУСТ:

«Охирги пулимни харж қилдим.

Оқшомги концерт яхши ўтди. Парижликлар ўта тинч ва осойишталик билан концерт тинглашди.

Импрессионистлар тасвирий санъат музеини кўрдим. Қизиқарлиси кам. Ҳамма яхшилари «гастрол»да экан».

21 АВГУСТ:

«Кундузги концерт яхши бўлди. Мени жуда зўр қабул қилишди. Концертдан сўнг

Франция эстрада юлдузи Лина Рено ўз та-ассуротлари ва ҳаяжонларини сўзлаб берди. Менга «Гранд артист» («Катта артист») деб баҳо берди.

Оқшомги концертда циркчилар бўлмади. Ёмон ўтди. Концертдан сўнг Марина Влади келди. Жуда оддий кийинган, камтарин, хушмуомала. Самимий фикрлар айтди».

22 АВГУСТ:

«Кун ёмон бошлилмади. Импресарио Хеллер билан учрашув бўлди. У «Олимпия» сахнасида якка ўзимни концерт беришга таклиф қилди. Сўнг ўзим ва репертуарим ҳақида кўп сўраб-сuriштириди. Мен фақат концертнинг бир бўлимига рози бўлдим.

У мени кўп мақтади. «Сизнинг парвозингиз юксак. Сиз – ҳодисасиз. Сахнада чинакам ҳаёт яратасиз. Сизни бошқа машҳур санъаткорлар билан тенглаштириб бўлмайди. Демак, Сиз сахнага чиққанда сахна яшайди. Раҳмат! Раҳмат! Раҳмат!» деди у ҳаяжонланиб.

О, наҳотки яна Парижга келсан! Ахир шунча санъаткорлар орасидан ёлғиз менинг таклиф қилинишим баҳт эмасми?!

О, мен нақадар баҳтлиман!»

24 АВГУСТ:

«Мепано сюиз» машинасозлик заводида учинчи смена ишчилари билан учрашдик. Концерт бердик. Сўнг суҳбат бўлди...

Парижда фақат сайёҳ бўлиб яшаш яхши».

28 АВГУСТ:

«Парижда охирги кун! Охирги концерт. Алвидо, тунги Париж! Алвидо! Ёки хайр».

Париж сафари унинг ҳаёт ва ижод йўлидаги ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолди. У дилрабо қўшиқларини нозиктаъб французлар қалбига муҳрлаганда, унинг халқи пахта ишқи билан яшар, туну кун пахтани ўйлар, бир фарзанди халқ номини ўзга элларда машҳур қилиб юрганидан бехабар эди. Эй, гофил халқ, эгатлардан бошиングни бир нафас кўтар, қаддингни рост тутиб атрофга боқ. Бир жигарбаңдинг сенинг номингни тарих саҳифаларига қайд этаётганидан огоҳ бўл. Ва бунингдек соҳиби истеъдолларинг қадрига ет! Наҳот умринг далаларда завол топса!.. Орадан йигирма йил ўтиб, ўзбекистонлик адилардан бири Франциядаги сафари чоғида бўлган учрашувда: «Ўзбеклардан кимларни биласизлар?» деб сўраганида, «Шоир Алишер Навоийни, хонанда Ботир Зокировни», деб жавоб беришиди французлар.

Ўз халқининг номини ўзга қитъаларда, ўзга мамлакат халқлари хотирасида қолдириш фақат чинакам истеъдол соҳибларигагина насиб этади. Ботир Зокиров ана шундай баҳтта мұяссар бўлган буюк санъаткор эди.

У ижодий сафарда французларни фақат ўзбек, араб, рус, эрон халқ қўшиқлари билан эмас, балки французча қўшиқлари билан ҳам лол қолдирди. Жаҳон эстрада юлдузлари Эдит Пиаф, Шарль Азнавур, Жак Брель, Мирей Матье куйлаган «Олимпия» саҳнасига фақат угина икки марта кўтарилди. Машҳур француз композитори ва қўшиқчиси Энрико Массиаснинг ўзи ёзид, куй бастала-

ган «Дўст ҳақида қўшиқ», «Ўлкам қизлари» қўшиқларини айни француз тилида қойил қилиб куйлади. Бири шўх, бири дардли оҳанглар билан йўғрилган бу қўшиқларни тинглаган бир қария концертдан сўнг уни тўхтатиб: «Сиз ҳақингизда фильм олишгани?.. Афсус! Сизни кечиктирмасдан фильмга олиш керак. Чунки сиз ҳам ўзбек, ҳам араб, ҳам француз бўлиб куйладингиз. Ҳаммани лол қолдирдингиз. Талантингиз олдида таъзим қиласман. Катта раҳмат!» – деди. Бу машҳур санъаткор Эдит Пиафнинг устози экан.

Орадан узоқ йиллар ўтгач, Жак Брелнинг «Мени ташлаб кетма» қўшигини куйлади. Бу ҳақда у Россиянинг «Труд» газетасида (1976 йил 13 июнь) босилган сұхбатида шундай дейди: «Нега мен шундай қилдим? Ахир Жак Брелни такрорлаш мумкин эмас, бунга уриниш эса бемаънилик. Мен унинг қўшигини бир материал сифатида қабул қилдим, холос. Брель ўз маҳбубаси билан қаҳрли, ҳатто ситамли оҳангларда сўйлашади. Мен Шарқ куйчисиман. Бизнинг қўшиқ ва шеърларда аёлларга мурожаат қилиш анъаналари ўзгача. Яъни мени француз қўшигини ўзгартирган деб тушунмаслик керак. Энг муҳими – бу қўшиқ новеллани шахсий драмамдек қабул қилиб, бегонанинг кўзёшлари ва дардлари эмас – ўз дардим каби куйладим. Гарчи бу қўшиқни франциялик машҳур хонанда ўзи ёзиб, ўзи куйлаган бўлса ҳам, барибир бу – менинг қўшифим».

Бошқа қатор қўшиқлари каби бу қўшиқ ҳам унга шуҳрат келтирди. «Мени ташлаб кетма» унинг ижросида Москвадаги Эстрада театрида, «Россия» концерт залида, Лужники ва Сокольникида янграганда одамлар қўшиқни тинглаб йиглашарди. Франциялик сайёхлар кўп ҳолларда айнан шу қўшиқ учун унинг концертига киришар ва қайта-қайта шу қўшиқни куйлашини илтимос қилишарди.

Ботир Зокиров номига келган хатлардан бирида шундай дейилади: «Мени ташлаб кетма» қўшигини Жак Брель ёзган. Лекин Ботир Зокиров куйлаган. Сиз сеҳргарсиз. Сизни тинглагач, кўз ўнгимда ҳақиқий мўъжиза рўй берди» (А.Белова. Москва шаҳри, 1973 й.).

У бошқа халқлар қўшиқларини куйлашдан олдин ўша халқнинг тарихи, турмуш тарзи, маданияти ва санъатига оид ҳар хил адабиётларни ҳам ўқиб, ўрганаради. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий тилларда айтган қўшиқлари унга катта шуҳрат олиб келди. Уни ҳиндлар – «ҳинд», руслар – «рус», араблар – «араб», француздар – «француз» деб аташарди. Ваҳоланки, у ўзбек хонандаси эди.

Бир гал чет эл сафарида кечки концертдан олдин олий ўқув юртларидан бирининг маданият саройида бўлган учрашувда унга шундай савол беришди: «Сиз Ўзбекистондансаниз, шундайми?.. Лекин Ўзбекистонни қолоқ, маданиятдан анча орқада қолган, ҳалиям феодал республика деб эшитамиз. Бунинг сабаблари нимада?»

У саволни ўқиб, узоқ жим бўлиб қолди.

— Ҳозир саволларингизга жавоб бермайман! Яхшиси, концертимизга киринглар. Эҳтимол, жавоб топарсизлар, — деди ҳеч бир муболағасиз.

Концерт узоқ давом этди. Уни қайта-қайта саҳнага таклиф қилишди. У ўша оқшом асосан репертуаридаги миллий қўшиқлардан куйлади. Қарсаклар, гуллар, давомли олқишлиар...

Концертдан сўнг эшик олдида уни ўрта ёшлардаги хижолатда турган эр-хотин қарши олдилар.

— Савол учун узр. Сизни тинглаб Ўзбекистонни, ўзбекларнинг қанчалар юксак маданиятга кўтариленганини тасаввур қилдик. Энди юртингизни, албатта, ўз кўзимиз билан бориб кўрамиз. Агар мумкин бўлса, дастхат қолдирсангиз, — деди улар бироз хижолат бўлиб, қўлларидағи блокнотининг оппоқ саҳифасини хонандага тутиб.

— Илтимос, уни саволи учун, албатта, кечиринг, — деди хотини алоҳида майин овозда.

«Кечирдим. Бошқа ҳалқнинг камчилигини айтишдан олдин, ўз ҳалқининг камчиликларини билиб олиш ҳам маданият белгиси», — деб дастхатига имзо қўйди хонанда.

Шундай кезларда қўшиқчи бўлганидан, тақдиридан мингдан-минг бора рози эди. Ҳалқини, юртини дунёга танитишда озгина хизмати сингаётганидан кўнгли тоғдай кўтариларди. Касаллигини мутлақо унутиб янги қўшиқ яратишга киришарди. Касаллик эса соя каби доим изма-из эргашиб, ҳар қадамда, ҳар дақиқада таъқиб қилиб унга

панд бермоқчи бўларди. У эса касалликнинг барча ҳийла-найрангларигача чап берар, куйлаёттанида хасталигини батамом унутарди. У хасталик ва ажални иродада ва қўшиқ билан енгиб яшади.

У кундайларидан бирида хасталик умрига, ижодига ҳамиша тўсиқ бўлиб келганини шундай ифодалайди: «Лаънати хасталик! Қанчалар кеча ва кундузларим елга совурилгандек изсиз кетди. Қилинмаган қанча беҳисоб ишлар қалашиб ётибди. Улгуриш керак!..

*Истардимки, граната янглиғ ўчсинлар сўзлар,
Бомбалардек портласинлар юракларнинг тубида
парчаларин сачратиб ҳар ён.*

*Истардимки, нақ авжида узилган Гарсиа Лорка
Қўшиғин,*

Гитара жўрлигида давом эттирасам.

*Чилилик жувонмарг жигарим умрини
яшасам дейман,*

Яшасам унинг ёруғ тушларини!

Бахтили ва озод Ҳиротда – куйласам,

Афғон хонандаси билан жўрликда

Ҳазрати Навоий ғазаларини!..»

«БОТИР ҲАМИША БАРҲАЁТ»

(Ўзбекистон ҳалқ артисти
Икром АКБАРОВ ҳикояси)

Мен Ботир Зокировни 1957 – 58-йиллардан, яъни саҳнага дастлабки чиққан пайтларидан бошлаб биламан. У 1959 йилда кинорежиссёр Комил Ёрматов суратга

олган «Гуллар очилгаңда» бадий фильміда мен ёзған мусиқага бириңчи марта қүшиқ айттан. Ҳам шу фильмда қаҳрамонлардан бириңнинг образини яраттан. Бу унинг кинодаги илк қадами эди. 1963 йилда кинорежиссёр Равиль Ботиров билан Альберт Хачатуров ёзувчи Пиримқул Қодиров сценарийси асосида яратылған «Сенинг изларинг» бадий фильміда шоир Туроб Тўла шеъри билан Ботир ижросида «Газли қўшиғи» янгради. Янгради-ю, жуда машҳур бўлиб кетди. Бу ижодий ҳамкорлигимизнинг бошланиши эди.

Мен 1960 – 70-йиллар орасида бир неча марта йиллаб Москвада яшадим. Бу орада Ботир йиллаб Москва касалхоналарида ётиб даволанди. Шу орада ҳам ижодий ишларимиз, ҳам дўстлигимиз мустаҳкамланиб, қатор қўшиқлар яратдик.

Ботир билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам мashaққатли эди. У янги қўшиқ устида деҳқон ерга тер тўкиб ишлагандек, катта заҳмат билан ишларди. Таъланган шеърининг сўзлари ёқмаса, қайтадан ёзарди. Кераксиз сўзларини олиб ташларди. Баъзи қўшиқларни ўн вариантда ишлаган пайтларимиз бўлган. Масалан, русча «Ошиқ булбул» қўшиғини ўн саккиз вариантдан сўнг куйлаган. Умуман, у ўзига ёқмаган, юрагини жизиллатмаган қўшиқни айтмасди. Агар қўшиқ ёмон чиқса, «ҳошим» бўлиб қолибди-ку, Икром ака» – дерди кулиб.

Иккинчи операцияга тайёргарлик кўриб юрган кезларда ҳам нуқул «ишлайлик», дер-

ди. Баъзан шанба-якшанба кунлари врачлардан рухсат сүраб уйимизга олиб келардик. «Эй, сорбон» қүшиғи шу даврда яратилди. Узоқ ишладик. У сўз мусиқа оҳангларига тушмагунча қайтараверарди.

Ботирнинг қўшиқларини асосан собиқ Иттифоқ радиосининг эстрада оркестри ёзиб оларди. Оркестр дирижёри, Халқ артисти Юрий Силантьев уни беҳад севарди. Истаган пайтда Ботир учун оркестрни тайёрлаб берарди. Баъзан касалхонадан чиқолмай ё тоби қочиб оркестрга келолмай қолган кезларида сира хафа бўлмасди. Шунингдек, собиқ Иттифоқ «Мелодия» грампластинка фирмаси эшиклари доимо унинг учун очиқ эди. Мусиқа бўлими редактори Анна Качалина ёзувга уни доимо навбатсиз қўярди. «Янги қўшиқни ҳеч қачон кечиктирмасдан олиб келинглар. Ботир Каримовичнинг дилбар овозига ҳамиша муштоқмиз», — дерди у. «Эй, сорбон» қўшиғини ёзаёттанимизда фирманинг овоз режиссёри Володя Бабушкин бошини чанглаб йиғлаган ва чидолмай хонадан чиқиб кетган. Ботирни Москвада ҳаддан ташқари севишар, орзиқиб кутишар, ҳурмат қилишар ва унга катта санъаткор деб қарашарди. Афсуски, унга ўзимизда бундай муносабат кам бўлган. Бўлганлари ҳам ё жанжал, ё тўрачилик туфайли узоқ кутишлардан сўнг амалга ошган. Тўғриси, уни ўзимизда тушунадиганлар, қалбига, дардига қулоқ соладиганлар жуда кам эди. Баъзи санъатимиз «ҳомийлари» рўйхатлардан унинг номини ўчирап, майдрафеъллик қилиб турли томон-

лардан тазийкелар ўтказиша, хуллас, уни ялиниб-ёлворишга, бўйин эгишга мажбур қилишарди. У ҳеч қачон, ҳеч маҳал санъатни тушунмаган маънан саёз кимсалар олдида эгилмади. У ҳавас қиласидиган даражада ҳар жиҳатдан мард ва ғурури баланд инсон эди...

«Эй, сорбон» қўшигини ёзиб улгуролмадик. Операциядан кейинга қолди. У операция хонасига ҳаётини эмас, ёзилмай қолган қўшигини ўйлаб кириб кетди. Уни йифлаб кузатиб қолганлар эса қайтиб чиқишини ўйламаганди. Чунки биз врачлар билан гаплашганимизда «умид йўқ», дейишди. Ўйга – ота-онасига, оиласига телефон қилишга Ботир ҳеч рози бўлмади. Вужудларимиз қон бўлиб операциядан нажот кутганмиз. Ўша куни бутун касалхона – ҳамширалардан тортиб касалларгача мотамсаро бир ҳолатда, тик оёқда туриб уни қай ҳолатда олиб чиқишиларини кўриш учун операция хонаси атрофидан нари кетишмади...

У бахтимизга тирик қолди! Эртасига касалхонага бориб, у ётган палата деразасидан қарадик. Катта миқдорда берилган наркоз таъсирида у беҳуш ётарди. Унинг нафас олаётганини кўриб, йифлаб юбордим... Кейинчалик бошқа палатага ўтказишиб, ёнига киришга рухсат берилди.

– Соғлиқ қалай? – деб сўрадик.

– Зўр! – деб жавоб берди гўё ҳеч нарса бўлмагандай. Кутилмагандай латифа айтиб ҳаммамизни кулдириди. Бешинчи куни тўп камерасига нафас тўлдириб, ўпкасини машқ

қилдира бошлади. Бироз оёққа тургач, бир күнни мүлжаллаб қўшиқни ёзадиган бўлдик. Оркестр тайёр, уни кутиб турибди. Мен машинада касалхонага бордим. Борсам, яна мазаси қочибди. Иссифи қирқ. Қон кетган. Ранги оқариб катта-катта кўзлари ости осилиб қолганга ўхшайди. Мени аста имлади.

— Энди нима бўлади? — деб хаста овозда секингина сўради.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Мутлақо ўйлагин. Уларга тушунтираман. Қўшиқ, албатта, ёзиб олинади, — дедим тасалли бериб.

Врачлар кўп ўтиришимга рухсат беришмади.

Радиога бориб, бўлган воқеани айтдим. Улар Ботирнинг аҳволини тушунишди. Орадан бирон ҳафта ўтгач, уни касалхонадан «ўғирлаб», охири радиога олиб бориб қўшиқни ёзиб олдик.

Кўп қўшиқлар ана шундай қийинчиликлар, мashaққатлар эвазига тингловчиларга етиб борарди.

... У оҳиста чайқалаётган карвон қўнғироғи садоларига монаңд оҳиста куйларди. Гўё саҳнадами, залдами бир-бир босиб карвон кетаётир. Карвонда унинг юлдузи, кечалари ой бўлиб, кундузлари қуёш бўлиб излаган юлдузи, юзларини бекитиб юм-юм йиглайди, елкалари титрайди. У эса сорбонга юзланиб, юракларни парчалаб нола қиласди:

*Эй сорбон, оҳиста юр, ороми жоним борадур,
Тандин силу жоним олиб, ул дилистоним
борадур.*

Қолурмумен олис бўлиб, бечораю маъюс
бўлиб,

Қалбим фироқ тиги тилиб, то устиконим
борадур...

Юлдузнинг эса қайрилиб қарапга, бо-
шини кўтариб бир қиё боқишга мадори йўқ,
фақат чайқалиб бораётган нозик елкалари
дир-дир титрайди. Қўшиқ эса сахрого ай-
ланган вужудини қайтадан ёндиради:

Эй сорбон, оҳиста юр, ороми жоним
борадур...

Бу қўшиқни Шарқнинг кўпгина таниқли
хонандалари куйлаганлар. Лекин Ботир Зо-
киров уларнинг бирортасига тақлид қилмади,
эргашмади.

У тақлид қилишни, тақлидчи қўшиқчини
жинидан ёмон кўради. Бирордан сира ол-
масди. Ҳамма-ҳаммаси ўзиники, табиий бў-
лишига интиларди.

Унинг ҳеч қачон концертмейстери бўл-
маган. Мен билган санъаткорлардан бу
жиҳатдан ягонаси у.

Маълумки, Ботир кўп қиррали ижод со-
ҳиби эди. Фақат у мусиқа ёзмади. Аслида,
ёзса бўларди, қудрати етарди. Баъзи номдор
композиторлардан яхши ёзарди. У мусиқани,
куйни муқаддас деб билгани учун ҳам бунга
қўл урмади. У мусиқани, қўшиқни илоҳий
деб билар ва бунга хиёнат қилганларни ке-
чирмасди.

— Суваракка ўхшаб ўртамиёна, саёз ком-
позиторлар ва уларнинг «қўшиқ»ларини ай-
тадиган чала хонандалар кўпайиб кетяпти.

Улар халқнинг дидини бузадилар. Миллий мусиқа санъатимизни ҳалокатта бошлайдилар, — дерди куюниб.

1970 йили Ботирни учинчи марта операция қилдилар. Бу ғал ҳам уни профессор Лев Богуш операция қилди. Операцияга бу ғал ҳам уни узоқ вақт тайёрлашды. Ҳар куни ўпканинг операция қилинган ўрни — кичик «ойна» орқали тампон қўйишарди. Бу чинакам азоб эди. У қўлларини деворга тираб, тишларини тишларига босиб — ҳаммасига чидарди. Кутилмагандага ўша «ойна» кичрайиб қолди. Шундай бўлса ҳам уни йиртиб, очиб тампонни босишарди. Бундай азоб-уқубатни кўриб юраги чидамаган ҳамширалардан бири ҳушидан кетган. Уф, қўйинг, буни таърифлаш ўёқда турсин, эслашнинг ўзи азоб. Азоб эмас, даҳшат!

Операция қилинавериб, у саккизта қовурғадан айрилган эди. Оммавий транспортда юролмасди. Доим таксида юрарди.

Унга янги ишланган ва энг кучли дориларни бериб, синаб кўришарди. Шунинг учун ҳам Ботир Зокировда қўлланилган мураккаб операция Катта медицина энциклопедиясидан ўрин олган.

Операциядан сўнг Крим санаторияларида дам олиб қайттач, менга телефон қилди.

— Спитамен ҳақида опера ёзмоқчиман. Либретто учун баъзи қораламалар тайёр. Шунга нима дейсиз? — деб сўради.

— Жуда яхши. Фақат муваффақият тилайман, — дедим қувониб.

Орадан ҳеч вақт ўтмай у операнинг биринчи қисмини ёзиб, олиб келди. Менга маъқул бўлди. Кейин қолган қисмларини ҳам ёзиб, 1972 йилнинг май ойида тутатди. Уни Александр Гинзбург билан бирга учаламиз ўқидик. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрида ўқилди. Театрдагилар «ўзбек тилида бўлсин», дейишиди. Операни таниқли адаб Асқад Мухтор таржима қилди. Ботирнинг бу ёзувчига ҳар жиҳатдан ҳурмати баланд эди. Таржима жуда яхши чиқди. Кейин театрдагилар, «Операни икки тилда қўямиз», — деб қолишиди.

Узоқ тортишувлар, баҳс-мунозаралар, кераксиз машмашалардан сўнг 1977 йил 10 июль куни «Сўғд элининг қоплони» операсининг кўриги бўлди. Операни Санкт-Петербург Давлат опера театри бош режиссёри Роман Эринархович Тихомиров саҳналаштириди. Лекин постановка биз ўйлаганчалик яхши чиқмади. Мусиқага ҳар жиҳатдан қўйма бўлиб тушадиган актёрлар йўқ эди. Бунга театр маъмурияти ҳам эътибор бермади. Шошилиб саҳналаштирилгани учун камчиликларга йўл қўйилди. Бироз ўйналгач, репертуардан олиб ташланди. Ниҳоят, 1984 йил ноябрида опера яна тикланди.

Биз операни яна бир бор қайта кўриб, янги картиналар қўшмоқчи эдик. Ботир Спитамен образини чуқурроқ очиш учун ўн беш саҳифадан иборат «Стан» деб номланган боб ёзмоқчи эди. Насиб этмади. У яна касал бўлиб қолди.

Ботир Зокиров билан сүнгти ижодий ишимиз шу опера бўлди.

60-йилларнинг ярмидан кейин умуман қўшиқ ёзмадим. Чунки Ботирга ўхшаб айтадиган, Ботирдай юрақдан ёниб куйладиган хонанда йўқ эди. Унинг касаллиги жуда кўп ижодий ишларимизга панд берди.

Ботир охириги марта касалхонада ёттанида, мендан бир қўшиқ ёзиб беришни илтимос қилди. Хурсанд бўлиб, куйни икки вариантда ёзиб қўйдим. Агар Ботир тузалиб чиқса, куй унга маъқул бўлса, бирга шеър танламоқчи эдик. Афсус...

Уни сўнгти марта кўргани касалхонага 1985 йил 20 январь куни бордим. Олтинчи операциядан кейин аҳволи оғир, ранги синиққан, кўзлари ҳорғин ётарди. Бу гал ҳам уни саккиз соат операция қилишибди. Ориқ, кичрайиб қолган қўллари боғланган. Бўртиб чиққан томирларини кўриб этим увишиб кетди. Азбаройи укол қилинаверганидан томирларининг тешилмаган жойи қолмаган эди. Куриб қолган лабларини аста қимирлатиб гапира бошлади:

— Менга магнитофон олиб келишди. Ундан Луизанинг қизи Наргизанинг қўшиқларини эшитдим. Яхши, Худо хоҳласа, тузалсам, у билан ўзим шуғулланаман.

Бу — унинг мен эшитган сўнгти сўзлари эди. Чунки шундай иродали, ҳаётта ташна одамнинг севган оламдан кўз юмишига асло ишонмасдим. Ишонмаганим учун ҳам унинг тобути устида гапиролмадим. Мен учун у ҳамиша барҳаёт...

(Сүнгі суҳбат)

— **Д**отир ака, мана бу мактубларнинг кўпчилиги санъат муҳлисларидан.

Улар санъатимизнинг, айниқса, эстрада қўшиқчилигимизнинг истиқболи ва муаммолари тўғрисида кутониб ёзишган. Улар ўз мактубларида, бугунги кунда эстрада қўшиқчиларининг оммавийлашиб бораётганлигини тан олган ҳолда, баъзи ёшларимизнинг классик қўшиқларимизни назар писанд қилмаётганликларини ташвишланиб ёзадилар. Эстраданинг оммавийлашиб бораётганлиги ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?

— Қаранг, қандай жонли хатлар. Томошабин, тингловчи талаби жиiddий. Уларни алдаб бўлмайди, ёлғон айтсанг сезишади. Шундай бўлса-да, мен бунинг биринчи сабабчиси ёшларнинг ўзи деб биламан. Уларнинг кўпчилиги маданий меросни, узок тарихга эга бўлган мусиқа санъатимиз илдизини яхши билишмайди. Баъзи бир тоифа ёшларимиз нуқул бақириқ-чақириқдан иборат енгил-елпи куй-қўшиқларнинг гадоси. Шовқин ва бемаъни ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган бундай қўшиқ ёки куйдан лаззат олиб бўлмайди. Уларнинг умри ўткинчи. Ўткинчи бўлиши билан бирга ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавий дунёси шаклланишига, миллий маданиятни чуқурроқ англашига салбий таъсир ўтказади.

— Энди эстраданинг оммавийлашиб кетаётганлиги масаласига келсак, бу тўғри. Лекин эстрадада ҳам эстрада бор. Бу ҳали биз учун

маълум маънода янги санъат. Шунинг учун ҳам у, аввало, халқимизга манзур бўлиши ва сингиб кетиши керак. Гапнинг сирасини айтганда, у кўпроқ ёшларимиз орасида оммавийлашиб боряпти. Масалан, «Ялла» ансамблининг кейинги йиллардаги қўшиқлари халқимиз орасида шухрат топди. Бунинг сабаби ўша қўшиқларнинг мусиқаси ва айтилиш йўли миллий оҳангларимизга, услубларимизга яқин. Ҳар қандай санъат асари ўз миллий, тарихий замини билан мустаҳкам чатишиб кетмас экан, у санъат профессионал бўла олмайди. Шу жиҳатдан «Ялла»нинг изланишларини қўллаб-қувватласа арзиди.

Иккинчидан, эстрада нималигини билмайдиган «ўртамиёна хонанда»лар кўпайиб кетяпти. Ҳатто улар тўрт-бешта бўлиб «ансамбль» тузиб олишяпти. Бу аҳволда ҳақиқий эстрада санъати қандай ривожланади? Бундан ташқари, мазкур жанр тақдири билан жиiddий шуғулланадиган бирор ижодий ташкилот йўқ. Борлари ҳам қизиқмайди. Тўғрироғи, ўша идораларда ўтирганлар эстрадани яхши тушунмайдилар. Э, айтаверсак сабаблари кўп.

Фикримиз янада тушунарлироқ бўлсин учун операдан бир мисол келтирай. Маълумки, Европада бу санъат ниҳоятда оммавийлашиб кетган. Бизнинг ўзбек санъатимизга ҳам бу жанр кириб келди. Дастрраб, томошабинлар уни яхши қабул қилмади. Чунки у ҳали янги санъат эди. Бундай санъатни ҳалқ бирдан қабул қилиши қийин. Хўш, операни халқимиз орасига олиб ки-

риш учун нима қилиш керак эди? Бу саволга Сулаймон Юдаковнинг «Майсарапанинг иши» операси жавоб бўлади, деб ўйлайман. Шу асар саҳнага чиқиши билан халқ театрга гурра-гурра кира бошлади. Чунки бу опера миллий оҳанглар ва топилмалар билан бойитилиб, халқимизнинг руҳига мос тушди. Агар ҳозир ҳам шундай халқчил, миллий оҳангларга йўғрилган опера асарлари яратилса, аминманки, театр залларидан ўрин топиш амримаҳол бўлиб қолади. Ва шундай қилсаккина бу санъат халқимиз орасида яна ҳам оммавийлашиб кетади. Ёки мусиқанинг симфония жанрини олайлик. Бу санъат тури ҳам бизга Farbdan кириб келган. Ҳали уни халқимиз орасида жуда оммавийлашиб кетди, деб айтольмаймиз. Бунга асосимиз йўқ. Чунки бизнинг кўпчилик композиторларимиз ўтириб ижод қиласи. Ўтириб деганим – мусиқа мактабиу консерваториядан олган таълимни билан. Ахир бу билимлар билан симфония яратиб бўлмайди. Россияда, Европа мамлакатларида симфониянинг улуғ намуналари бор. Бу жанрни ҳам халқимиз орасида оммавийлашадиган йўлларини топишимиз лозим. Назаримда, симфонияда халқ «ҳазм» қиласидиган ўзига хос оҳанглар етишмаяпти...

Хуроса қилиб айтганда, эстрадамизнинг халқимизга сингиб бораётганлиги яхши. Бундан кейин ҳам бу жараён чуқурлашиб, ривожланиб ва оммавийлашиб боради. Аммо ҳали эстрадада кўп жиҳдий изланишлар олиб борилиши керак.

— Агар янглишмасам, Сиз бир пайтлар «Мюзик-холл» группасини тузиб, бадий раҳбар бўлиб анча шуҳрат қозонган эдингиз. Сўнг группа тарқаб кетди. Бунинг маълум сабаблари бўлса керак, албатта?

— Мен 1957 йилда биринчи Ўзбек Давлат эстрада оркестрини тузишда қатнашганман. Оркестр Ўзбекистонда эстрада санъатининг ривожланишига катта асос солди. Гарчи «Мюзик-холл» сал кейинроқ, 1972 йилда тузиған бўлса-да, бироқ бунга ҳам ўша эстрада оркестри туртки бўлди. Бу Ўрта Осиёдаги биринчи ва Иттифоқдаги учинчи «Мюзик-холл» эди. «Мюзик-холл» — бу эстраданинг энг юксак чўққиси ҳисобланади. У эстрада ансамбли, яккахон қўшиқчи ва ракқосалар ансамбли, драматик актёр, цирк артистлари сингари бир қанча жанрларни ўзида мужас-самлаштиради.

«Мюзик-холл»нинг «Синдбод денгизчининг саёҳатлари» номли доимий дастури сценарийсини таниқли режиссёр Марк Захаров ва актёр Александр Ширвиндт билан ҳамкорликда ёзганмиз. Дастур «Шарқ бозори — Шарқ эртаги» ва «Тошкент тўйи» деб номланган икки катта бўлимдан иборат эди. Томошибинлар яхши қабул қилди. Дастлабки муваффақиятларимиз ёмон бўлмади. Айниқса, Москвадаги «Россия» ва Санкт-Петербургдаги «Октябрь» Катта концерт залида ойлаб концертлар берганмиз. Ҳатто билетлар уч ой олдин сотилган пайтлар бўлган. Лекин республикамизда гурухга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмади. Тўғриси,

«Мюзик-холл» юқоридағи айрим катта раҳбарларга ёқмади. Масалан, машғулот ўтказиш учун жой берилмади. Кейин, минг афсуски, турли сабаблар, нотўғри кўрсатмалар билан ижодий гуруҳ тарқатиб юбориldи. Жуда кўп меҳнатларимиз зое кетди...

— Уни қайта тиклаш мумкинми?

— Албатта, мумкин. Эстрада оммавийлашиб, халқимиз орасидан ўз ўрнини топиб бораётган бир пайтда бизга «Мюзик-холл» жуда керак. Баъзилар эстрадани енгил санъат дейишади. У қанчалик енгил санъат бўлса, шунчалик мураккаб!

Айни пайтда республикамизнинг турли жойларида қанча артистлар, масхарабозлар, дорбозлар ва кулги усталари бор. Улар бир четда ўзлари билан ўзлари овора бўлиб ётибди. Агар шулар бирлаштирилиб, яхшигина бир «Мюзик-холл» тузилса ёмон бўлмайди. Ҳақиқий миллий санъат, аввало, ўз юритда кўкаради, ўсади, сўнг у интернационал санъатта айланади.

— Ботир ака, сўнгти йилларда телевизорда кам кўринадиган бўлиб қолдингиз. Нега?

— Телевизорнинг кўп яхши хусусиятлари бор. Айниқса, у ёш санъаткорни элга тез танитади. Лекин нуқул телекран атрофида ўралашиб қолиш хавфли. Ёшлигимда менда ҳам шундай қусурлар бўлган. Томошабинга айтадиган дурустроқ нарсамиз бўлмаса ҳам телевизорга чиқишига қизиқиб айтаверганимиз. Бундай чиқишиларнинг умри қисқа эканлигини ўша вақтларда тушунмаганмиз...

Хозир телевизорга чиқищдан олдин узоқ мулоҳаза қиласман. Чунки бугунги то-

мошабин талаби бошқача. Уни енгил-елпи қүшиқлар билан алдаб бўлмайди.

Телевизор санъаткор билан томошибин ўртасидаги мулоқот воситаси. Шунинг учун ҳам телетомошибинни зериктириб қўйишдан қўрқаман. У экранга шунчаки лоқайд қарашини истамайман.

Умуман, санъаткор телевизордами, сахнадами, қаерда бўлмасин, ҳақиқий қўшиқ юрагидаги бўронларини (агар у юракда бўлса), томошибин қалбига кўчириши керак.

— Сиз «Ўзбекфильм» киностудиясида суратта олинган қатор бадиий фильмларда роллар ҳам ижро этгансиз. Кино ижодингизда қандай роль ўйнайди?

— Тўғрисини айтсам, кино менинг ижодимда унча катта аҳамиятта эга эмас. Агар мен у билан жиҳдий шуғулланганимда бошқа гап эди. Умуман, кинодаги иштироким тасодифий ҳол.

— Ботир ака, баъзи ўзбек эстрада қўшиқчилари халқ қўшиқларини бузиб куйлашади. Айниқса, бу ачинарли ҳол ёш хонандалар ижросида кўпроқ сезилади. Уларнинг ҳатто сўзларини тўғри айта билмаслиги кишининг рашига тегади. Ёки эстрадада шундай қилиш мумкинми?

— Йўқ, сира мумкин эмас. Менинча, санъаткор айтаётган қўшифининг сўзларини тушуниб, тўғри талаффуз қилмагунча айтмаслиги керак. Бизда кўпчилик ижрочилар қўшиқ айтаётганда текстдаги фикр ё сўзга эмас, мусиқага кўпроқ эътиборни қаратадилар. Баъзида эса майда-чуйда

жихатларига аҳамият беради-ю, сўзини эсидан чиқариб қўйишади. Оқибатда у нимани айтаётганини ўзи билмайди. Бу хонанда учун, қўшиқ учун – офат!

Бизда сўздан кўра, куйга эътибор кучли бўлгани учун ҳам кўпгина эстрада қўшиқларимиз халқ қалбидан жой ола билмаяпти.

Телевизорга чиқаётган ва саҳнада қўшиқ айтаётган баъзи санъаткорлар ҳақида бу фикрни айтиш мумкин. Шундок экранга ё саҳнага чиқади-ю, қаққайиб туриб «қўшиқ» айтаверади. Юзида ё туришида ҳеч қандай ифода сезмайсиз. Томошабинни ҳаяжонга солиш мумкин бўлган сўзларни, сатрларни шунчалик ҳиссиз, лоқайд айтишадики (юқорида айтган ҳолатда туриб), томошабиннинг энсаси қотади. Оқибатда қўшиқ унга юқмайди. Классик ё мақом қўшиқлари бўлганда бошқа гап. Бу қўшиқлар санъаткордан вазминликни, босиқликни (бу ҳам меъёридан ошмаслиги керак) талаб қиласди.

Назаримда, ҳар бир қўшиқнинг такрорланмас ўз ранги, ўз хушбўй ҳиди бўлади. Ана шу бўёқларни, исларни тингловчи қалбига етказиш керак. Ўшаңдагина санъаткор ўз вазифасини бажаради. Тўрт қатор шеърни пала- partiш ёдлаб, уни бирор ўткинчи мусиқага амаллаб мослаштирган кишини санъаткор деб бўлмайди.

Мен французча, арабча, афғонча ва ҳинҷча қўшиқлар айтганимда, аввало, ўша қўшиқларнинг мазмунини, сўзларини тўла тушунишга ҳаракат қиласман. Таржимон то-

пиб, таржима қилдириб, кейин машқ қила бошлайман. Чунки айтилаётган қўшиқнинг мазмунини тушунмасдан томошабинга рўба-рў бўлсангиз, кулгили аҳволга тушиб қоласиз. Бундан худо асрасин!

Менимча, ҳиссиз, дардсиз айтилган қўшиқдан томошабин ҳеч нарса олмайди.

— Ботир ака, ижоднинг кўп турлари билан қизиқасиз. Мухлисларингиз Сизни рас-сом сифатида ҳам танишади. Тасвирий санъат билан шуғулланиш ижрочилик фаолиятингизга таъсир қилмайдими?

— Мен ёшлигимдан тасвирий санъат билан шуғулланаман. Анча-мунча картиналар чизиб қўйдим. Рассомлик менинг ижрочилик фаолиятимга ижобий таъсир кўрсатади. Қўшиқларимда ўз ифодасини тополмаган фикрларимни, туйгуларимни бўёқларда акс эттиришга уринаман. (У киши қўшни хонага чиқиб, ўз картиналаридан бир нечтасини олиб келди.) Булар турли йилларда ишланган «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Саратон» сингари картиналарим. Ҳозир «Анор пишганда» деб номланган триптих устида ишлайпман. Ҳар бир картинастининг чизилиш тарихи бор. Масалан, «Саратон» картинасини бир куйга қаттиқ берилганда чизганман. Кўпчилик «Манзаралар» бетоблигимда қофозга тушган.

Мен тасвирий санъатга қизиқишим туфайли баъзи нарсаларни айтишни истардим. Бир неча йилдирки, Ҳамид Сулеймонов номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти томо-

нидан «Шарқ классиклари меросидан» деб номланган китоблар нашр этилмоқда. Бу жуда хайрли иш. Лекин китобларда эълон қилинаётган расмлар Шарқ миниатюрасига сира ўхшамайди. Китоб мазмунига тўғри келмайди. Ҳаёсизлик, холос. Ахир, эгнингда бирорнинг бесўнақай кийими бўлса, қанчалар кулгили аҳволга тушасан киши. Масалан, Умар Хайёмнинг соқолини олиб, унга костюм кийдириб, бўйнига галстук тақиб бўлмайди-ку? Бу ўтмиш меросимизга катта ҳурматсизлик белгиси. Миниатюра – нозик туйғулар санъати. Уни тасвирий санъатнинг олий чўққиси деб атагим келади. Шундай экан, буни жиҳдий ўйлаб кўриш керак.

– Юморга қандай қарайсиз?

– Юморни жуда яхши кўраман. Улфатлар билан йифилганда, дўстлар даврасида аския айтишни ёқтираман. Менимча, самимий юморни, кулгини тушунган одамнинг дили пок бўлади. Кулгини англаш ва қадрлаш ҳам маданият белгиси.

– Ботир ака, Сизнинг проза билан ҳам шуруланишингиз китобхонларга маълум. Дастробки ҳикояларингиз эълон қилингандан буён орадан анча вақт ўтди. Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, ҳозир ҳам ҳикоялар ёзяпсизми?

– Тўғри, прозада унча-мунчамашқларқилдим. «Она», «Мўйсафи», «Паҳлавон», «Етакчи», «Табассум» деб номланган ҳикояларим «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил 2-сонида эълон қилинган. Айримлари «Гулистон» журналида чоп этилди. Машқларим ўқувчиларга маъқул тушдими-йўқми, бу

менга қоронғи. Лекин энди прозага бошқача ёндашиб, бошқача ёзиш керак. Мен баъзи ёш прозаик дўстларимнинг ҳикоячилиқда қўллаётган экспериментларини кўриб шунга амин бўлдим. Аммо эксперимент доим ҳам оммавийлашиб кетмаслигини унутмаслигимиз лозим. Жимжимадор сўзлар билан проза яратиб бўлмайди.

Маълумки, «Сўғд элиниңг қоплони» (Композитор Икром Акбаров билан ҳамкорликда) операсининг либреттосини ёзганман. Асар ҳақида қисқа қилиб шуни айтиш мумкинки, унда одамзоднинг тақдирини одамзод ўзи ҳал қиласи, деган бир фоя ётади...

Ҳозир эса ўзимни драматургияда ҳам синаб кўриш учун баъзи изланишлар олиб боряпман. Агар юракда чинакам иштиёқ бўлса, қилаётган ишингта ишонсанг, санъатнинг барча турларида (истеъдод ва имконият ҳисобига, албатта) ўз кучингни, билимингни синаб кўрсанг бўлади. Бунинг учун билимдон, ҳақиқатгўй, эътиқодли, энг муҳими – имонли бўлиш керак. Ҳақиқий санъаткорлик истеъдод ва меҳнатни виждан билан уйғунлаштирган кишигагина насиб қиласи...

– Ботир aka, яна шу ўринда эстрадага қайтсак.

– Марҳамат.

– Маълумки, сўнгги йилларда республикамизнинг бир қатор вилоят ва шаҳарларида эстрада ансамблари тузилмоқда. Уларнинг баъзилари ҳалқ назарига тушмоқда. Лекин негадир бу ансамбларда кескин ўсиш бўлмаяпти. Сизнингча, бунинг сабаблари нимада?

— Менимча, «Ялла»дан бошқа эстрада ансамблари ҳали изланишда. Ҳатто қўшиқ мухлисларининг эътиборини анчагина қозонган «Садо» ва «Наво» ансамблари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин бу жамоаларнинг изланишларида ютуқлар бор. Ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш лозим. Қайсики, янги тузилган ансамблда изланиш, ўрганиш пухта бўлмаса, ўсиш ҳам бўлмайди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби эстрада санъати ҳам тинимсиз тер тўкишни талаб қиласди.

Менга, айниқса, классик қўшиқларни маҳорат билан ижро этаётган Муноҗот Йўлчиева кўпроқ ёқади. Унинг ҳар бир чиқишида янгилик бор. Бўлар-бўлмас қўшиқларни айтмайди. Энг муҳими – унинг овозида тингловчи қалбини сел қиласиган дард бор. Катта санъаткор бўлади...

— Инсон хилма-хил туйфулар ва кечинмалар оғушида яшайди. Ана шундай инсонга хос бўлган туйфулардан баъзан учраб турадиган – ҳасад туйфусига қандай қарайсиз?

— Ҳар доим ҳар бир санъаткорнинг ёмон ишидан хulosа чиқараман, яхши ишидан қувонаман. Иложи борича ҳасаддан узоқ юраман. Ҳасадчи одам юзига қоракуя суртиб олганга ўхшайди.

— Қайси рақамни яхши кўрасиз ва нима учун?

— Ўн тўрт ва етти рақамларини. Ўн тўртда кўп марта ишларим ўнгидан келган. Ҳаётимдаги яхши воқеалар ҳам ўн тўрт рақами билан боғлиқ. Еттини нега яхши кўришимни айттолмайман. Лекин ҳар гал саҳнага чиқищдан

олдин еттигача санайман. «Етти – кетди», дейман-у, сахнага чиқиб кетаман.

– Қайси ҳикматли иборани яхши күрасиз?

– Ҳикматли сўзларни, мақолларни халқ тафаккурининг юксак меваси деб биламан. Менга, айниқса, кўнгли очиқ, сахий одамлар тўғрисидаги ҳикматли иборалар, мақоллар ёқади. Ҳаётда ҳам шундай хислатларга эга бўлган одамларни қадрлайман.

– Ботир ака, кўпроқ қайси санъаткор, рассом, адаб ва шоирларни ёқтирасиз?

– Қийин савол. Лекин жавоб беришга ҳаракат қиласман. Санъаткорлардан отам ва устозим Карим Зокиров, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Ҳалима Носирова, Мутаваккил Бурхонов, Шарль Азнавур, Эдит Пиаф, Михаил Ульянов, Умму Кулсум, Рашид Беҳбудов... Рассомлардан Беҳзод, Рембрандт, Леонардо да Винчи, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров... Ёзувчилардан Толстой, Чехов, Достоевский, Тагор, Абдулла Қодирий, Ойбек, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор... Шеър – жони таним. Шарқ класик шеърияти намояндаларини, Пушкин, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Марина Цветаева ва Абдулла Орипов шеърларини яхши кўраман. Яқинда Абдуллажоннинг газетада босилган «Оломонга» деган шеърини бир-икки ўқишида ёдлаб олдим. Жуда зўр! Эшитинг:

Машраб осилганда қаёқда эдинг?

Лорка отилганда қаёқда эдинг?

*Суриштирганмисинг Қодирийни ё
Қалқон бўлганмисинг келганда бало?*

*Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан.
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.
Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, сен эй, оломон?!*

Ҳақиқатан, яхши ёзилган. Шеър шунақа бўлса-да. Ўқиганда юрагингта ёпишиб қолса, кейин ўша оломонни уйғотса...

— Қандай янги қўшиқлар устида ишлайдапсиз?

— Тутамаган иш ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қийин. Ҳозир катта дастур устида ишлайпман. Бу дастурдаги қўшиқлар бир неча туркумдан иборат. Ундан, асосан, Шарқ халқарининг қўшиқлари ўрин олади.

Ҳозирча программани «Шарқ монологи» деб номладим. Ҳозирча шу гаплар, укажон. Қолгани Оллоҳга аён...

«ҚЎШИҚЛАРИМ, СИЗ УЧУН ХИЖОЛАТЛИК ЭМАСМАН»

(Бир сұхбат тарихи)

Махририят топширифига биноан Ботир Зокиров билан сұхбат уюштиришим керак эди. Бу ҳол узоқ чўзилди. Гоҳ у кишининг тоблари қочса, гоҳ гастролларга кетарди. Баъзан собиқ Иттифоқда

үтказиладиган эстрада қўшиқлари фестивалларида жюри аъзоси сифатида тез-тез қатнашарди. Учрашувимиз чўзилгани саъин мени ташвиш босарди. Эҳтимол, у киши журналистлар билан сухбатлашишни истамас, деган хаёлга ҳам бордим. Ва ниҳоят, 1983 йил 12 сентябрь куни пешинда яна Ботир аканинг үйига телефон қилдим. Гўшак кўтарилди. Таниш, ўқтам овоз: «Келинг, иложи бўлса, ҳозир келинг. Икки кундан сўнг Нукусга гастролга кетамиз. Кейин имконият бўладими, йўқми?.. Яхши кутаман». Хайрият... Қулоқларимга ишонмасдим. Таҳририят биносидан чиқиб, дуч келган машинага қўл кўтардим. Бир «Москвич» келиб тўхтади.

— Ботир Зокировникига!

У менга бироз шубҳаланиб қаради. Сўнг секингина:

— Ботир Зокировнинг уйини билмайман, — деди.

— Менда адреси бор!

— Ўтиринг... Эшикни секин ёпинг, ука...

Нега мунча ҳаяжонланасиз?

— Дунёга машҳур артист билан сухбатлашгани кетяпман-у, ҳаяжонланмай бўладими, ака?!

— Ҳақиқатан, машҳур санъаткор, — деди рулдаги киши. — Мен армияда Кавказда хизмат қилганман. Олтмишинчи йилларда Ботир аканинг қайнаган пайтлари эди. Ҳатто тоғлик чўпонларнинг отарида ҳам унинг овози янгарди. Уйимиздан келадиган посилкалар ичиди, албатта, Ботир Зокировнинг янги грампластиинкаси бўларди. Унинг янгроқ

қўшиқлари соринч ҳисларимизнинг малҳами эди. Ҳатто, хизмат даври қандай ўтганини ҳам унчалик сезмаганмиз... Кейинчалик Ленинград (Санкт-Петербург)да аспирантурада ўқидим. У ерда ҳам менга хонанданинг қўшиқлари яқин ҳамроҳ, дилкаш дўст эди. Хуллас, бизам Ботир Зокировнинг ашаддий мухлисларидан... У кишига салом айтинг... Муваффақият.

Эшик қўнғироғини қандай босганимни, Ботир ака билан қандай саломлашганимни ҳанузгача аниқ эслолмайман. Кейин сухбатни нимадан бошлишни билмай бироз дудуқландим. Мени буюк санъаткорнинг салобати босган эди. Гўё туш кўраётгандай эдим. Буни сезган Ботир ака:

— Сиз саволларингизни тартибга солиб олинг. Бир бошдан гаплашганимиз маъқул, — деди. Сўнг музлаткичдан муз бўлаклари солинган бир стакан сув олиб келди. Сигарета тутатди.

— Биласизми, одамлар эстрада санъатига сал бошқачароқ қарашади, — дея сухбатимизни бошлади у киши. — Мен буни 1957 йили биринчи Ўзбек давлат эстрада оркестрини тузишда қатнашганимда сезганиман. Баъзи тўсиқлар бўлди. Гўё эстрада жанри Farbdan келган, бизга сингиб кетиши қийин, дегувчилар ҳам учради. Бу нотўғри фикр эди.

Ботир ака баъзан ўрнидан туриб, хонада у ёқ-бу ёққа юрганича гоҳ секин, гоҳ ҳаяжонланиб, эстрадамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида узоқ гапирди. Унинг ҳар бир

сүзида, ҳаракатларида чексиз куюнчаклик, ҳақиқий фидойилик яққол сезилиб турарди. У ёниб сўзларди...

Ботир ака қўлидаги бўш стаканга сув тўлдириб, унга яна музлаткичдан бир неча дона муз бўлаклари ташлади.

— Сиз бир вақтлар ҳикоялар ҳам ёзгансиз, шундайми?

— Ҳа, бир вақтлар... Ёзмадим, машқ қилдим. Кейин бу менинг ишим эмаслигини тушундим. Ёшлиқда кўп нарсаларни тушунмаганмиз-да. Қилаётган ҳар бир ишилизни тўғри деб ўйлаганмиз. Баъзан бу ҳолга эътибор бермаганмиз, баъзан қайсарлик қилганмиз. Мундоқ ўйлаб қарасам, баъзи хатоларга йўл қўйган пайтларимиз ҳам бўлган. Энди кеч... Ўтган умрни қайтариб бўлмайди. Мен санъатнинг барча жанрларida ижод қилаётган ёш дўстларимнинг ҳамиша ўлчовни тўғри олишларини истардим. Бу учун билимдон, ҳақиқатгўй, эътиқодли, имонли бўлиш керак. Ҳеч қачон таниш-билиш, турли жойларга, катта-кичик идораларга елиб-югуриш билан санъат яратilmайди. Ҳақиқий санъат талант ва меҳнатни уйғулаштирган кишигагина насиб қиласди.

Ботир ака бирдан тўхтаб сухбат мавзусини ўзгартирди.

— Биласизми, мен шеърни жон-дилим билан севаман. Шеърсиз яшолмайман. Яқинда рус шоираси Марина Цветаеванинг икки томлигини ўқиб чиқдим. Ана буни шеър деса бўлади. Шунингдек, севимли шоирилиз Миртемирнинг «Ёдгорлик» китобидан



Москвада бўлиб ўтган Ёшлар фестивалида (сурат илк бор муаллифнинг шахсий архивидан берилмоқда.)



Рафиқаси Галина Зокирова ва қизи Рахшона билан



Ижод завки



«Бухоро манзараси» картинаси



«Кайдасан, азизим...»



Китоблар – дил малҳами



Таниқли рассомлар – Қутлұғ Башаров, Неъмат
Күзибоев (ижодий сұхбат)



Мұхлислар куршовида

бир неча шеърларни ўқидим. Жумладан, «Құшиқларим» шеърини ҳам:

— *Құшиқларим, сиз учун хижолатлик эмасман,
Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз.
Сизни мен олтинга ҳам, кумушга ҳам бермасман,
Сиз менинг тансиқ ғазнам, эзгу дунёларимсиз...*

Ботир ака шеър ўқиганида ботиқ кўзлари ёниб, чўяндай қиёфаси гўё маъюс алангада ловуллагандай бўлди. У шеърни ўқимасди, балки сўзларнинг, мисраларнинг оҳанглари «ичида» куйларди. Томоғи қақраб қолганда стакандаги муздай сувдан хўплаб қўярди. У гоҳ Асқад Мухтордан, гоҳ Абдулла Ориповдан, гоҳ Эркин Воҳидовдан тўхтамай шеърлар ўқирди. У шеъриятнинг ҳақиқий Мажнуни эди... У шу тобда кўзларимга машҳур қўшиқчи эмас, ҳақиқий шеърпаратга ўхшаб кетди...

Суҳбатимиз мавзусини Ботир Зокиров чизган ажойиб картиналарга бурдим.

— Қўшиқларимда ўз ифодасини, оҳангларини тополмаган туйғуларимни бўёқларда акс эттиришга интиламан. Ранглар ҳамиша фикрлашга ундейди. Фақат уни ўз ўрнида ишлата билиш керак!

У киши айвонга чиқиб, турли йилларда чизган картиналаридан бир нечтасини олиб келди. Хонанинг турли томонларига, бурчакларига бир-бир қўйиб чиқди.

— Мана бу «Автопортрет»ни бир куйга қаттиқ берилган пайтимда чизганман. «Саратон» картинаси ҳам шундай ҳолатлар-

дан бирининг маҳсулі. Мана бу асарлар «Оқшом», «Бухоро манзараси», «Анорлар» деб аталади. Ҳар қайсисининг яратилиш тарихи бор. Ҳозир «Анор пишганда» деб номланган триптих устида ишляяпман. Бу картинада шу кунлардаги руҳий ғалаёнларимни, безовта хаёлларимни бўёқлар қаърига сингдирмоқчиман...

Ботир Зокиров чизган картиналар – унинг айтилмаган қўшиқлари. Ранглар эса, бўғзида қолиб кетган оҳанглар... Юксак истеъдод билан яратилган бу картиналарнинг ҳар бирида катта қалбнинг дилбар мусиқаси бор.

Суҳбатимиз бир-икки соат давом этди. Ботир ака «Ялла» ансамбли билан гастролга тайёргарлик кўриши керак экан.

Таҳририятга катта қувончлар билан қайтдим. Шу куни мендан баҳтли одам йўқ эди. Бу суҳбат ҳаётимни, дунёқарашимни батамом ўзгартириб юборди. Суҳбатни иссиғида қофозга туширдим... (Ўша суҳбат «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1983 йил, 26 сентябрь сонида эълон қилинди.)

Гастролдан сўнг, телефонлашдик. Суҳбат учун самимий раҳмат айтди. Лекин бу сўнгти сўзлашувимиз эканлигини сира хаёлимга келтирмаган эдим. Ботир Зокиров билан қайта учрашиш, суҳбатлашиш насиб этмади. Ушбу сўзларни ёзаяпман-у, ҳанузгача машхур хоғизнинг орамизда йўқлигига ишонгим келмайди.

Шийпонга келганмиш Ботир Зокиров!
 Мен чопдим, мен билан болалар чопди.
 Чопди күшни бола, чопди укамлар,
 Биз билан йўллару далалар чопди.
 Кетмонин эгатга кўйиб аёллар,
 Секин эргашиши бири-бирига,
 Саратонни ўраб келди рўмоллар,
 Жавзо ҳансирарди оққан терида
 Шийпонга келганмиш Ботир Зокиров!
 Қоратов ёнига – кичик қишлоққа
 Дардли ўлан каби кириб келди у.
 Ўзлигин топғандай термулди тоққа
 Куйлаб йиғлади у, куйлаб кулди у.
 Сен қандай титрадинг пахтазор – энам,
 Йўқотишдан қўрқдинг отам – дала-туз.
 Тинглаб бир бурчакда йиғладим мен ҳам
 Митти кўйлакчада, миттигина қиз...
 Энди қишлоқ борсам сўрашар уни,
 – Тирикми? Яна келадими?
 – Келади, – дейман.
 Дастурхон қилолмай ўша қайғуни,
 Сизларни соғинган, билади, – дейман...
 Қўшиқ қўргонлари, гуноҳимдан ўт,
 Ёлвордим барига, гувоҳдирсан ой.
 Сен мен ёлғончини тушунгин, Тошкент,
 Сен мен ёлғончини кечир, Чигатой,
 Ожизман, боладек бегубор, танти
 Чўпонлар ёнида қувондим мен ҳам.
 Ночор вазиятда, ночор Афанди
 Ўзи алдаб, ўзи ишонганидай
 Ишондим мен ҳам,
 Ўлмаган, ўлмаган Ботир Зокиров.

Шоира Зулфия Мўминова битган ушбу ўтли шеър, гўё санъаткорнинг юзлаб, минглаб мухлислари қалбидан отилиб чиқаётганга ўхшайди.

Ўлмаган, ўлмаган Ботир Зокиров...

МЕҲМОННИНГ САВОЛЛАРИ

ёки эски телевизоримизни таъмирлаб берган йигитнинг кундалика ёзилган монологи

O, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда эди!

Агар мен Ботир Зокиров бўлганимда эди!
Ўзингизга разм солсангиз-чи!

Сизнинг даражангиз ва имкониятингизга эга одам шунаقا яшайдими?

Мен анчадан бери сизни кузатиб юраман ва сизни нима нарса ҳаракатта солаёттганини билишга қизиқаман.

Бу қанақа мақсадки, у туфайли ҳаётнинг барча қувончлари ва қулайликларидан воз кечиш керак бўлса?

Яшашнинг мазмун-моҳияти нимада?

Назаримда, сиз умрингиз давомида ўзингизга керакли иш билан шуғулланмаяп-сиз ва жуда кўп вақтингизни бекорга сарф-ляяпсиз.

Сиз жуда яхши расм чизасиз, бироқ бу иш сизга нима беради, унинг орқасидан шу вақтгача нимага эришдингиз?

Сиз ўзингизни ўтга-чўқقا ураверасиз-у, эвазига ҳеч нарса сўрамайсиз.

Натижада ҳозир сизнинг ошхонангизда ўтирибмиз ва мени меҳмон қиласиган ҳеч вақоингиз йўқ.

Ахир, сиз имконият, истеъдодингиз билан ҳамма нарсага эришсангиз бўлади-ку!

Сизнинг машина, дала ҳовли ва бошқа ҳаётий зарур нарсаларга эгалик қилишни хоҳламаганингизга ишонгим келмайди.

Ростдан ҳам буларнинг ҳеч бирини хоҳламайсизми?

Ахир, уларга эга бўлиш қўлингиздан келади-ку, тўгрими?

Унда нимага улар сизда йўқ?

Замонавий одамнинг ҳаётда яхши яшани истамаганини ақлимга сифдиrolмайман.

Нимани кутяпсиз ўзи, ахир ўтиздан ошиббиз?

О, сизни тушунишни, нима учун ҳаммасига бардош беришингизнинг сирини билишни қанчалик хоҳлаёттанимни билсангиз эди.

Кечаги меҳмонимнинг саволлари ўринли бўлиб, мени бу ҳақда жиғдий ўйлаб кўришга мажбур қилди.

КИПРИҚДАГИ ЁШ

Юрагим қонидан юз хона вайрон,
Уввос тортивумдан қўрқинч юз чандон,
Ҳар бир кипригимда қон дунёси бор,
Киприклар юмилса бошланур тўфон.

Умар Хайём

Ўнг томондан бехосдан санчилган оғриқ, гоҳ биқинига, гоҳ ошқозонига ўтиб, унинг

танини кундан-кунга зирқирата бошлади. Қанча-қанча катта-кичик операциялар ва йиллаб чўзилган касаллик азобларини бошидан кечиргани учун ҳам у бундай оғриққа парво қилмади. Ҳар галгидай ўтиб кетар, деб ўйлади. Лекин қурғур дард унга елимдай ёпишиб олди.

Оғриқнинг ўтиб кетмаёттани, балки кун сайин зўрайиб, мураккаблашиб бораётгани юрагига ваҳима солди. Ҳали олдинда унинг қанча-қанча режалари, ишлари, дилига туғиб қўйган орзулари бор-ку? Биринчи галда янги қўшиқлар куйлаши, янги картиналар чизиши керак. Бунинг устига «Ўзбекфильм» киностудиясидан янги фильмга – асосий роллардан бирига суратга тушишга таклиф қилишган. Яқин-орада композитор Икром Акбаров билан «Сўғд элиниңг қоплони» операсининг янги варианти устида иш бошлашни режалаштирган. «Ялла» ансамбли билан бўладиган ижодий сафарлар олдиндан репертуарни янги қўшиқлар хисобига мустаҳкамлаш, ўзини драматургияда ҳам синаб кўрмоқчи...

Келгуси йили у эмлик ёшга тўлади. Ўша кунларга омон-эсон етиб борса, юбилей сценарийсини баҳоли құдрат ўзи ёзиши ниyat қилиб қўйибди. Салкам ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида куйлаган қўшиқларидан саралаб, «Шарқ монологи» деб номланган дастур тузмоқчи. Унда асосан Шарқ халқларининг қўшиқлари ўрин ола-

ди. Юбилей концерти бериладиган залнинг фойесида картиналари кўргазмасини ташкил қилмоқчи. Агар соғлиги қўйиб берса, ҳали унинг ҳаётда ушалмаган орзу-умидлари, ҳалқи олдида узолмаган қарзлари кўп – ҳамма-ҳаммасига улгуриши керак.

У оғриқ бироз босилган дақиқаларда аста ўрнидан туриб, баланд кўзгу қархисига ҳорғин чўкар ва ўз аксига узоқ тикилиб қоларди. Тикилиб туриб кундан-кунга ўзгариб бораётган кўринишидан навбатдаги «Автопортрет»и учун зарур деталлар, характерли белгиларни изларди. Изларди-ю, совуқ кўзгуда кўриб турганларини қоғозга туширишга юраги дов бермас, қўли қаламга бормасди. Уддалай олармикин? Рангларнинг сеҳри ва қудрати етармикин? Қўллари толиб қолмасмикин?.. У баъзида қудук тубидаги юлдузлар каби чўкиб бораётган ўтли кўзларини, кун сайин кичрайиб бораётган сўлғин юзларини кўриб беихтиёр хўрсинди. Хўрсиник гоҳида оғриқ билан қўшилиб аъзойи баданини музлатиб юборади...

Йўқ! У шу дақиқаларгача на дардга, на оғриққа ён берди. Ҳар қандай оғир касаллик ҳам уни тўшакка михлай олмади. Эҳ-хе, у бундан ўн чандон даҳшатлироқ оғриқларга, ажал «соя» ташлаган азобларга юзма-юз келган, лекин ҳар сафар барчасини метиндек мустаҳкам иродада билан енгтан. Уни ҳамиша қўшиқ ва мусиқага бўлган чексиз меҳру муҳаббат, бетакрор рангларга бўлган абадий ташналиқ асраб қолаверган. У гўё ёруғ дунёга ўтли қўшиқ бўлиб келган-у, яна

қүшиқ бўлиб кетишни доим орзу қилас ва бу орзу йўлида ҳар қандай тўсиқлар, дардлар, оғриқларни енгиб ўтишга иродасини событ деб билади. Ўша Москва касалхоналарида «ана кетди-мана кетди» бўлиб қийналиб, азоб чекиб ётган дақиқаларда, санъатдан йироқ кимсалар йўлига ғов бўлган кезларда ҳам ҳаётдан сира ноумид бўлмади, нолимади. У ҳар гал операция столига ётаркан, фақат қўшиқни ўйлади, қўшиқни соғинди ва ҳар сафар врачларга: «Мен барибир қўшиқ айтаман!» деб қатъий сўз бераверди. Ахир у қўшиқсиз яшай олмасди-да!

Адабиёт ва санъат майдонига кирган ҳар бир истеъдоднинг йўлида катта-кичик ғовлар бўлиши табиий. Азалдан уларнинг тақдирига битилгани шу. Ҳамма гап ўша тўсиқларни мардонавор енгишда, баъзида сариқ чақага ҳам арзимайдиган майда-чуйда ташвишларга ва фийбатдан иборат гап-сўзларга ўралашиб қолмаслиқда. У ҳаммасини ҳамиша яхши қўшиқ билан енгиб келди. Ҳар бир даврнинг ўз «моцартлар»и ва «альберилар»и бўлишини у яхши биларди...

Ботир Зокиров беихтиёр илк бор чизган «Мажнун» суратини эслади. «Хамса»даги бу образни бениҳоя севгани учун ҳам ўзини бироз унга қиёслаб чизган эди. Янглишмаган экан. Ёши бир кам элликка етиб билдики, умр ва ижод йўлларининг мураккаб сўқмоқлари ҳам кўп жиҳатлари билан Мажнун ҳаётига бениҳоя ўхшаб кетаркан. Мажнун қалбини англамаганларидек, уни ҳам кўп ҳолларда тушунмадилар, унинг

қалб нолаларини англаб етмадилар. Лекин у ишқ саҳросида зору саргардон кезган Мажнун каби қўшиқ саҳросида доимо ёниб фарёд қилди. Қўшиқларда айтилмаган дарду қувончларини турфа рангларда «куйлади». У аста ўрнидан туриб, «Кундалиги»ни олиб яқинда ёзган Мажнун қисматига бағишлиган навбатдаги қўшигини яна бир карра овоз чиқариб ўқиди:

*Қайдандир наво –
Келтиrap бу тун
Куйлагай гүё
Оҳ уриб, Мажнун.
Қалбимни буткул
Олиб амрига
Қайғу гирдобига
Солмоқчи (ул). Нечун?*

*Лайли, Лайли, Лайли,
Сендан хабарму бу фикон?
Лайли, Лайли, Лайли,
Хаёлимда-ку сен, ҳамон ҳамон...*

*Мен ўзим – Мажнун,
Топмай иложим,
Тикладим мангу –
Сенга ишқ тожим...*

*Лайли, Лайли, Лайли,
Умиғ руҳи, сафо, рүё.
Лайли, Лайли, Лайли,
Куйимда сен мангу зиё!*

Яратилажак бу қүшиққа мос мусика ёзишни Икром Акбаровга айтиб қўйган...

Айни авж пардаларда куйлаб юрган кезларида ҳам «Автопортрет» чизган эди. Унда кўпроқ кўзларида букилмас иродани акс эттиришга, тўғрироғи, ёниб турган қўшиқни тасвирлашга уринган. Кўзлардаги қўшиқ манзараси...

Кўз – инсоннинг қалби. Ундан ҳеч бир нарсани яшириб бўлмайди. Бўлажак картинадаги асосий характерни кўзлар орқали очиш керак.

Ботир Зокиров ойна қаршисида ўтириб, охири шу қарорга келди. Келди-ю, қўлига кўмир-қаламни олиб, оппоқ қофоз юзига чизиклар торта бошлиди.

Оғриқ дам-бадам безовта қилиб, зўрайган кезларида аста ўрнидан туриб диванга чўзиларди. Оғриқ босилгунча тишини тишига қўйиб узоқ ётарди. Бир маҳал телефон жиринглади. Трубкани кўтарса, укаси Жамшид. Унинг соғлигини, ҳол-аҳволини сўраб телефон қилаётган экан. Бу очиқкўнгил, хушфеъл укаси доим акасига куюниб юради. Келини Гавҳар ҳам шундай.

У трубкани қўйиб, яна мольберт қарши сига чўқди. Дардини укасига айтгиси, айтиб безовта қилгиси келмади. Ҳатто касалини онаси Шоҳиста опага ҳам сездиргани йўқ. Рафиқаси Галинага ҳам, укаларига ҳам қаттиқ тайинлаб қўйгани: «Калонпо (у онасини эркалаб шундай дерди) билмасинлар!» Унинг азалдан одати шу. Дардини бировга айтишни ёмон кўради. Баъзи дардини дас-

турхон қилиб юрадиган эркакларни жини ёқтиirmайди.

Оғриқ безовта қила бошлади. Қалбини жимиirlатиб турган рангларни қофозга тушиrolмади. Амаллаб түшакка етиб олди...

Эрталаб яна ўша оғриқ... Дўсти Анвар Мақсадовга телефон қилди. У тезроқ врачга учрашиш кераклигини қайта-қайта тайинлади.

Врач одатдагидек яна дори-дармон ёзиб берди.

Оғриқ тўсатдан гоҳ жигари, гоҳ ошқозони атрофида fимирлаб қоларди. Шунда у бетоқат бўлиб, кўмир-қаламни аста қўйиб, тағин диванга чўзиларди. Иши чала қолаётганидан юраги баттар сиқиларди. Нима бўлгандаям хаёлидаги композицияни қофозга туширишга интилиши керак. Унинг одати шундай – бошлаган ишини ниҳоясига етказмаса, асло тинчимайди.

Оғриқ зўрайгач, ниҳоят, профессор ҳузурига йўл олди.

Даволовчи врач дардни жигарда, профессор эса ошқозонда, деди. Икки хил ташхис, икки хил даволаниш йўллари, икки хил дард учун дори рецепtlари... Лекин у буларнинг бирортасига парво қилмай, картина устидаги ишини шижоат билан давом эттирди. Чунки уни касаллик ҳам, врачлар ҳам, даволаш ҳам қизиқтиrmай қўйганди. Энди у учун кўп нарсаларнинг қизифи йўқ эди. Жумладан, врачлар ёзиб берган аптекаларда йўқ дориларни излашга ҳам тоқати қолмаганди...

«Автопортрет» аста-секин «жон»ланиб борарди. Чизиклар кўпайгани сайин унинг

вужуди титрар, ўзини ўзи ранглар дунёсида күришдан гүё даҳшатта тушаётгандай эди. Рассом автопортретини ёшлигида, ҳаётининг жўшқин дақиқаларида ишласа яхши экан. Ёшинг бир жойга борганда (бунинг устига касаллик), ҳаётнинг аччиқ-чучукларини озми-кўпми тушуниб етганингда «Автопортрет» чизиш ниҳоятда оғир бўларкан... Кутилмагандан ранглар уни ўз гирдобига торта бошлади. У оғриқни ҳам унугиб, ранглар билан «баҳслашиб»га киришиб кетди. Эҳ-ҳе, ақлини таниганидан буён ранглар билан ҳамдард. Гоҳида ранглар унга янги қўшиқнинг оҳангларини топиб берса, гоҳида қўшиқларида айтолмаган дарду қувончларини бўёқлар қаърига сингдиради.

Ранглар уни ҳеч қачон ёлғиз ташлаб қўймайди. Бошига оғир кунлар тушиб, хасталаниб ётган кезларида ранглар унга ҳамдард бўлди. Ҳар гал операция столига ётганида ранглар гүё сеҳрли бир қудрат бўлиб, уни бир неча бор ҳаётта қайтарди.

Кийинчилик билан бўлсаям картинани ниҳоясига етказишиб аҳд қилди. Энди у оғриқ зўрайган кезларда ҳам қўлидан мўйқаламини қўймади. Қалбини тўлқинлантираётган туйгуларини ифодалашга киришди. Бир маҳал кўз ўнги қоронfilaшибди. Мўйқалам уни аллақаёқларга олиб учиб кетаётгандай эди. Озод қуш сингари юксакларга парвоз қилиб боряпти-ю, лекин қаёқларга учиб кетаётганлигини билмайди. Қаёқча?.. Олислардан юракларни эзив бир наво таралади. Таниш

овозда қўшиқ янграяпти. «Ким у куйлаётган?..»

Кўзларини очса, касалхонада ётибди.

...Ботир Зокировнинг ён томондан ишланган қиёфаси: озғин юзлар, чўнқайган бурун, аёвсиз ажинлар қоплаган пешона, соchlари гўё безовта тўлқинлардай тарам-тарам. Чап тирсагига ўнг қўлининг узун-узун бармоқлари чирмашган. Бармоқлар орасидаги ўчай-ўчай деб турган сигарета чўғи бир томчи қонга ўхшайди. Сигаретадан билинрабилинмас эринчоқ, ҳорғин тутун аста-секин ўрламоқда. Гавдани гўё туман қоплаган... Ўнг кўз салгина қисилган. Унда жиндай бепарволик, бироз қувноқлик, ҳаётнинг яхши ва ёмон кунлари устидан аччик кулги бор. Чап кўзнинг ости салқиган. Бир томчи ёш кўзнинг қинидан чиқиб киприкларга қўнмоқчи. Агар ўша сўнгти томчи ёш безовта киприклардан узилиб кетса борми?.. Ё, Оллоҳ, ё, Оллоҳ, ўзинг асра!..

У қачонлардир Мирзо Бедил ғазалларидан ўқиган бир мисрани эслади. «Бар сари мижгон чу ашк истодаи ҳушёр бош!» («Ҳушёр бўл! Киприқдаги ёшдай омонатсан»).

Ботир Зокировни яна операция столига ётқизиши. Бошқа иложи йўқ эди.

Ўша куни Москвадан унинг рецептларига топилган дориларни олиб келиши. Афсуски, кеч бўлган эди.

Бир томчи ёш фақат «Автопортрет»да чизилган киприкларда мангу муҳрланиб қолди.

ҚҰШИҚ УМРИ БАРХАЁТ

Күй авжида узилмасин тор
Шеър ярмида синмасин қалам.
Яшаб бўлмай умрини зинҳор
Бу дунёдан кетмасин одам.

Эркин Воҳидов

Дана Ботир Зокировнинг уйидаман.

У ўтирган кресло, диван бурчаги бўш. Жавонларда тартиб ва дид билан терилган китоблар, деворларга осилган турфа картиналар, бежирим мебеллар – ҳаммаси сукутда. Гўё «Саратон» картинасида тасвирланган дараҳт яна ҳам қорайиб кеттандек. Хона бурчагидаги пианино мунғайиб қолганга ўхшайди. Юнглари қўнфироқ, қулоқлари узун, кулранг хонаки ит Френк хонадан-хонага бетоқат кезади. Келган одамни ҳидлаб кўради. Сўнг уни ўз эгаси эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, кишига жавдираб қарайди.

Бу гал ҳам сухбатни нимадан бошлишни билмай анчагина қийналдим. Чунки орамизда йўқ одам тўғрисида ёзиш, унинг ҳақида оиласи, қариндош-уруглари ва яқин дўстларидан сўраб-суриштириш қанчалар оғир!

Энди бу хонадонда ундан фақат ширин хотиралар, у сўзлаган қизиқ ҳангомалар, ичакузди латифалар ва у ҳақида ажойиб ҳикоялар қолган. Юрагингиз бардош берса эшитиб кўринг-чи!

«СИЗЛАРНИ ТАШЛАБ КЕТЯПМАН»

(Рахматли онаси
Шоҳиста САИДОВА ҳикояси)

Биласизми, мен болаларимнинг санъатга қизиқишини, санъаткор бўлишини сира-сира истамасдим. Такдир экан, Карим ака ҳам, мен ҳам санъатнинг нонини еб улғайдик. Бундан болалар ҳам бебаҳра қолмаган, албатта. Ботир билан Луизага биринчи қўшиқни ўзим ўргатганман. Қўшиқнинг шеърини ҳам, куйини ҳам ўзим ёзганман. Сиз ҳайрон бўлманг. Мен «Қирққиз» эртаги асосида опера ҳам ёзганман. Лекин тугатолмадим. Бирин-кетин болалар туғилди. Уларнинг тарбияси, кийимкечаги дегандек... Турмуш ташвишлари... Бу орада уруш бошланди. Сўнг ҳаммаси қолиб кетди.

«Нега фарзандларингизнинг санъаткор бўлишини хоҳламадингиз?» деб сўрадингиз. Тилимни қичитиб нима қиласиз, ўргилай, Карим ака ҳам, ўзим ҳам жуда кўп қийналганмиз. Санъатни тушунмайдиган одамлар билан ишлашга тўғри келган. Карим ака ниҳоятда покиза, содда инсон эди. Ана шу характери билан кўп марта қоқилган. Э, истеъдодга барибир қийин экан. Қўйинг, ҳаммасини гапириб ўтирмай. Шунинг учун болаларимнинг ҳам қийналишларини истамаганман... Кўриб турибсиз, болалар бизнинг хоҳишимизга қулоқ солишмади... Ҳаммаси элга танилган санъаткор бўлди. Улар учун ҳам кўп идораларга кирдим, ҳали айтганим-

дек, санъатдан йироқ кишилар билан олишдим. Уф!.. Буларнинг тарихи узоқ. Келинг, яхиси, сизга бир ҳангома айтиб берай. Биринчи космонавт-учувчи Юрий Гагарин Тошкентта келганда мен касалхонада ёттандым. Ботирни Гагарин келишидан икки кун олдин тезда Бухорога гастролга жүннатишиди. Кутылмаган гастроль. Бир маҳал Гагарин Ботирни кўрмоқчи бўлиб суриштирибди. Унинг гастролдалигини айтишган экан, унда онасини кўраман, дебди. Бир вақт денг, палатани врачлар, «казо-казо»лар босиб кетди. Бирори мени текширган, бирори кўрпа-тўшагимни алмаштирган, яна бирори хоналарни тозалаган... Ётганимга бир ҳафтадан ошуви. Лекин ҳеч ким ҳолимдан тузукроқ хабар олмаганди. Ҳатто бўлим мудирига Ботир илтимос қилгандаям келиб кўрмаганди. Жаҳдим чиқиб ҳаммасини ҳайдаб солдим. «Менику, Гагарин келиб кўрадиган бўлибди. Бошқа bemorларнинг ҳоли нима кечади?» деб бўлим мудирига савол бердим. У қизарди, бўзарди, кейин менга бир ўқрайиб жўнаб қолди... Ана шунаقا, жуда бетгачопарман. Шу одатим кўп марта панд берган. Лекин начора, сал қинғирликни, ноҳақликни кўрсам, чидағ туролмайман... Гагаринни эса уйда кутиб олганман.

Умуман, фарзандларимнинг орасида Ботир бўлакча эди. У ҳеч қачон ўзини аяган эмас. Агар касал бўлиб қолса, менга билдирамасди. Лекин кўзларидан тоби йўқлигини билардим. Умуман, бошқаларга ҳам дардини достон қилмасди. Сал ўжарроқ ва тортинчоқ

феъли бор эди. Охирги марта касал бўлганида дори олишгаям пули қолмабди. Тортиниб, ҳеч қайсимизга айтмаган. Сезиб қолиб пенсиямни элтиб бердим. Ўшанда жуда хижолат бўлди болагинам... Ҳаётда яхши одамлар бор экан, ёрдам беришди. Начора, ўлим ҳақ бўлиб чиқди... Лекин мен фарзандларимни пулга, бойликка ўргатмаганимдан, уларнинг ўзиям бунга ўрганмаганидан ҳамиша фахрланиб юраман...

Мен бирор марта ҳам Ботиржонимнинг концертларига кирмаганман. Унинг овозига, ноласига юрагим бардош беролмайди. Қачон овозини эшитсан, кўзларимга ёш дарёдай оқиб келаверади. Ҳамон эшикка термила-ман. Худди болажоним кириб келадигандай...

Машҳур рус санъаткори СЕРГЕЙ ОБРАЗЦОВ: Мен машҳур хонанда Ботир Зокиров қўшиқларини эшитиб юардим-у, лекин унинг концертига тушмаган эдим. 1966 йил 12 июнь куни тасодифан Минск Катта концерт залида унинг концертига тушдим. (У ҳам, мен ҳам ўша кунлари Белоруссия бўйлаб гастролда эдик.) Тўғриси, унинг катта қўшиқчилик санъатига тан бердим. Унинг ҳар бир қўшиғи юксак ақл билан йўғрилган. Ақл эса қалб ва хотира мулки!

Ўзбекистон ҳалқ артисти ЭРКЛИ МАЛИКБОЕВА ҳикояси: Мен Ботир Зокиров билан 1958 йилдан 1974 йилга қадар турмуш қуриб, бирга яшадик. 1962 йилда кат-

та ўғлимиз Бахтиёр, 1965 йилда Баҳодир туғиілди. Күпинча болаларни ҳам гастролларга олиб борардик. Концерт тугаб, парда ёпишлиши билан болалар чолғу асбобларига ёпишиб олишарди.

«Ира, булар жинни бўлганми?» – дерди Ботир кулиб. У ҳеч қачон болаларни уришмас, алдамас, уларга худди катталардек мумомала қиласади. Болаларга расм чизишни ўргатди. Ҳатто уларга ўқиши учун китобларни ҳам танлаб берарди. Фарзандларимиз вояга етгач, уларнинг енгил йўлдан юришларига, ота ёрдами билан бирор нарсага эришишларига мутлақо йўл қўймади. «Нимаики яхши мақсадларинг, орзуларинг бўлса, фақат ўз кучларинг, билимларинг билан эришинглар. Таниш-билиш орқали кун кўрадиган одам омонат уйга ўхшайди. Сал шамолга ҳам қулаб кетиши мумкин. Мустақил, тўғри одамини тўфон ҳам йиқитолмайди», – дерди у.

Ботир Зокиров ўзига хос санъаткор ва шахс эди. У баъзан мен ишлайдиган Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) Академик драма театрининг янги спектакларини келиб кўрарди. Яхши саҳна асаридан қувонарди. Ўртамиёна ва саёз спектакларни кўриб ранжирди. Айниқса, актёрларнинг саводсизлигидан кўпроқ куюнарди.

У Москвада биринчи марта операция бўлиб ёттанида радиодан Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичик шаҳзода» асари инсценировкасини машҳур артист Мария

Бобонова ижросида эшитиб, қаттиқ ҳаяжонланган. Тузалиб Тошкентта қайтгач, бу машҳур эртак-қиссани ўзбек тилига таржи-ма қилиб, ҳам инсценировка, ҳам режис-сёрик қилиб, радиоспектакль яратди. Мен кичик шаҳзода ролини ижро этдим. Кейин у Евгений Шварцнинг «Соя» асарини таржима қилди.

Ботир Зокиров умуминсоний қўшиқларни куйлаган хонанда. Ўз концертларидан ҳеч қачон кўнгли тўлмасди. Айниқса, баъзи раҳбарлар томонидан уюштириладиган концертларга борганида (аслида бундай концертларга жуда кам борарди) қаттиқ қийналарди.

«Улар пишиллаб овқат еяётганларида қўшиқ айтиш азоб!» – дерди хуноби ошиб.

У умрининг охирида яхши қўшиқлар, истеъодли халқчил композиторлар йўқлигидан кўп қайғурарди. «Ялла» ансамбли репертуари уни доим ҳам қониқтирмасди.

Ундан иккита картина ёдгорлик қолди. «Ёлғизлик» деб номланган картинасини касалхонада ётганида чизган. «Кўча» картинасида ўзи туғилиб-ўсган Интизом кўчасини чизган. Коронгулик. Фира-шира ёруғлиқда тор кўчанинг охиридаги болохонали уй кўриниб турибди. Болохонада ягона дераза. Дераза ортида ёниб турган чироқнинг ўткир шуълалари акс этган.

Назаримда, Ботирнинг чироги ўчмаган. Унинг умри фарзандлари умрида, мерос қолган ўлмас қўшиқларида, чизган картиналарида давом этяпти...

Ўзбекистон ҳалқ артисти ТАМАРАХОНИМ:

Мени Ботиржон «она» деб чақираради. У билан ҳамкорликда декадаларда, фестивалларда қўшиқлар ижро этганмиз. Унда нафақат қўшиқ айтиш таланти, балки сахнага чиқиши билан зални ўзига сеҳрлаб олиш қобилияти кучли эди. У қўшиқни образга кириб куйларди. Унинг ўртамиёна, саёз қўшиқлари йўқ ҳисоб. Бундай қўшиқларни айтмасди.

Ботир чинакам буюк санъаткор. Бунақаси қайтиб туғилмайди. У ўзбек ҳалқининг катта қалбли фарзанди, юксак истеъдод ва маданият эгаси эди. Ботир кетиб, гўё Тошкент ҳам, Ўзбекистон ҳам ҳувиллаб қолганга ўхшайди...

Тўғрисини айтиш керак, Ботирнинг эрта ҳаётдан кўз юмишига санъатни, эстрадани билмайдиган баъзи раҳбарлар ҳам сабабчи бўлдилар... Унинг истеъдоди етарлича баҳоланмади.

Ботир Зокиров аллақачон ҳалқимиз қалбидан чуқур жой олган улуф санъаткор.

Ўлимидан бир йил олдин, қиши пайти бизникига келди. Қиши. Қор чархпалак қилиб ёғяпти. Эшикни очсам, остоңада кулиб турибди. Ҳаммаёғи қор. Қўлида бир даста чиройли гул.

- Осмондан тушдингми?
- Космосдан тушдим, — деди ҳазиллашиб.

Гулларга оппоқ қор қўнган. Назаримда, Ботир Зокиров ўлмаган-у, гулларга айланиб

қолганга ўхшайди. Аслида, унинг қўшиқлари гулдай хушбўй, гулдай чиройли...

АЙТИЛМАГАН ҲАҚИҚАТЛАР

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Луиза ЗОКИРОВА ҳикояси)

1 955 йили собиқ шўро даврида Венгрияда бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати кунларида қатнашдик. Биринчи кунги концертда ҳинҷча «Мечали» қўшиғини айтдик. Бу қўшиқ ўн кун ичидаги бутун Венгрияни қамраб олди. Гўё бутун мамлакат бизга жўр бўлгандек «Мечали»ни куйларди. Бундай қувончли воқеа кўп ижодий сафарларимизда юз берган.

Акам машҳур хонанда бўлиши билан бирга, сўзни юксак дид билан англайдиган шоир, мусиқани юрақдан ҳис этадиган истеъдодли бастакор эди. Токи сўз билан мусиқа бирбирига мос тушмагунча ўзи ҳам қўшиқ айтмасди, менга ҳам рухсат этмасди. Сўз масаласида менга кўп танбеҳ берарди...

Бизни кўп марта тўйларга таклиф қилишган. Лекин бормаганмиз. Айниқса, юқори лавозимларда ишлайдиган баъзи раҳбарларнинг тўйига бормагани учун аками ёмон кўришарди. Мукофотлардан маҳрум қилишарди. Тошкентда бўладиган концерtlарни ҳеч бир сабабсиз олиб ташлашарди. Ҳатто бир вазир: «Концерtingни бир кунлик пулинини икки баробар тўлайман!» деганда

Ботир акам қаттиқ ранжиб: «Сиз бугун борсиз, эртага йўқсиз. Бойлигингиз ҳам, мансабингиз ҳам сизга насиб этмайди. Лекин мен қўшиқларимга, санъатсевар муҳлисларимга хиёнат қилмайман. Улар бебаҳо!» деб жавоб берди. Афсуски, бундай кўнгилсиз воқеалар унинг ҳаётида кўп марта бўлган.

Республика бўйлаб гастролларга чиққанимизда у қишлоқлардан талантларни изларди. Ёшлар билан, ота-оналари билан сухбатлашарди. Лекин улар эстрада санъатини яхши тушуниб етмагани учун унинг таклифларига ҳадеганда рози бўлишавермасди.

* * *

Шўролар даврида хорижий эстрада оҳанглари ёзилган пластинкаларни топиш осон эмасди. Шу боис Ботир акам ҳар гал чет эл сафаридан бир нечта янги дискларни олиб келарди. Бир сафар у Париждан қайтишида Энрико Масиаснинг пластинкасини олиб келди ва менга унинг қўшиқларидан бири – «Мамлакатим қизи»ни қўйиб берди. Бундан қувончимнинг чеки йўқ эди! Унинг овозида шарқона, тўғрироғи, арабий ўзгача оҳанг бор эди.

Кейинчалик биз Энрико Масиаснинг ҳақиқий исмини билиб олдик – Гастон Гренассия. У Жазоирнинг Константина шаҳридан экан. Гастоннинг отаси Сильван Гренассия Шейк Раймондинг машҳур оркестрида скрипкачи бўлган. 60-йилларнинг бошларида Сильван оиласи билан Францияга кўчиб кетади, у ерда ёш Энриконинг истеъдод қирралари очилади. Ботир Зо-

киров илк бор унинг «Мамлакатим қизи» қўшифини 1967 йилнинг 7 ноябрь куни «Мовий гулхан»да ижро этди. Унинг ижроси бутун собиқ Иттифоқда ниҳоятда оммалашиб кетди.

* * *

Бир куни, Янги йил арафасида бизни маҳсус байрам кўрсатувига таклиф этишди. Дастур бошловчилари Жамшид Зокиров ва унинг рафиқаси Гавҳар эди. Ҳар ҳолда Янги йил – Ботир акам билан репертуаримиздаги энг яхши қўшиқларимизни куйлашга қарор қилдик. Ўша вақтларда телевидениеда ҳам маҳсус комиссия бўлиб, бизни эфирга чиқиш ёки чиқмаслигимизни улар ҳал қилар эди. Кейинчалик бизга сўзлаб беришларича, эртаси куни ўша комиссиянинг йифилиши ўтказилиб, унда катта мансабдорлардан бири Зокировларни, Ботирдан бошлаб Жамшидгача ёқтирмаслигини ошкора равишда билдиради ва «биз уларни ортиқча мақтаб юбормаяпмизмикан?» дейди.

Ҳеч ким бу мансабдор тўрани қўлламади, лекин шунга қарамасдан у ўз хатти-ҳаракатларини давом эттириди – биз билан келишмасдан, Ботир акамнинг қўшифини бир неча йилдан бери ижро этиб келаётган эски ашуласига алмаштириди, менинг ижромини эса, умуман дастурдан олиб ташлади. Бу ўзгартиришлар нафсониятимизга қаттиқ тегди. Ботир акам ҳатто асаб зўриқишидан бетобланиб қолди. Мансабдорнинг сурбетларча ўзбошимчалиги ўзига қарши саъй-ҳаракатларга сабаб бўлди – биз телевидение-

даги чиқишлиаримизни тұхтатдик, концерт дастурларида қатнашишдан бош тортдик. Шундан сүнг мутасаддилар катта хатога йўл қўйғанларини англашди, мансабдорни ишдан олишди, унинг ўрнига янги одамлар келишди, лекин биз ўзига хос «иш ташлаш»да давом этдик. Шу-шу мен экранда бошқа бирор марта ҳам кўринмадим.

* * *

Биз илк бор эронлик таниқли хонанда Гугушни тинглаганимизда ҳайратта тушганмиз! Ботир акам бирорта эронча ашулани ижро этишга қаттиқ қизиқиб қолди. Тез орада у эронлик, унча ҳам танилмаган бир қўшиқчи қамоқхонада ўз севгилисига атаб ёзган «Маро бебус» деб номланган ажойиб таронани топди. Аввалига қўшиқ биргина гитара яkkажўрлигида янгради, Ботир акам томонидан сайқал берилиб, ижро этилгач, ўзгача тароват касб этди – ёрқинроқ ва наводорроқ янграй бошлади. Ботир акам «Маро бебус»га янгидан жон бахш этиб, уни ҳақиқий афсонага айлантирганида, мен акамни ўзим учун қайта кашф этганман. Йиллар ўтиб, бу тарона унинг учун жуда қадрли бўлиб қолди, лекин бу қўшиқни жуда кам куйлар, ҳар сафар уни юракдан чуқур ҳис этиш, унинг оламига сингиб кетиш учун ижросига узоқ тайёргарлик кўрар эди.

* * *

Биринчи мюзик-холл Москвада очилган, иккинчиси – Ленинградда, кейингиси Киевда, тўртинчи мюзик-холл эса Ботир Зокиров-

нинг ташаббуси билан 1972 йилда Тошкентда ташкил этилди. Тошкентда мюзик-холлинг очилиши кўпчиликни ажаблантирган эди – бу ўша давр учун тараққиёт белгиси бўлганди. Ёдимда, ўзим ҳам биринчи бор акамнинг бу фоясини эшитганимда, аввалига саросимада қолганман. Мюзик-холл?! Тошкентда-я? Ботир ака ўзида санъатнинг барча турларини ва янги йўналишларини жамлаб олувчи мюзик-холлинг истиқболи ҳақида тўлқинланиб гапирганди. «У театрлаштирилган томошанинг худди ўзи бўлади, унда ҳамманинг ўз ўрни бўлади: солистлар, акробатлар, дорбозлар, қўғирчоқбозлар, қизиқчилар, мумтоз ижрочилар, замонавий эстрада ва опера кўшиқчилари...»

Ишонасизми, арзимаган икки ой ичида биз дастурни тайёрлаб бўлдик. Акам саноқли кунларда ўз ёрдамчиси билан сценарий режасининг асосий ишланмаларини тутатди. Ботир акам ўзининг актёрлик, режиссёрлик, ташкилотчилик қобилиятларидан ташқари, бадиий салоҳиятини ҳам намоён этди – унинг андозалари бўйича бош қаҳрамонларнинг бир қанча лиbosлари тайёрланди. Мен репертуар ва ансамблни шакллантириш билан шугууландим. Дастрлаб «Мюзик-холл» жамоаси таркибига машҳур қўшиқчилар, цирк санъати артистлари, қўғирчоқбоз актёрлар, акробатлар, балет гуруҳи – жами 70 киши қабул қилинди.

Узоқ йиллар давомида биз билан бирга укаларим Навфал, Фаррух ва Равшан Зокировлар, таниқли хонандалар – Эсон Қандов,

Наталия Нурмухаммедова, Владимир Саркисянц, Лариса Кандалова, Юнус Тұраев, конферансъе Маргарита Хонг ва Владимир Лапин, санъатнинг турли соҳалари бўйича артистлар: Андрей Петрович, Юрий Макарашвили, Александр Боленко, Андрей Рябинин, Евгений Вишневский, Инна Горлина, Галина Зокирова, Одил Камолхўжаев ва бошқа кўплаб санъаткорлар ижод қилишди.

Концерт дастурини шакллантириш учун Ботир ака ўша даврдаги энг эътибор қозонган сценарийчи-режиссёр Марк Анатольевич Захаровни ҳамда Москва сатира театрининг етакчи актёри Анатолий Александрович Ширвиндтни Тошкентта таклиф этди. Улар Ботир Зокировнинг мавжуд ғоялари асосида «Денгиз сайёхи Синдбоднинг саргузаштлари» номли мюзикл дастуриning сценарийсини яратдилар. Мюзикл дастури 2 қисмдан иборат бўлди – «Шарқона бозор, ёхуд Шарқ эртаги» ва «Тошкентча тўй». Томошани ранг-баранг, фала-ғовур Шарқ бозори манзараси очиб беради. Доиранинг тантанавор оҳанглари остида жонглёрлар, дорбозлар ва полвонлар ўз санъатларини на мойиш этадилар.

Иккинчи бўлимда иштирок этиш учун меҳмон сифатида Владимир Высоцкий таклиф этилди. Володя Ботир аканинг яқин дўсти эди, Тошкентта келган пайтларида кўпинча унинг уйида меҳмон бўларди. У бизнинг «Мюзик холл»ни ёқтирас ва унинг концертларида тез-тез куйлаб туради. Бундан ташқари, биз билан Ирина Понаровская,

«Поюшие гитары», «Ялла», «Наво» вокалчолғу ансамблари, Шимолий Осетиянинг «Алан» ансамбли ва бошқа таниқли жамоалар чиқишаради.

* * *

«Мюзик-холл»нинг дастури республика Маданият ишлари вазирлиги, комиссия томонидан кўрилганида бошловчи бўйича масала кўтарилди — лойиҳага тажрибали ва салоҳиятли конферансъе зарур эди. Бундан ташқари, вазирнинг талаби бўйича, у маҳаллий миллатдан бўлиши керак. Турли-туман номзодлар кўриб чиқилди, лекин Ботир акага маъқул келиш осон эмас. Тасдиқланганларнинг кўпчилиги унинг талабларига жавоб бера олмасдан лойиҳани тарқ этишди.

Айрим бошловчилар билан Ботир ака бир неча ойлар давомида ишлаб кўрди. Охироқибат вазир томонидан раққоса Малика Аҳмедованинг номзоди таклиф этилди. Ботир ака суҳбатлашув чофида бошловчилик — улкан масъулият эканини, раққосалик салоҳиятининг ўзи камлик қилиши, мюзик-холл бошловчиси бутун дастурни мукаммал билмоғи лозимлиги, чиқишилар орасидаги вақтда, тасодифий ноқулай ҳолатлар юзага келиб қолган пайтларда вазиятдан чиқиб кетишни уddaлаши, ифодали шеър ўқишини эплаши, қўшиқ куйлай олиши, асосийси эса беназир нутқҳа эга бўлмоғи, маънодор ҳамда таъсирли сўзлаши шарт эканини айтиб огоҳлантириди. Малика буни удалай

олишига ишонишини айтди, лекин орадан 3 ой үтиб, бу иш қўлидан келмаслигини англаб етди. Ботир ака шунга ҳам қарамасдан сабр билан Маликага ёрдам берарди...

...Вақт үтиб бораяпти, Москвадаги илк гастролларга жўнаш муддати яқинлашиб келмоқда. Шу орада кутилмаган ҳолат юз берди. Концертта бир кун қолганида вақтинчалик бошловчи бўлиб турган Маргарита Хонг бетобланиб қолди. Малика дастурни бошқаришга тайёр эмаслигини тан олди. Нима қилмоқ керак? Ботир аканинг ўша пайтдаги ҳолатини тасаввур ҳам этолмайсиз... Кечки пайт у менинг ёнимга келиб, вазиятдан чиқишига ёрдам беришимни сўради. Унинг айтган сўзларини унутмайман: «Луиза, сен жуда истеъдодлисан, буни удалайсан...» У менинг имкониятларимни ўзимдан кўра яхшироқ билган экан, чоғи, аввалига мен анчагина чўчидим, чунки бир кечада шунчалик катта дастурни ўрганиш осонми? Лекин Ботир аканинг бутун умиди мендан эканини тўла ҳис этгач, розилик беришга мажбур бўлдим.

• • •

«Офарин!» ҳайқириқлари остида ўтган биринчи концертлардан сўнг, Ботир ака икковимизнинг гўёки «иккинчи нафасимиз» очилиб кетди. Илк Москва гастролларимизда, табиийки, бизни энг яхши томоша майдонлари кутиб турарди, ёзги мавсумда эса ҳатто стадионлар ажратиб берилди. Бизни Москва Сатира театрига таклиф этишди, у

ерда биз мұваффақият билан 30 та концерт бердик. Ўшандың бириңи бор бизнинг спектаклимиизда Владимир Высоцкий ва Москванинг бошқа бир қанча таниқлы артистлари иштирок этишди.

Илк концертизни томоша қилиш учун москвалик барча машхур санъаткорлар ташриф буюришди. Бизни Марк Захаров ва Петросян қанчалик илиқ муборакбод этганлари ҳамон ёдимда. Бириңи Москва мюзик-холлининг раҳбари Конников эса, ҳатто: «Тошкентда мюзик-холл ташкил этиш учун Ботир Зокиров бўлиш керак...», деб айтганди. У бизнинг артистларимиз, вокалчиларимиз, ижрочилармизга қойил қолиб, Ботир ақанинг шунчалик кучли ансамбл ташкил эта олганини қаҳрамонлик, дея эътироф этди. Бу ҳамманинг ҳайратига ва қувончига сабаб бўлди, албатта. Чунки ўша вақтта келиб Санкт-Петербург мюзик-холли тарқалиб кетган, Киевдагиси эса инқироз ҳолатида эди.

Бизни энди Санкт-Петербург кутиб турарди. Шаҳарнинг катта машхур стадионида биз 10 та концерт бердик ва «Октябрьское» Катта залида 15 марта мұваффақиятли томошалар кўрсатдик. Концерtlарда биз билан бирга ўша вақтда жуда машхур бўлиб кетган «Поюшие гитары» ансамбли ҳам концерт берган эди. Бизни «таклиф этилган бошқа машхур артистларнинг концертилариға қўшилиб томоша кўрсатишган», деб ўйламанг. Дастур давомида улар 3 мартадан ортиқ чиқишимас, қолган барча чиқишлиар бизники эди.

• • •

Афсуски, ўзбек томошабини мюзикл дастуриң түлиқ талқинини күришга муваффақ бўла олмаган.

Ўша йиллари республикамизда бунчалик катта миқёсдаги томоша намойишини ўз саҳнасида таъминлаб бера оладиган бирорта ҳам театр ёки концерт зали йўқ эди. «Мюзик-холл» 1978 йилга қадар фаолият юритди. Шу беш йил жуда қизғин ўтди, биз бор кучимизни аямасдан ишлар эдик, охирги пайтларда эса имконимиздан ташқари ижод қилдик...

Вақт ўтиб, саҳна безаклари яроқсиз ҳолга келиб қолди, эскирган лиbosларни ҳам янгилаш керак эди, лекин бизга маблағ ажратилмасди. Ботир ака ҳатто Маданият ишлари вазирига ҳам мурожаат этди, лекин ҳеч қандай ёрдам ололмади. Мен доим акамнинг ёнида эдим ва унга қанчалик оғир бўлганига гувоҳ бўлганман.

Собиқ Иттифоқнинг масъулиятсизлик ва мунофиқлик авж олган давларида акам ўзини ҳар ёқقا уриб, санъатдаги ўз муносиб ўрнини эгаллашга интилди. Жамоаниң репетиция қилиши учун ўз саҳнаси йўқ, маoshлар бир неча ойлар давомида тўланмас, либос тикириш учун маблағлар етишмасди. Бизнинг концертларимиз давлатга катта даромадлар келтираётганига, матбуотда мақтovли эътирофлар билдирилаётганига қарамасдан, жамоа таназзулга қараб бораётган эди.

1978 йилда Иркутск шаҳрида Тошкент «мюзик-холли»нинг сўнгти концерти бўлиб ўтди. Ўтган йиллар давомида тўпланиб қолган кўплаб молиявий ва ташкилий масалаларнинг ечимсиз қолгани оқибатида 1979 йилда жамоа тутатилди. Тошкент «мюзик-холли» ёрқин, лекин қисқа муддатли саҳна ҳаётини яшаб ўтди, унинг фаолияти ўзбек мусиқа санъатида чуқур из қолдирди ва миллий эстрадани янги сифат даражасига кўтара олди.

* * *

70-йиллар охиrlари тўхталиш даври бўлди. Кўплаб мусиқачилар пулсизлик туфайли оркестрни тарк этишди – бир йилда 10 ой мамлакат бўйлаб гастролларда юриш осон эмас эди. Ботир аканинг касаллиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади (18 ёшидан бошлаб сил касаллиги хуружлари уни таъқиб қила бошлаган эди). Ботир ака соғайганидан сўнг раҳбар сифатида оркестрдаги чолғучилар сонини камайтириб, ўзининг якка ижросига кўпроқ ўрин ажратди. Шу тариқа ритм-гуруҳ ташкил топиб, унинг таркиби зарбли созлар, контрабас, гитара ва тўртта скрипкадан иборат бўлди. Биз ўз репертуаримизни қайта кўриб чиқдик, уни янгиладик, ўзгартиришлар киритдик ва янги дастур билан Иттифоқ бўйлаб гастролларга йўл олдик.

* * *

1970 йилларнинг ўрталари Ботир аканинг ижодида улкан юксалиш йили бўлди.

«Мюзик-холл» тутатилганидан сўнг у эстрада фаолиятидан ташқари, драматургия, режиссёрлик, театр санъати ҳамда бадий таржима билан шуғуллана бошлади. Унинг театр соҳасидаги биринчи тажрибаси Икром Акбаровнинг «Сўғд элиниңг қоплони» опера расига ёзган либреттоси бўлди. Ботир ака театрдан ташқари, рангтасвир билан ҳам шуғулланди – унинг юзлаб қаламсуратлари, портрет, рангтасвир натюромортлари ва пейзажлар, йўл чизгилари ва ўртоқлик ҳазил суратлари сакланиб қолган. Унинг эски касали хуруж қилганида, шифокорлар Ботир акага концертларни тўхтатиб туришни маслаҳат беришди ва у вақтни бекор кетказмаслик учун ўзининг дастлабки ёзган шеърларини нашрга тайёрлади, болалар журналлари учун туркум эртаклар ёзди.

Евгений Шварцнинг «Соя», Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» асарларининг ўзбек тилидаги таржималари унинг қаламига мансуб. 60-йилларда Ботир ака ўзининг биринчи турмуш ўртоғи Эркли Маликбоева билан бу мажозий руҳдаги эртакни Республика радиосида қўйган эди. Кичик шаҳзода тимсолини унинг рафиқаси яратган, Баобаб, Тулки, Мунажжим роллари матнларини эса Ботир аканинг ўзи ўқиган.

Ботир ака «Ялла» вокал-чолғу ансамбли қўшиқлари учун шеърлар ёзишга ҳам улгурар эди. У, айниқса, ўзининг ўзбек тилида ёзган биринчи шеъри – «Лайли» билан жуда фахрланарди, кейинчалик у «Ялла»нинг репертуаридаги қўшиқقا айланди. У машхур

шоир ва бастакорлардан Туроб Тўла ва Икром Акбаров билан ишлашга мұяссар бўлди. Бу ижодий ҳамкорлик бизнинг эстрадамизга «Раъно», «Газли», «Лирик вальс», «Қайдасан» каби ажойиб тароналарни тухфа этди.

* * *

Ботир ака ижодкор шахс эди, у мунтазам равишда нималарнидир ўйлаб топар ва сон-саноқсиз ёндафтарчаларига ёзиб юрарди. 80-йилларнинг бошларида бетобланиб қолишидан олдинроқ, у янги лойиҳани режалаштириди, унда хонанда ва бошловчи сифатида мен чиқишим керак эди: акам мени яна катта эстрадада кўргиси келганди. Лекин 1984 йилнинг охирида унинг саломатлиги кескин ёмонлашди, муолажалар бу сафар самара бермади. Ботир ака дунёдан кўз юмишни хоҳламасди, у ҳаётни нихоятда севар эди, охирги кунларига қадар ижод қилди... Акамнинг ўлими мен учун ҳақиқий фожиа бўлди... Менинг ҳаётим ҳам тўхтаб қолгандай эди, гўё. Қайсиadir маънода шундай ҳам бўлди – Ботир аканинг вафоти билан менинг ижодий ҳаётим ҳам, эстрададаги бутун бир давр ҳам якун топди.

Ҳеч кимга сир эмаски, Ботир акани мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ва хорижда ҳам яхши танишади. У ҳақда жуда кўп ёзишиди, махсус радио ва телекўрсатувлар тайёрланди, бир қанча фильмлар тасвирга олинди, лекин менинг назаримда, «ўзбек эстрадаси булбули»нинг кўп қиррали истеъдоди ҳақидаги асосий сўз ҳали айтилмагандай...

Яна бир афсус билан эслайман: собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Котибининг нотўғри кўрсатмаси билан «Мюзик-холл» барҳам топди. Ўшанда акам яна жуда қаттиқ касал бўлиб қолди. Кейин унга иш беришмади. Ўйлаб кўринг, Ботир Зокировга-я! Хуллас... Бошқа иложимиз йўқ! Сиёsat билан санъат ҳеч қачон чиқишимаган...

Вафотидан бир кун олдин касалхонага кўргани бордим. «Жуда чарчаб кетдим», — деди у ҳорғин товушда. Бу унинг умрида биринчи марта афсус билан гапириши эди.

Суҳбатдош: М. Шукурзода

Машҳур хонанда Иосиф КОБЗОН: Ботир мен учун туғишгандек қадрдон эди. У эстрадада ўзининг юксак ва ўлмас мактабини яратган санъаткор. Ва унинг буюк санъати олдида ҳамиша таъзим қиласман. Унинг ҳаётдан эрта кетиши ҳаммамиз учун жуда қайгули.

Санъаткорнинг раҳматли ўғли Бахтиёр ЗОКИРОВ: Мен отам билан режиссёр Элёр Эшмуҳамедовнинг «Даҳонинг ёшлиги» бадиий фильмида суратга тушдим. Мен ёш Ибн Сино ролини, отам унинг отаси Абу Абдуллоҳ ролини ижро этдик. Шу фильмда Абу Абдуллоҳнинг ўлими саҳнаси бор. Яъни отаси ўлими олдидан касал бўлиб ётганда Ибн Сино унинг юрагини массаж қилиши керак. Шу саҳна қайта-қайта суратга олинса ҳам режиссёрга ёқмади. У: «Ҳақиқий массаж

қил», деб жиғддий туриб олди. Отамни қаттиқ массаж қилиб бўлмас, чунки юраги атрофидан бир неча қовурғаси йўқ эди. Отам ҳам: «Режиссёрнинг айтганини қилгин», деди. Иложсиз эдим... Отам тишларини тишларига қўйиб чидалилар. У киши санъатнинг чинакам фидойиси эди. Отам яратган санъат мени ҳамиша ҳайратга солган. Отамга ҳавас қилиб киноактёр бўлдим...

Ўғли Баҳодир ЗОКИРОВ: Отам менинг ҳаётдаги идеалим. Охирги марта касалхонада ётганларида деярли ҳар куни ёnlаридан эдим. Жон бераётганларида қўлларини ушладим. Сўнгги марта пицирлаб: «Сизларни ташлаб кетаман», дедилар. Бу отамнинг охирги сўзлари эди. У киши жисман бизни ташлаб кетган бўлсалар ҳам руҳан ҳар куни, ҳар дақиқада биз билан бирга...

Рафиқаси Галина ЗОКИРОВА: Ботир Каримович самимий инсон, чин дўст эди. Мен 1974 йил республика хореография билим юртини тутатиб, у киши раҳбарлик қилаётган «Мюзик-холл»га ишга келдим. Бир-биrimизга кўнгилларимиз тўғри келди шекилли, турмуш қурдик. 1976 йили қизимиз Раҳшона туғилди. Кейин мен саҳнага чиқмай қўйдим. Чунки Ботир Зокировнинг санъати олдида ўз «баҳоим»ни билдим. Мен унга фақат яхши аёл бўлишим мумкинлигини англашим. Қўлимдан келгунча бунга ҳаракат қилдим... Охирги марта икки ой касалхонада ёнида бўлдим. Умри қисқа экан. Тақдирга тан

беришдан бошқа иложимиз йўқ. Мен шундай буюк санъаткорнинг ҳаётдан кўз юмганига ҳали-ҳануз ишонмайман, У ўлмаган, утирик...

Файзулла ХЎЖАЕВ (киносценарист):

Ботир Зокиров билан узоқ йиллардан буён яқин дўст эдик. Москвада касалхонада бир сафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, машҳур синовчи-учувчи Сергей Николаевич Анохин билан бир палатада ётиб даволанган. У Юрий Гагариннинг устози эди. Шу сабабли Ботирни жуда кўп космонавтлар яқиндан танишарди. Даволаниб бўлгач, икки буюк инсон икки томонга – бири самога, бири қадрдан саҳнасига парвоз қилдилар. Мен шу воқеадан сўнг Ботир Зокиров ҳақида 1967 йили «Учиш синови» номли икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм учун сценарий ёзиб, «Ўзбеккинохроника»га топширдим. Лекин фильм студия раҳбарларининг айби билан суратга олинмади. Чунки улар Ботирнинг тузалиб, қайта қўшиқ айтишига ишонишмаган эдилар.

Машҳур рус актёри Михаил УЛЬЯНОВ:

Мен Ботир Зокиров концертини ҳузур қилиб тингладим. Эҳтимол, бу ҳаётимдаги энг унугилмас концертдир. У шунчалар буюк санъаткорки, назаримда, эстрадани яна бир пофона юксакликка кўтарган. Шунинг учун ҳам унинг санъати умрбоқий.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар ЗОКИРОВА: Акамизнинг катта санъаткор, улур инсон эканлигини вафотидан сўнг янада чуқур ва теранроқ билдик. Афсус!.. Ҳаётлигимизда ҳамиша ҳам бир-биrimizning қадrimizga етавермас эканмиз. Начора?.. Ботир акам ҳаммамизга бирдек меҳрибон, жонкуяр эди. Биз у кишидан кўп яхши фазилатларни, айниқса, санъатга содикликни, фидойиликни ва ўзлигимизни топишни ўргандик. Акам биргина «Мюзик-холл»ни тузиш учун тўққиз йил идорама-идора, хонама-хона юргурган. Келажакда уни эстрада театрига айлантирмоқчи эди. Афсуски, бўлмади... Акамиз ҳақиқатни, тўғри сўзни кишининг юзига шартта-шартта айтгарди. У кишининг бу одати, айниқса, юқоридаги баъзи раҳбарларга ёқмагани учун вафот этганиларида газеталарга тузукроқ таъзиянома беришга ҳам рухсат этишмади. Ҳатто акамнинг жасадини касалхонадан уйга олиб келганимизда, ўша даврдаги раҳбар опалардан иккитаси келиб: «Тезроқ дафн қилишимиз керак», деган. Нега ва нима учунлигини ҳозиргача тушунмаймиз. Ҳақиқатни айтган кишига шунчалар жабр-ситам қилиш мумкини?.. Ҳаёлимда Ботир акам концерт бериш учун узоқ гастролга кетган-у, ҳадемай қайтиб келадиганга ўхшайди.

Болаларни жуда яхши кўрарди. Мехмонга келганида болалар билан ўйинга киришиб кетарди. Ўзи ҳам боладай беғубор, тоза қалб, юз-кўзларидан нур ёғилиб турарди. Илоё, охиратлари обод бўлсин!

Раҳматали ёзувчи ва кинорежиссёр Учқун НАЗАРОВ: Ботир билан болалиқдан бирга үсганиман. У турмуш ўртоғим, мусиқашунос Дилбар Рашидова билан ҳам яқин дўст эди. Дилбар унинг пластинкаларига сўзбоши ёзган. Хуллас, биз у билан оиласий дўст эдик. 1984 йилнинг айни баҳори эди. Ботир, Фаррух билан бирга ТошГРЭС томондаги дала-ларга айлангани чиқиб кетдик. Илгарила-риям бу жойларга келиб турадик. Ўрикзор бир чорбони танладик. Дараҳтлар оппоқ гулга бурканган. Тикилиб тўймайдиган манзара. Айниқса, Ботир бу манзарани кўриб ҳаяжонланиб кетди.

— Бир қўшиқ айтмайсанми, Ботир. Кўп бўлди овозингни эшитмаганимизга, — дедим унинг офтобдай чараклаб кетган кўзларига тикилиб.

Фаррух ҳам менинг сўзларимни тасдиқла-гандек акасига умидвор тикилди.

Ботир бир зум жим бўлиб қолди. Сўнг гуруч ювилган тоғорачани олиб, кўм-кўк майсазорга ўтириб, тоғорачани тиззасига тўнтариб ўзича «куй» чалиб, кутилмаганда «Қаро кўзим»ни бошлаб юборди:

*Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросига мардум киби ватан қилғил...*

Мен ҳам, Фаррух ҳам ҳайратдан қотиб қолдик. Чунки биз унинг биринчи марта классик қўшиқ айтишини эшитишимиз эди. Шунда билдимки, у фақат эстрада эмас, бал-

ки халқ ва мумтоз қўшиқларнинг ҳам моҳир ижроғиси экан. Бундай қўшиқларни саҳнада айтмаганлигининг боиси, отасига ва унинг санъатига бўлган юксак ҳурмати эди. Вуҷуд-вужудига сингиб кетган отаси овозини, бетакрор қўшиқларини бузиб қўйишдан қўрқар экан...

Бир маҳал қарасак, атрофимизни одамлар ўраб олишибди. Кейин Ботир қўшиқни тутатди. Одамлар илтимос қилса ҳам айтмади. Хижолат бўлиб одамлардан узр сўради. Бу Ботирнинг мен эшитган сўнгги қўшиғи, сўнгти овози эди...

Шоир **Туроб Тўла** ҳам санъаткорнинг яrim асрлик тўйига атаб қутлов ёзмоқчи эди. Афсус! Қўллари қалтираб, қалби титраб: «Ботир Зокиров тобути устида» деб марсия ёзди:

*Қўшиқни ўлдириб бўлмас, дейдилар,
Қўшиқни ўлдириб бўлмайди, бу – ҳақ!
Не учун бўлмасин кўлоб сийдалар,
Наҳотки инсонга ўлим муҳаққақ.*

*Йўқ, у ўлгани йўқ, қўшиқ айтмоқда,
Қўшиқ айтмоқда у, ёниб-ўртаниб.
У бу он энг баланд авждан қайтмоқда,
Ватани, халқининг меҳрига қониб!..*

Тожикистон халқ артисти Жўрабек МУРОДОВ: Улуғ санъаткор Ботир Зокиров нафақат ўзбек халқининг, балки тожик халқининг ҳам азиз фарзанди, севимли хо-

нандасидир. У шарқимизни умрбод ёниб куйлаган бетакрор қўшиқчи. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига гастролларга борганимда унинг тўғрисида ҳамон қизиқиб сўрашади. Бу ҳамма санъаткорларга ҳам насиб этавермайдиган баҳт. Ботир Зокиров бизга шарқона куйлашни, қўшиқ маданийини ва буюк дўстликни мерос қолдирди. Унинг руҳи олдида санъатимиз ва маданиятларимизга асло гард юқтирумайлик.

Ўзбекистон халқ шоираси **Ойдин Ҳожиева** ҳам унинг порлоқ хотирасига атаб «Куйчига гулчамбар» дея дардли мисралар битишни сира-сира ўйламаган эди.

*Йўқ, йўқ, ухлаб қолди бунда нафосат,
Үйғотмоққа шошар юртим гуллари,
Саҳнада тургандай жилмайиб, хушбахт
Баҳорга узатар ҳозир... қўлларин...*

*Унинг сўзларидан гул унган фақат,
Орзулари гунчалаб, чўллар гуллаган.
У кирган даврада – хаёл ва ҳайрат,
У халқ санъатини гулга белаган...*

«СИЗНИ ТИНГЛАШ – ҲАМИША БАХТ!»

Ботир Зокиров номига келган юзлаб, минглаб мактублардан айримларигина сақланиб қолган.

«Ҳурматли Ботир Зокиров!

Тақдир сизга дилбар овозингиз учун яна минг йил умр берсин. Сиз эстрада санъати-

нинг энг яхши ва истеъдодли хонандалардан бири siz.

Сиз куйлаган «Араб тангоси» мени ҳамиша ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Бу қўшиқ минглаб тингловчиларни шундай ҳолатта солишига ишонаман.

Сиз Шарқни ёниб куйлайсиз. Катта раҳмат!

Ник. Абхазович КОБУЛАДЗЕ
Гурзия, 1967 йил».

«Польшадан алангали салом!

Ушбу мактубни польшалик муаллима Галина Йосифовнадан деб билгайсиз.

Ўтган или Узбекистонга саёҳатта бордим. «Дўстлик» меҳмонхонасида турдим. Кейин Самарқанд, Бухоро тарихий шаҳарларида бўлдим. Умуман, қалби очик, сахий ўзбек халқини яхши кўриб қолдим. Кўп одамлардан Сиз ҳақингизда сўрадим. Улар ўз хонандасини яхши билишар экан, фахрланиб, ҳаяжон билан сиз ҳақингизда сўзлаб беришди. Афсуски, қўшиқларингиз ёзилган пластинкаларни излаб, бирор дўкондан тополмадим. Ноилож «Ўзбек халқ қўшиқлари» ёзилган бошқа пластинка олдим. Уларни граммофонга қўйиб тез-тез эшитаман. Ва ҳар гал эшитганимда Узбекистонни, Сизни кўргандай, тинглагандай бўламан. Сизни тинглаш эса – баҳт!

Ҳурмат билан Галина.
1975 йил 22 январь».

«Салом, азиз Инсон!

Сизни безовта қилаётганим учун минг бора узр. Мен 1964 йил ўзбек йигитига турмушга чиқиб, бир неча йил Каттақўрғон шаҳрида яшадим. Сизнинг сеҳрли овозингизни ilk бор ўша ерда эшилдим. Ва бир умрга унинг шайдоси бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим билан қанча изламайлик, пластинкаларингизни тополмадик...

Ҳозир Украинада яшаяпмиз. Сизни, Ўзбекистонни унутишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Иккита фарзаңдимиз бор. Бирининг исми Ботир, иккинчиси Зокир. Фарзандларимнинг сиздек ажойиб инсон бўлишларини истайман.

Агар сизга малол келмаса, битта пластинкангизга дастхат ёзиб юборсангиз. Ахир Сизнинг дилбар ва ёқимли овозингизни эшитиш бизлар учун байрам.

Р. Шарипова,
Украина, Житомир вилояти».

«АКАМ – ИЖОДИЙ ВИЖДОНИМ»

(Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ ЗОКИРОВ хотираларидан)

Зокировлар суоласининг оиласида дунёга келганим, бу – бахтим. Отам опера хонандаси – баритон, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров, Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида фаолият юритган. Онам Шоҳиста Саидова миллий қўшиқлар иж-

рочиси сифатида танилган. Кейинчалик Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрининг солисти бўлган. 1936 йили ёш хонандалар гурӯҳини Москва Консерваториясига ўқишига юборишган. Ўша ерда, аниқроғи, 1936 йилнинг 26 апрелида Ботир Зокиров дунёга келган. Оиласда беш ўғил, бир қизмиз. Меҳмондўст оиласда дунёга келганимиз, хонадонимизда доим ижодий муҳит ҳукмрон эди, ўз даврининг етук санъаткорлари қадами узилмасди. Болалигимиизда отамнинг тез-тез Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрига олиб бориши анъанага айланганди. Ботир акам Италия операсига ошиқ бўлган, кўпгина арияларни ёддан биларди. Онам эса бизни Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрига олиб борарди. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби мусиқали спектаклларни кўриб улғайганимиз. Ботир акам ижодининг пойдевори «Лайли ва Мажнун» асари асосига қурилганди, ҳатто ўзини Мажнундек ҳис қиласди. Болалиқдан ижод билан «касалланганмиз», десам муболага бўлмайди. Бошқа ака-укаларга нисбатан қизиқувчан бўлганим боис ҳеч бир ижобий мулоқотни ўтказиб юбормасдим. Бу албатта, ёқимли жараён эди.

* * *

— 1958 йили Ботир Зокиров профессионал эстрада оркестри тузиш ҳақида бош қотиради. У нимага қўл урмасин, доим охирига етказмай қўймаган. Оркестр Александр

Двоскин раҳбарлигидаги эстрада ансамбли асосига қурилганди. Биринчи бадиий раҳбар Шариф Рамазонов, дирижёр Александр Двоскин бўлди. Сўнг Ботир Зокировнинг ташаббуси билан Тошкентга машҳур бастакор Ян Френкель чақиртирилган. Ва у эстрада оркестрининг мусиқа раҳбари, қўшиқлар сайқалловчисига айланган. Ботир Зокиров эстрада оркестрида яккахон хонанда эди. Онамга «Нега акам мени оркестрига ишга олмайди?», деб шикоят қиласадим. Ботир акам қариндошларига нисбатан жуда талабчан эди. У киши «Оркестрда куйлаш учун профессионал даражадаги билим керак. Бунинг учун аввал ўқиш зарур», дерди. Очиги, ўша вақтда Ботир акамдан хафа бўлганман. Лекин тўғри йўл туттанига кейин тушундим. Мен, укаларим Жамшид ва Равшан Зокировлар санъатда озми-кўпми ютуқقا эришган бўлсак, бари бош танқидчи ҳамда маслаҳаттўйимиз Ботир акамнинг талабчалиги, танбеҳлари сабаб.

Ёш ижодкор сифатида ҳавас билан куй басталай бошлаганман. Албатта, илк уринишларим кўнгилдагидек чиқмаган. Акам «Иzlанишда давом эт», дерди. 1970 йил «Мажнунтол» қўшигини басталаганимдан бир йил ўтиб, акам «Ука, шу қўшифингни куйласам майлими?» деб рухсат сўраганида бошим осмонга етган. Боиси, бу – акамнинг камтарона ижодимга берган юксак баҳоси ва эътирофи эди. Ўша вақтдаги севинчимни сўз билан ифода этиб беролмайман. Шу боис бу қўшиқ мен учун қадрли.

Хозирги Ўзбекистон Давлат консерваториясининг хор-дирижёрги факультетида ўқиганим боис йўлланма билан Москва Консерваториясига бордим. Шунда Ботир акамнинг «Бу йўналишга ҳужжат топширсанг, жиддий тайёргарлик кўришинг керак. Ўйлаб кўр!» деган маслаҳати ва «Овоз имкониятим тўғри келмайди» деган қўрқув ҳисси билан Тошкентга қайтганман...

Бир сафар акамнинг дўсти машҳур санъаткор Владимир Высоцкий муз саройида концерт бергани келган. Шунда акам дўстига «Ҳамма томошабинни олиб қўйдингиз-ку», деб ҳазиллашганида, «Концертидан сўнг сизнинг дастурингизда ҳам иштироқ этаман», деган. Ва сўзининг устидан чиққан. Володя Тошкентта келганида доим Ботир Зокировнинг уйида меҳмон бўларди. Афсуски, моддий муаммолар боис грух тарқатилади. Шунда «Ботир ака, ташкилий ишлар сизни толиқтириб қўйди. Ижодий имкониятларимизни бирлаштириб, бирга ишласак ва «Ялла» ансамблига янги ҳаёт бахш этсак» деган таклифни берганимда ўйлаб кўриб, рози бўлди. Ва гастроллар, оиласдан деярли ортмайдиган ака-ука янада бир-биримизга яқинлашдик. Катта акамнинг тажрибаси, маҳорати ижодимизда янги-янги саҳифалар очди.

* * *

— Ижодимиз изга туша бошлаганида, 1984 йилнинг охирларида маслаҳаттўйимиз Ботир акамнинг соғлиги кескин оғирлашди. Шифокорлар жигар циррозининг охирги

босқичи, дея ташхис қўйиши. Бу гал даволаниш самара бермади. 1983 йилда Тошкент тўйига бағишлиланган концертда шифокорлар назорати билан бўлса-да, саҳнага чиққан. Иродаси метиндек эди. Шифохонада оғир аҳволда ётганида «Водиллик келин» фильмни учун жиянимиз Наргиз Зокирова «Не забывай» қўшигини куйлаганди. Луиза опам «Ака, эшитиб кўрингчи», деб қулоқчини Ботир акамга тутди. Кўзини юмиб охиригача эшиитди-да, кўзи ёшланиб «Луиза, эътибор қилинса, қизинг истеъдодли санъаткор бўлади», деб оқ фотиҳа берганди.

Ёдимда, Ботир акам шифохонада ётганида «Гастролларингга боравер, ҳаммаси зўр бўлади!», деб дадил гапирганига ишониб, ижодий сафарга кетганимдан ҳали-ҳануз афсус қиласман. Акам Жамшид ва келинойим Галина опанинг қўлида жон берган. Охирги дақиқаларда ёнида бўломмаганим армон бўлиб қолди...

Ботир акамнинг вафотидан сўнг кундагидан сўнгти ёзган «Лайли» шеъри чиқиб қолди. Бир йил кўнглимдагидек қилиб ёзолмай, «Акам қабул қилган бўлармиди?» деган савол билан юрдим. Кунларнинг бирида куттилмаганда илҳом келиб, бир лаҳзада ёзгандим. Ботир Зокиров ижодий виждоним, десам янглишмайман.

«ТОПИБ БЕР, ДЕБ ОЙГА ЁЛВОРДИМ»

(Хотиранинг барҳаёт бекатлари)

Ўзбек мусиқа санъати улкан дарёлар, иирик ирмоқлар мудом оқиб турадиган баҳайбат ва гўзал уммонга ўхшайди. Бу барҳаёт мусиқа уммони бағрига ҳар бир машҳур санъаткор (фақат ва албатта, истеъдодли санъаткор) ўзининг бетакрор наволари, ҳеч кимга ўхшамаган сеҳрли овози, теран оҳанглари билан етиб бориши мумкин. Афсуски, бу бебаҳо уммонга етиб бориш ҳамма ҳофизу хонандаларга ҳам насиб эта-вермайди...

Мусиқа уммонимизнинг янада юксалишига, янада жозибадор бўлишига, жаҳон сахналарида мардонавор янграшига катта ҳисса қўшган улкан санъаткорлардан бири, ўзбек эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон ҳалқ артисти Ботир Зокиров эди.

Ҳамиша биринчиларга қийин бўлган. Ботир Зокиров санъатда анча мураккаб, ҳали ҳалқимизга нотаниш бўлган эстрада жанри йўлини танлади. Бу йўл ниҳоятда машаққатли, оғир ва тўсиқлари кўп эканлигини у яхши биларди. Унинг ҳаёт ва ижод йўли ҳеч қачон силлиқ кечмади. Ёшлигидан жуда оғир хасталикка чалинди. Лекин у танасидаги дардни дардли қўшиқлар билан енгди, бетакрор рангларга ошно бўлиб, маҳзун манзаралар яратди, ўзига хос дилбар ҳикоялар ёзди, таржима билан шугулланди.

Уларнинг барчасида муваффакият қозониш хасталик билан олишаёттан санъаткор учун жуда қийин ва оғир эди. Мустаҳкам ирода эгаси, ақл ва талантини юксак маданият билан уйғуналаштира олган жасоратли инсон Ботир Зокиров ўзбек мусиқа санъатида ўзининг муборак ва қутлуғ изларини қолдиришгà улгурди.

Асло у сиёсий қўшиқлар, собиқ Шўро тузумини мадҳ, этувчи ашулалар айтмади. Кўпроқ муҳаббат ҳақида, ҳаётнинг қувонч ва изтироблари ҳақида куйлади.

Катта қалб, ёниқ эҳтирос ва дилбар овози билан кўшиқ осмонида ўзининг порлоқ юлдузлари сувратларини чизиб кетди у. Бу жозибадор юлдузлар ҳамон унинг мингминглаб муҳлислари қалбида чараклаб нур сочиб турибди. Бу муҳлислар ҳам соғинч, армон билан унинг қўшиғига жўр бўладилар:

*Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирюққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер, деб ойга ёлвордим...*

*Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой, сеҳргар силбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни!..*

Ботир Зокиров ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшга тўларди. Афсуски, ҳамиша ўлим ҳақ бўлиб чиқади. Гарчи Ботир Зокиров 49 ёши-

да ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, унинг дардли овозини ҳар гал эшиттанингда гўё руҳингга янги жозиба, янги оҳанг ташриф буюради. Ҳали бу барҳаёт қўшиқлар қанча-қанча авлодлар қалбида ўз юлдузларини чизишига асло-асло шубҳа йўқ.

Ўттиз йилки, унинг ўтли қўшиқларини ҳамон соғиниб яшаймиз.

Ўттиз йилки, унинг бетакрор овози ҳамон юракларда гулхан ёқади.

Ўттиз йилки, унинг боқий қўшиқларига жўровоз бўламиз: «Топиб бер, деб ойга ёлвордим».

«БИНАФША ҲИДЛАНГ, АМАКИ!»

*У*збекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ушбу номдаги эссеидан олинган айrim парчаларни мамнуният билан ҳавола этмоқчимиз.

* * *

— Телефон жиринглашидан уйғониб кетдим. Залда — диванда ётиб қолган эканман, ўрнимдан тура солиб қандилни ёқдим. Шу бўйи шкаф устидаги (туғилган кунимда Умарбеков совға қилган) соатга қараб олдим. Тўрт яrim...

Табиий, жаҳлим чиққан: ким у — шундай пайтда безовта қилган? Қишлоқдан бўлмасайди: тинчлик бўлсин-да... Шундай хаёллар ила бориб, телефон дастагини кўтардим. Фализ гап эшитилди:

— Ботир Зокиров кетди.

— Нима? Ким...сан үзинг?
 — Ман — Андрей Бородин. Батир умер.
 — Спаси... — Давомини айттолмадим: шұнақа пайтда хабарчига раҳмат айтиш керакми? Ақлым етмади. Дудукланиб: — Я понял. Тушундим. Қачон? — деб сүрадим.

— Недавно должно быть. Мангаям телефон қилишди.

«Санга нега телефон қилишаркан? Ботир билан нима алоқаң бор эди?» дея ғашлик билан күнгилдан кечирдим; алоқаси бордир, албатта. Мен Ботирнинг кимлар билан улфатчилик қилишини кузатиб юрибманми?

Бироқ шунақа үйладим: уни — Ботирни машхур ёзувчи Сергей Бородиннинг ўғлидан қызғандим шекилли.

Трубкани жойига қўйдим. Қалтираб, нима қилишни билмай турганимда, ётогидан хотиним кўзини уқалаб, пешонаси тиришиб чиқиб келди.

— Тинчликми? Ким у?
 — Ботир ўлибди, — дедим.
 — Вай-й. — Саида туриб қолди. Лаблари қийшайиб, ияги титради. Залга кириб, диванга ўтирди.
 — Нима қилай, хотин?
 — Учқун ақалар билишармикан?
 — А-а. Тўғри айтасан. — Дарҳол Учқун Назаровнинг телефон рақамини тердим. Бир пастдан кейин Дилбар янганинг хотиржам овози эшитилди:

— Эшитаман. Ким бу?
 — Янга менман. Шукур. Ботир Зокиров ўлибди... Янга эшитяпсизми?

Янгадан жавоб йўқ эди. Кейин гўшақдан тинг-тинг этган товуш эшитила бошлади.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Сўнг яна улар но-мерини термоқчи бўлувдим, аппаратнинг ўзи тагин жаранглаб кетди. Учқун Назаров экан.

— Шукур? Шунаقا бўптими? Қачон?

— Менгаям телефон қилишди...

— Ўн минутдан кейин пастга тушиб, Жу-ковскийга чиқиб туринг. Биз Умиджон билан борамиз.

— Хўп.

Кейин билсам, Учқун Назаров азбаройи ҳаяжонланиб кетгани боис машинасини бошқара олмаслигини тусмоллаб, ўғлини ёнига олган экан. Дилбар янга эса бу шум хабарни эшитиб, карахт бўлиб қолган, кейин трубкани қўлидан тушуриб юборган экан.

* * *

Ботир Зокировнинг бизга муносабати ҳақида... Муносабати, кўриб турибсиз — самимий ва ўзаро... «фойдали» эди, дейишга журъят этаман. Аввало, «самимийлиги» ҳақида: Ботир Зокиров оламга машҳур санъаткор (у Франциянинг оламшумул «Олимпия» эстрада концерт зали саҳнасига икки марта чиқишига мажбур этилган севимли хонандамиз эди! Собиқ СССР ҳудудида исталган шаҳарда) ойлаб концерт бера олар, эшигувчилар эса яна талаб қилишар эди! Масалан, машҳур санъат шаҳри ҳисобланмиш Ленинградда ҳам шундай бўлганди.

...Ҳа, оламга машҳур эса-да, масалан, бизникига bemalol кириб келар, менинг

күпчилик ўртоқларни фамилияси билан (Назаров, Умарбеков) аташим-чақиришимга тақлидан кулимсираб: «Холмирзаев» деб мурожаат қилар, баъзи пайтларда уйга меҳмон келган бўлса-ю, нимадир сабаб билан уйда ортиқ ўтиришнинг имкони торроқ бўлса ёки ўтириб зерикишганда, дафъатан менга қўнғироқ қилар: «Холмирзаев, уйдамисиз? Шукуржон, шундоқ ўртоғим уйга меҳмон бўлиб келган. Ҳозир уйингизга олиб бораман», дерди. Бемалол...

Ёки бизнинг уйимизга таниқлироқ санъат соҳиблари, фалакнинг гардиши билан ташриф буюриб қолишса, унга-да Ботир Зокировни дарҳол таклиф этардим. Эсимда кечагидек: Ҳиндистондан машҳур ашулачи-артистлар келишди. Рита хоним уларнинг солисти эди... Ўша кезларда Ўзбекистон радиоси ҳинҷ бўлимида хотиним билан бир бўлимда ишлайдиган олим Қамар Райис билан фавқулодда аҳил бўлиб қолгандим: деярли ҳар ҳафтада у киши билан учрашиб турардик. Ўша инсон Саидага: «Рита сўрайяпти. Ботир Зокировни кўрмоқчи», деган экан. Хотиним дангалига уларни уйга таклиф этибди. Камина тағин ҳовлиқиб Олой бозорига бориб келди. Бир амаллаб дастурхон тузадик. Табиий, мен Учқун Назаровни ҳам таклиф этгандим: Дилбар янга – мусиқашунос, сухбат яхши кечади деб... Улар келишди. Кейин Ботирнинг ўзи келди.

Нихоят, ҳинҷлар ҳам Қамар соҳиб етагида сеторларини кўтариб келиб қолишли.

Ўтиришда хотиним таржимонлик қилар, хизмат менинг бўйнимда эди. Кўп мавзуларда гурунг бўлди. Рита хоним бир-иккита ашула айтиб берди ва Ҳиндистонда Ботир Зокировни беҳад ҳурмат қилишларини қайта-қайта такрорлади.

Ботир Зокиров қандайдир андишага бордими, ишқилиб, ҳиндча эмас, ўзбекча «Яроғ этма» деган суюмли ашуласини айтди. Кейин кўп йўталди. Ва узр сўради...

• • •

Ботир Зокиров нимагадир... шошилар эди: шунинг учунмикан – унча-мунча гапсўз, оғриқ-касаллик ҳам унга кор қилмас, у енгиллик билан бу унсурларни босиб ўтиб кетаверар ва ўша «нимагадир»га интилаверар эди.

Энди наздимда, муҳим бир нуқтани қайд этишим лозим: Ботир Зокировнинг барча (соҳаларда) интилишлари орасида... куйлашга – қўшиқ айтишга бўлган эҳтиёжи ҳамма интилишларини босиб кетар, балки барча қобилияtlари ана шу қўшиқ айтиш (танлаш, тайёрлаш, қалдан ўtkазиш ва куйлаш) салоҳиятига хизмат қилар, ана ўша соҳалардан қандайдир қониқмаслигида, қўшиқларида ўз ифодасини топар, топганда ҳам айни ўзига – Ботир Зокировга хос тарзда – юксак пардаларда, соф шарқона титрамларда, қалбларнинг туб-тубига кириб борадиган «йнгичка» оҳангларда ўз ифодасини топар эди: зеро, унинг қўшиқлари бутун ву-

жуди, куч-қуввати, онги-дунёси қандайдир жамланган-йиғналған қалби тубидан чиқар әди.

Вей, унинг қўшиқлари!

Ҳамон ўша-ўша: эътибор этсангиз — уларда манзараларни ҳам кўрасиз (расмда-гидек), тарихий-мусиқавий-ботиний илдиз-ларингизни ҳам ҳис этасиз: сўз... сўзниң айтилиш тарзи, қўшиқдаги тўлғоқли фикр-нинг баёни (ҳикоядагидек содда-тушунарли) онг-қалбингизга шундоққина етади-қўяди.

Вей, унинг саҳнада ўзини тутиши... Наҳот кузаттан бўлмасангиз? Шунчалар табиий-ликка қандай эришган әди у зот? На бир ортиқча ҳаракат (чираниш, қийшанглаш, ортиқча ишшайиш, муқом, қўл ҳаракатлари) кўрасиз, на бир маслаҳат бергингиз келади: ҳа-ҳа... нуқсон тополмайсиз-да.

Зероки, гап шундаки, бирордан нуқсон топмоқ учун нуқсонсизлар қандай бўлувини билмоқ керак: ундейлар эса йўқ әди... Илло, Ботир Зокировнинг ўзи ибрат — ўзи этalon әди.

Айтмоқчи, Ботир Зокиров — эстрада қўшиқчиси, ўзбек эстрадасининг асосчиси, Мюзик-холл яратаман деб армонда кеттан (у яратган ҳам әди, кейин кимлардир тарқатиб юборди) улуғ санъаткор... мақом куйларимизни жон-дилидан яхши кўтарди.

* * *

Кунларнинг бирида мен Олой бозорига бораётиб, Эркли опани учратиб қолувдим.

Опа — «Ҳамза» театрининг пешонасига биттан... дурдоналаридан бири, бениҳоя са-

водли ва чексиз ҳамиятли ва андишали Маликбоева мени кўрмаганга солиб, хиёбонга бурилди: Олой бозорига улар яшайдиган уйнинг бикинидан ўтиларди.

— Эркли опа, салом бердик, — дедим. Сўнг ёмон қийналиб кетдим: у киши бениҳоя уялиб, қипсиниб ва синиқ табасум қилиб тўхтадилар. Сўнг: «Э, Шукуржон. Яхшимисиз? Саида яхши юрибдими?» деб сўрадилар. «Ҳа, — дедим-у, у ёғини сўрамасам бўлмаслигини туйдим. — Нима бўлди. Эркли опа? Фалатироқ гаплар эшитдик...»

Эркли опа елкасини қисиб, янада шикастароқ жилмайиб:

— Шунаقا бўлди, Шукуржон, — дедиларда, икки бармоқларини кўрсатдилар. — Шунча телеграмма келди. «Ира, ман уйланвомман. Ҳафа бўлма». Шу холос.

— Холос? — дедим оғзим очилиб қолиб. Кейин бошқа гап...

— Нима бўлиши мумкин, — тезгина жавоб бердилар. — Ихтиёр Ботирнинг ўзида. Биз анча йил яхши яшадик. Иккита ўғлимиз бор. Шуларга тушунтириш қийинроқ...

— А-а...

— Шунаقا гаплар, Шукуржон. Саидага салом айтинг... — Маликбоева бошини бирдан эгиб, тез-тез юриб кетди.

Эй, азиз биродар, шундай аёлни учратганмисиз? Йўқ: Ботир Зокировдек инсонни учратмаганингиз каби унинг рафиқаси Эркли Маликбоева сингари олийжаноб ва руҳан юксак, ҳар қандай майдайчуда гаплардан

терак бүйи балаңд турадиган, ҳар қанча изтироби бўлса ҳам ичига ютадиган мағур аёлни ҳам учратишиңгиз гумон: ҳой, булар ҳам одам қавмидан-ку, а? Бундайларда ҳам нафс бор, ҳа, бор-ку? Катта маънодаги нафс! Бундайларда ҳам инсоннинг энг табиий – яшашга интилишига замин бўлғувси ҳис – худбинлик ҳам бор бўлиши керак-ку! Умрининг навқирон пайтларидағи ҳамроҳи – умр қиёмдан ошганда кетиб қолса, қандай мискинлик қоплаши мумкин одамзодни? Алам-надомат... Дарвоҷе, таниш-нотанишлар олдидан ўтиш – қисиниб, айб иш қилиб қўйгандек қийналиб ўтиш ва улардан «қочиб», ғамини-аламини ичига ютиб, кўз ёшларини тамшаниб ютгандек ютиб – ютиниб ҳазм қилиш – вой, қанчалар оғир.

Ўйланиб қоласан: Ботир... Ботир Зокировнинг шундай инсонга – Аёлга дуч келганини қаранг-а!

Худди бир-бири учун яратилган ва ҳаётнинг шафқатсиз синовлари ҳам «жовлисига» бошларига тушажагини олдиндан билганга ўхшайдилар-а! Ажабо, Ботир Зокировнинг Эркли опага юборган икки энлик телеграммасини қаранг: гўёки шу биргина жумлада бир олам гапни айтиб, ҳатто тушунтириб ҳам қўйгандек... Ажабо, унинг тағин икки сўз билан: «Хафа бўлма» деганини кўринг: бу гап(ча)да нима маънолар йўқ дейсиз? Ҳатто Эркли опанинг бу хабарни событлик билан қабул қилишига бемалол ишонгандек...

Булар бир-бирини мунчалар яхши билишмаса, а?!

Буларга қойил қолмасдан бўлар эканми?
Айниқса, Эркли опа Маликбоевага...

• • •

Аттанг-аттанг, начора: Анвар ака Мақсудовдек бўлмадим мен, яъни Ботир Зокиров билан бирга – бир маҳаллада яшаб ўсмадим, болалиқдан дўст тутинмадим!

Учқун Назаров Ботир Зокировга ҳам дангалига: «Пошли, Батир!» ёки: «Батир, жду тебя!» деб муомала қилас, демак, шундай муомалага маънавий ҳаққи бор эди: бунинг тарихи-да менга қоронғи... Учқун Назаровдек бўлишни истамайман-у, бироқ Ботир Зокировга муомаласидаги тенглик жараёнларини билсам эди!

Ўлмас Умарбековнинг Ботир Зокировга муносабати – фирт самимий ва дўстона, йўқ; меҳрибона эди... Табиий, у инсон ҳам бу зот билан илгаритдан таниш бўлган, қандайдир саргузаштларни ҳам бошларидан кечиришган эди – қанийди, ўшалардан ҳам оз-моз хабардор бўлган бўлсам эди!

Ёзар эдим.

Шу тобда иккита воқеа ёдимга тушди.

Биринчиси: Ботир Зокиров Москвада шифохонада ётганида, Ўлмас Умарбеков билан Учқун Назаров уни кўргани боришади... Кўргани боришади. Тошкентдан. Тошкентта қайтиб келишгач, Учқун Назаров мундай деган эди: «Ботирнинг аҳволи оғир. Жуда оғир. Биқинини тешиб, тиқин тиқиб қўйишган экан. Биззи кўриб, жа хурсанд бўлиб кетди.

Назаримда, Ботир Зокиров унча-мунча майда-чуйда гапларга ҳам парво қилмас, ин-

чунун улур-улуг минбарлардан эшитадигани мақтovларға ҳам бепарво әди: ўрганиб кетганиданми? Табиати шунақалигиданми? Ким билсин.

Аммо битта жиҳати барча хислат-фазилату ўзига хосликларидан устун турарди: у энг чигал муаммолар устида гапираётганида ҳам қандайдир паришон экани сезилиб туради: илло, ўша мунозара пайтидаёқ тамомила бошқа мавзуга күчиб кетиши ва унданда нарига ўтиб кетиши мумкин әди.

Унинг бу жиҳатини, масалан, бир неча кун давомида бир неча ҳикояларни қоралаб келиши, кейин, дейлик, менинг фикрларимни диққат билан эшитгани ҳолда... ҳикояларни мутлақо қайта ишламаслиги, ҳикоялар ўша – ёзилгани бўйича қолиши-ю, кейин мутлақо расм чизишга берилиб кетиши ва хусусан, Рўзи Чориевни уйига чақириб, полотноларини кўрсатиб юриши ёки турли-туман рассомларнинг устахоналарида кезиб юришига, сўнг эса бу «юмушлар»ни ҳам изсиз унутган каби Абдулла Ориповнингми, Миртемир домланингми, Цветаева, Ахматованингми шеърий китобларига шўнгиб кетиши, ундан сўнг қарабсизки, Икром Акбаров биланми, Сайфи Жалил ёки Мутал Бурхонов биланми – мусиқа бобида, яъни, улар Ботир учун ёзган қўшиқларини таҳлил этиш бобида машғул бўлиб қолганига... ва ҳоказоларга, яъни, айтиш мумкин бўлса, қўнимсизлигига, тўғрироғи, паришонлигига йўйиш мумкин: ҳа, у назаримда, бир эмас – бир неча одамга ўхшар, аниқроғи, бир эмас, бир неча ис-

төъдодларга насиб этиши мумкин бўлган қобилиятта эга шахс эдики, кўнгли тусаган томонга назарини қаратар – бу йўриқда у бафоят эркин-озод инсон эди.

* * *

Олдимда турганлар четланди-ю, ўзим олдинга чиқиб қолдим. Қаршимда – узун, чукургина тобутда Ботир Зокиров ётган эди. Бошида дўппи. Дўппи ёстиққа тегиб, пешонасига хиёл сурилган.

«Ўлим шуми? У энди... турмайдими ўрнидан? Йўқ. Ҳеч қачон қўзғалмайди. Индамасангиз, кунлаб ётаверади... Лекин индайсиз, қўзғатасиз.

Илло, унинг жойи энди – бошқа ерда... Вой, ўша ерга бориш учун шунча йил яшайдими одам?

Жуда жўн нарса, а, ўлим?

Хе, Ботиржон, сенинг бошингни тутиб ҳасрат қиласидиган Гамлет керак бўлди-да: «О, Ёрик, Ёрик! Қани санинг кулгиларинг, Ёрик?..

Қандайдир ҳўнграмоқчи эканимни пайқаб қолиб, ён-веримга қарадим-у, худди Умарбековнинг ёнгинасида турганимни кўрдим: ҳа, Ўлмас Умарбеков ёнимда экан. Ботирга тикилиб қолган... Мен томоқ қирмоқчи бўлдим. Назаримда, бусиз ҳам дўстимиз менга қараб қўядиган туюлди: у сезгир инсон.

Лекин у Ботирдан кўз узмас эди.

Кимдир елкамга туртди. Видолашгани келганлар экан. Орқароққа ўтаётган Назаров боши билан имлади мени. Мен иргалиб, у кишининг олдига бордим.

Шунда Назаров Ботирнинг укаси Жамшиднинг билагидан тортиб, бағрига босди.

— Жигар, бандалик экан, — деди.

Жамшиднинг ҳам афти шишиб-бүғриқиб кетган экан. Бирдан менга талпинди: худди — «ёрдам беринглар, бу қанақаси бўлди» дегандай. У йифлар эди.

* * *

Шунда нариги иморатта яқин турган жигарранг «Жигули»нинг очиқ турган эшигидан бошқа дўстларимиз ҳам кўриниб қолишиб: Абдуллажон билан Низом. Низом имлагандай бўлди. Учқундан узр сўрамоқчийдим, улар икковлон нари кета бошлиди. Орқамдан келган Турғун Азизов бир қўлини елкамга қўйиб:

— Ай, Шукурчик, ёмон бўлди. Бу — котта фожеа, — деди. — Агар билсанг, бу — ҳалқ фожеаси... Тўғримасми? — деб юзимга тикилди. — Ботирдақа санъаткорри ҳар куни онаси туғиб бермийди.

У-у... Уҳ-ҳ. Ботир ўзини жа тийиб яшади... — Кейин бошини сараклатди.

— Йўқ-йўқ, фикрим бошқача: у олами кўрди. Бир санъаткор эришиши мумкин бўлган шухратга эришди. Суюмли бўлди... Ҳалқقا. Ҳалқларга. Ўзбекнинг номини чиқарди... Унга минг-минг раҳмат. — Кейин синиқиб жилмайди. — Ўзимиз билан кам ўтиради-де. Дарвиш бўлолмас экан. Ҳа, топдим. Ўтқирри тили билан этганда, ўзимизга ўхшаб дарвишона яшолмас эди. Кези келганда... Биз, биласан-ку ўзинг кетдикми-кетдик, деб... Унда шундай имкони-

ятлар йўқ эди. Биламан: ҳамма иши режали эди. Гастроллар, гастроллар... Аҳ-ҳ. — Яна бирдан бурилиб, Ботир Зокиров яшаган уй зинасига қараб олди. — Ман Ўлмасхонни опчиқайми? Унинг иши кўп бўтда...

Инсон нимага интилади? Ўзида йўқ нарсага интилади... Ботир Зокиров ҳамиша нимагадир интилиб, унинг куйида паришон бўлиб яшар эди: ўша интилмиши, ажабмас сулув қиёфасида ҳам жамол кўрсатган бўлса...

Турғун Азизовдан сўрамоқчи бўлиб унга қарасам, у Умарбековдан кўз узмай турибди.

Нихоят, Умарбеков бизга ялт этиб қарадида, хўмрайганича тез-тез юриб олдимиизга келди.

— Шукур, яхшимисиз? — Кейин Турғун Азизовга тикилди. — Ҳамма нарса тахт бўлди... Мен тепага чиқиб тушай. Бирон соатда қайтиб келаман. Қачон чиқаришни, нималар бўлишини ўшатда келишамиз. Бу — республика миқёсидағи фожеа... Тўғрими, Шукур? Газеталаргаям хабар бериш керак. Телевизорга... — У машинадан чиқишган Абдулмажон билан Низомни кўриб, ҳар иккаламизнинг ҳам тирсагимиздан олиб жилди. — Биласизларми, ман битта нарса ҳақида ўйлавомман. Боядан бери...

— Ўзингиз ҳам бирон соат туриб қолдингиз, — деди Турғун Азизов.

— Шунақами? Билмайман... Ман Ботирга қойилман. Мана шунаقا ётишларини кўп кўрганман. Шукур, касалхонада ётганида боргансиз-а?

— Албатта, — дедим-у, тафсилотини айтишимга ўрин қолмади. Аммо тафсилоти хәёлимдан кечди.

... Ҳа, шунақа узун тушиб ёттан экан. «Э, Холмирзаев, — деди-да, бошини күтарди. Ўпишдик. Кейин иягини кафти билан уқалай бошлади. — Тағин ўсибди бу, тағин ўсиб қопти... Шукуржон, шуни қириб ташлашга ёрдам бервординг...» — «Жоним билан, — дедим. — Прибор борми?» — «Ҳамма нарса бор. Ана, ойна... — Кейин ярим ғашланиб, ярим кулимсираб гапида давом этди: Ойим келади. Соқол ўсган бўлса, одам касалванд, хунук бўлиб кўринади. Кузатганмисиз? Шунинг учун ҳар куни соқол олдираман. — Кейин ҳеч бир касали йўқдек кулиб юборди. — Дадамми эслайсизми? Инфаркт бўлиб ёттанларини... Да-да! Ўшанда соқолларини опқўювдим. Ўша киши этганлар манга: «Соқол одамми қаритиб кўрсатади», деб...

Шукуржон, ман беш марта операция бўлибман-а! Рекорд қўйибман. Айтмоқчи, Сайдажон яхшими? Қизингиз... Пуф, ман ҳам битта қиз кўрсамиди...»

• • •

— Билмайман...

Мен ташқарига чиқдим. Умарбеков машинани майдондан тез чиқариб кетди.

Ҳар томонга чўзилган хиёбонлардан эса турли маркали машиналар қор парчалари ёттан майдонга кириб келишмоқда, пиёдалар ҳам кўп эди. Ҳадемай майдону уйнинг атрофлари ҳам одамга тўлиб қолади. Биз Ботир Зокировнинг (собиқ) дўстлари бир четта

чиқиб қолдик: Ботир Зокиров энди элники бўлган эди: ажабо, унинг концертларидаям шунча кўп одам тўпланармиди?

Мана, ўлимига ҳам келишди... Энди ўз санъаткорларини охирги марта кўришади: кейин унинг суратларини кўришади, видео-фильмларда кўришади, радиодан-пластиинка-лардан ашулаларини эшитишади ва «шундай одам ўтиб кетди-я», деб гурунг қилишади.

Узр, узр! Битта гап ёдимга тушиб кетди. Ботир Зокиров ўшанда Рахшона деган қиз кўрган эди. Турғун Азизовданми, Анвар акамданми эшитиб, ҳайратда қолдим: ахир, Рахшона — Александр Македонский уйланган бақтр қизи — Бақтрия ҳокими Оксиартнинг қизи-ку... Фалати бўлиб кетдим-у, тавба, Ўлмас Умарбековнинг ҳам ҳув ўшанда — ўғли туғилибоқ ўлган кечаси... тонг отгач, йўлда шекилли, энди бир қиз кўришни орзу қилгани ёдимга тушди. Умарбеков ўшанда аник қилиб айтган эди: «Қизбола отасига меҳрибон бўларкан, Шукур. Мана, сизнинг қизингиз, Учқуннинг қизи — Сайёralар қандоқ меҳрибон сизларга... Шундоқ билиниб туради...»

ДИЛИНИ ШАРҲ АЙЛАГАН БУЛБУЛ

*(Таниқли шоир ва драматург
Машраб БОБОЕВ хотираси)*

— 1 958 йил. Санъат институтига кириш учун Тошкентта келганман. Кечиккан эканман (санъат ўқув юртларига қабул илгарироқ бошланаркан), кимё билан

математикадан имтиҳон олмайдиган биронта «осонроқ» даргоҳни қидириб юрибман. Бир пайт Шайхонтоҳурдан ўтаётиб, эълонни кўриб қолдим: эстрада концерти. Қани, эстрадаси қанақа бўларкан, деб чипта олдим.

Дастлаб кирганимга пушаймонлар едим. Қишлоқда дала, пода, трактордан бошқа нарсани кўрмаган ўспиринга саҳнани эгаллаб олган саккизта европача сурнай (трубада!) товуши ёқармиди!..

Лекин бир пайт...

Бир пайт саҳнага қорачадан келган, тим қора соchlари орқага силлиқ тараалган ёш йигит чиқди. Ботир Зокировнинг номини эшилтандиг-у, ўзини кўрганимиз йўқ эди. Ҳа-а... Ўзимиз қаторигина экан. Жуссасиям, кўринишиям, рангиям. Қоп-қора. Овозки... қанақалигини айтолмайман, эҳтимол, сурнайларнинг товушини ўчирмоқчи бўлган... сукунат овозидир?..

Бирпасда файласуфликдан асар ҳам қолмади. Ўша овознинг қулига айландим. Ҳақиқатан ҳам, энди сурнайлар шовқини қулоқни батанг қилмас, фақат ўша овоз бор эди, ўша овоз. Уммон ҳам эҳтиётсизлик қилиб чангалига тушиб қолган ҳабаш болани ютиб юбормаган, аксинча, ўзи унинг хизматида – ёввойи тўлқинлари майин мавжларга айланиб, уни кафтда олиб юргандай авайлар эди. Тавба, «ҳабаш бола» қаҳри биланми, меҳри биланми, ишқилиб, нимаси биландир ёввойи уммонни хонаки қилиб олганга ўхшайди!

Хуллас...

Хуллас, Ботир Зокиров пайдо бўлиши билан манзара бутунлай ўзгарди. Юқорида айтганим: сукунат шовқиннинг овозини ўчириди! Бундай тиник, бундай майин, бундай ёқимли, бундай дилбар, бундай... дардчил овозни эшитмаган эдим! Энди кўзимга сурнайчилар кўринмай ҳам қолди. Уларнинг ўрнида бир манзара пайдо бўлдики, тасаввурга сифдириш қийин! Тун. Ке-енг, ададсиз саҳро. Осмонда ой йўқ, юлдузлар бор, холос. Шунинг учун ҳам қоронғи. Майин, жуда майин шабада эсиб, қумларни секингина учириб турибди. Қумлар билан юмалаб учаетган нарсалар ҳам янтоқ, эмас, гул. Битта-битта бўлиб ўсган. Шабада майин тебранади-да, ўрнидан кўчиб, бошқа томонга учади.

Арабча қўшиқ эди бу.

Кейин...

Мен қандайдир кенгликларда, қандайдир мавжларда кўрдим ўзимни. Бу олам фақат менгагина мансуб эди. Бинобарин, зални тўлдириб ўтирган томошабиннинг ҳам ҳар бири ўзига мансуб оламни кашф этган эди.

Ботир Зокиров ҳадя этган эди бу оламларни...

Ботир Зокировни шу тариқа кашф этганман ҳамда бирданига суйиб қолиб, доимий мухлисига айланганман.

Ботир Зокиров ҳодисаси пайдо бўлганидан кейин бастакорлар, шоирлар унга жуда яхши қўшиқлар ёзиб бера бошлишди. Туроб Тўла, Султон Акбарий, Икром Акбаров у билан ҳамкорликни йўлга қўйишиди. «Газ-

ли», «Раъно» сингари кўплаб қўшиқ бугунги кунда ҳам мухлислари дилида, шогирдлари тилида янграб турибди.

Бир миллат вакили бошқа миллат санъатини ўхшатиши қийин, аммо Ботир Зокиров «Эй, сорбон»ни куйлаганида саҳро машаққатларини тортардингиз, фарангча қўшиғида армонларни унугиб, дикир-дикир сакрардингиз, «Ҳабиба»сида учқур тулпорга ўтириб олиб маъшуқани қувардингиз, «Маро бебус»да битта бўса сўраб қон йиглардингиз...

«Маро бебус»да куй, қўшиқ тутаганидан сўнг яна бир бор алоҳида «Маро бебус!» деб алоҳида нола қиласиди Ботир Зокиров. Бу нола ошиқнинг сўнгги нафаси эди...

Қўлимда унинг бир мактуби бор. Афсуски, менга эмас. Афсуски, Ботир Зокиров билан таниш эмас эдим. Мактуб дўсти, машҳур рассом Рўзи Чориев номига битилган. Мен Рўзи аканинг ижозати билан уни таржима қилиб, газетада чиқарганман. Ниҳоятда улкан меҳр, изтироблар билан битилган бу мактубда Ботир Зокировнинг яна бир, ниҳоятда инсоний қиёфаси намоён бўлади. Унинг дарди (юрак дарди) ҳам шу қадар мўллигига ҳайрон қоласиз. «Гапимга ишон, — дейди у бир ўринда, — бугунги тўқ, ҳаддан ташқари ҳисоб-китобли ва беғам замонда орзу билан яшайдиган, фидойи Мажнунлар у қадар кўп эмас. Мажнун Рўзи Чориевга нисбат берилиб айтилади».

Ўйлаб қолади киши. Машҳур артист бўлса, қаерга бормасин, давранинг тўрига чиқса, хуллас, эл-юрт ардоғида юрган одам

мана шу ардок, шон-шухрат уммонида маза қилиб сузив юраверса бўлмасмиди! Нима қиларди ҳамма нарсага жон куйдириб, ҳамма нарсага бошини қотириб!

Бўлмас эди!

У «шому саҳар тиним билмай дилини шарҳ» айлаган булбул эди!

Анча йиллар бурун бастакор Икром Акбаров телевизор экранидан: «Ботир Зокиров вафот эттанидан кейин қўшиқ ёзмай қўйдим...», деган эди. Бу гап менга битта шеър ато этган эди.

Кўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!
Кўшиқсиз одамнинг ҳоли не кечар?!
Кўшиқсиз оламнинг ҳоли не кечар?!
Шундай ҳам эзғилик, ахир бу ёзиқ,
Кўшиқсиз тириклик кафанин бичар!
Кўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

Үйғонсин десангиз янги тилаклар,
Улғайсин десангиз мурғак гўдаклар,
Чиниқсин десангиз заиф билаклар,
Юксалсин десангиз яна юраклар –
Кўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп қўшиқ ёзинг!

Кўшиқ керак, ахир, таранг торларга,
Кўшиқ керак, ахир, гўзал ёрларга,
Кўшиқ керак, ахир, ғамгусорларга,
Кўшиқ керак инсон номи борларга,

Күшиқ ёзинг устоз,
Күп күшиқ ёзинг!

Сўзингиз дилимни айлади вайрон,
Дилимни вайрону ақлимни ҳайрон!
Сўзингиз кўп ёмон, устоз, кўп ёмон!
Кўшиқ тугаган кун тугар-ку замон!
Кўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп кўшиқ ёзинг!

Сиз кўшиқни ҳамма жойдан топасиз,
Гулдан, ўйноқлаган сойдан топасиз,
Юлдузлар, тўлишган ойдан топасиз,
Аммо...

Барчасига тенг келар зотни –
Ботир Зокировни қайдан топасиз!
Кўшиқ ёзинг, устоз,
Кўп кўшиқ ёзинг!

...Ботир Зокиров орзусидаги бу кунларни кўрмади. Аммо миллионлаб мухлислари, халқи уни унугани йўқ. Ҳар йили унинг номи билан боғлиқ танлов ўтказилиши, бу танловлар унинг кўплаб муносиб шогирдларини юзага чиқараётгани шундан далолат. 2000 йил Мустақиллик байрами арафасида у Президентимиз Фармонига асосан бир қанча атоқли марҳум санъаткорлар қаторида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани ҳам шундан далолатdir. Бу орденни Ботир Зокировнинг миллионлаб мухлислари тақиб юради.

ФУРУРИМ ТОҒДАЙ ЮКСАЛДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ** шундай ҳикоя қиласи:

— 1 979 йилнинг июнь ойи. Озарбайжонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари давом этмоқда эди. Мухбир сифатида мен ҳам шу тантанада иштирок этганиман...

Бокунинг гавжум кўчаларидан бирида чорраҳада кўк чироқ ёнишини кутиб турардим. Йўл ҳаракатини бошқараётган милиционер менинг олдимга келди-да, сиз Ўзбекистонданмисиз, деб сўради. Шундай, деганимдан сўнг, декадага Ботир Зокиров ҳам келганми, деди. Мен у кишининг келганини айтдим. Бу гапдан бояги милиционер жуда севиниб кетди. «Ботир Зокиров қўшиқларини бир маза қилиб эшитарканмизда, энди. Иложи бўлса ўзи билан учрашиб, дастхат ёздириб оламан», деди.

Декада кунлари ўзбек адабиёти ва санъатининг вакиллари беш гуруҳга бўлиниб, Озарбайжоннинг туманларига чиқишиди. Уларга озарбайжонлик ҳамкаслар ҳамроҳ бўлишиди. Ана шу сафар давомида қайси корхона ёки хўжаликка бормайлик, қаерда учрашув бўлмасин, албатта, Ботир Зокировни қайта-қайта сўрашди. Шунда мен машҳур хонандамизни қардош озарбайжонлик қўшиқ санъати мухлислари ҳам жуда қаттиқ севишини, ҳурмат қилишини кўриб чексиз кувондим. Фуруrim тоғдай юксалди.

Аслида ҳам шундай эди. Ботир Зокировни фақат республикамизда эмас, бошқа кўплаб мамлакатларда қадрлашарди, унинг ашгулаларини барча миллат вакиллари берилиб тингларди. Зеро, у барча халқлар қўшиқларини bemalol куйлар эди-да.

Эсимда бор. 1977 йил апрель ойида Москвага борганимда Ботир Зокиров пойтахтда ижодий сафарда экан. Кўчаларда «Ботир Зокиров куйлайди» деган афишалар. Эътибор беринг: унинг ҳеч қандай унвони, қайси республика санъаткори эканлиги ёзилмаган. Шунинг ўзиёқ Ботир Зокиров деган ном, бу хонанда ҳамма учун бирдай таниш, бир хилда қадрли эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўша кунлари мен Москванинг «Байкал» меҳмонхонасига тушган эдим. Бир куни оқшом меҳмонхона вестибиюлида уч-тўрт йигит-қизнинг ўзаро сухбати тасодифан қулоғимга чалинди. Улар «Ҳозир Москвада Ботир Зокировнинг концерти кетяпти. Шу концертга қандай қилиб билет топсак экан», деб мунозара қилишарди. Очифи, жуда ҳаяжонланиб, фурурланиб кетдим. Одобсизлик бўлса-да, уларнинг сухбатига қўшилиб, қаердан келишганини сўрадим. Йигит-қизлар Молдавиядан келишган экан. «Мен Ботир Зокировнинг ҳамشاҳариман», дедим фурур билан. Ишонасизми, улар: «Бизни Ботир Зокиров билан танишириб қўйинг», деб туриб олишди. «Бу иш қўлимдан келадими-йўқми – билмадим. Аммо унинг укаси билан танишириб қўйишим мумкин», дедим. (Шу пайтда собиқ Ҳамза номидаги академик дра-

ма театримиз ҳам Москвада гастролда, жамоа орасида Ботир Зокировнинг укаси Жамшид Зокиров ва унинг рафиқаси Гавҳар Зокирова ҳам бор эди). Бу таклифимдан молдавиялик йигит-қизлар севиниб кетишди. Шунда юрагим яна ҳам ҳаяжонга тўлди, шундай санъаткоримиз борлигидан ич-ичимииздан суюндин. Айни вақтда бир нарса хаёлимга келиб кўнглим бироз ранжиди. Ўзимизда, яъни Тошкентда ёки республикамизнинг бошқа шаҳарларида Ботир Зокиров концерт берса, ҳар доим одамлар шундай ёпирилиб киришармиди? Ботир Зокиров кепти, деб ҳаяжон билан билет қидириб юришармиди? Умуман, биз шу санъаткорнинг тўлалигича қадрига ета олдикми? Ахир у туғма талант эди-ку!.. Чет элдан бирон-бир хонанда келса бас – билет топиш амримаҳол. Унинг савияси қандай, овози қанақа – бунинг аҳамияти йўқ, чет элликми – гап тамом. Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ, деган доно мақол эсга тушади шундай кезларда. Ўшандай «санъат мухлислари» менга ўз ота-онасини ҳурмат қилмайдиган, аммо давраларда, сұхбатларда ота-онанинг қадри, уларни ҳурмат қилиш лозимлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапирадиган ноқобил фарзандларни эслатади. Зотан, ҳар қандай ватанпарварлик оиласдан, киндик қони тўкилган хонадондан бошлиниди... Чет эл эстрадасини, умуман хорижий халқлар санъатини ҳурмат қилиш, эшитиш яхши, аммо ўзимизнинг санъатни, санъаткорларни эсдан чиқармайлик.

Ботир Зокировнинг номи ҳам, у куйлаған қўшиқлар ҳам, у яраттан асарлар ҳам бокийдир. Чунки у бизнинг фахримиз эди, шундай бўлиб қолажак.

Санъатшунос Анвар ИНОҚОВ сўзлаб берган хотира:

— Ботир ака билан 1957 йилнинг июль ойида Москвада ўтказилган VI жаҳон Ёшли фестивалида қатнашганмиз. Ўша тадбирда ilk бор Раж Капур ва Наргисни кўришга муяссар бўлганмиз. Ўшанда арман, грузин, озарбайжон, туркман, тожик санъаткорлари Ботир Зокировнинг қўшиқда ҳам, рақсда ҳам қойилмақом ижросини кўриб, тан беришган эди. Эртасига хушхабарни эшишиб, ўзимизни қўярга жой тополмадик: Ботир Зокиров VI жаҳон фестивалининг совриндори бўлиби! Ҳаммамиз уни қучоқ очиб табриклидик...

Орадан бир кун ўтиб, фестиваль концерт дастурида иккита доирада чиқиш қилиш менга ҳам насиб этди. Кечга яқин мени VI жаҳон фестивалининг лауреатлиги билан табриклашди. Фестиваль якунида ғолибларга олтин медаль топширилди. Кейин Ботир ака бошчилигига «Ўзбекистон» ресторанига бориб, мукофотни «ювдик». Шу-шу Ботир ака билан ака-ука бўлиб, дўстлашиб кетдик. Ўшанда мен Тошкентдаги Ҳамза мусиқа билим юртининг рубоб факультетида ўқирдим. Ботир ака эса консерваториянинг вокал факультетида таҳсил олиши билан бирга Ўзбек давлат эстрада оркестри-

да яккахон қўшиқчи бўлиб ишларди. Ўқиши баробарида кечқурунлари концертларда ҳам қатнашарди.

1958 йилнинг декабрь ойи ўрталарида иккаламиз сухбатлашиб қолдик.

— Ўқиши тутатиб, қаерда ишлайсан, — деб қолди Ботир ака.

— Консерваторияда, — жавоб бердим.

— Оркестримизда доирачи штати бор, маоши 120 сўм. Ўқиб, концертларда ҳам қатнашиб турсанг, яхши бўларди. Бизга шунаقا доирачи керак, — деди.

1959 йилнинг февраль ойи ўрталарида Москвада «Ўзбек санъати ва адабиёти» декадаси ўтказилиши олдидан тайёргарликни бошлаб юбордик. Эстрада оркестрида Ян Френкель, Альберт Малахов каби бастакорлар фаолият юритишарди. Ян Френкель ажойиб аранжировкачи эди. У машҳур араб бастакори Фарид ал-Атрошнинг «Араб тангос»ини қайта ишлагач, Ботир ака уни маромига етказиб ижро этди.

Декадага жўнашимизга бир ҳафта қолганида эстрада дастурини бошидан охиригача кўриш учун бадий кенгаш аъзолари қатнашди. Дастурга ўша йилларда халқ орасида ном таратган буюк ҳофизлар: Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаровлар ҳам келишган экан.

Концерт қиёмида ўтди. Энг охирида бошловчи «энди Ботир Зокиров ижросида янги қўшиқ — «Арабча танго», деб эълон қилди. Ботир Зокиров арабча кийимда

қўшиқни шунчалик маҳорат билан куйлади-
ки, ўтирганлар лол қолищди. Томошабинлар
«браво, браво!» деб олқишлишарди.

Москвадаги «Ўзбек санъати ва адабиёти»
декадаси муваффакиятли ўтди. «Араб тан-
госи» москваликларни ҳам лол қолдирган
эди. Кейинчалик бу қўшиқ хонанда репер-
туарининг муқаддимаси бўлиб қолди. Қўшиқ
номи билан минглаб нусхаларда пластинка-
лар чиқарилди.

Декададан қайтгач, оркестр бадий
раҳбари ва дирижёри Альберт Малахов
тўсатдан вафот этди. Унинг бевақт ўлими
Ботирни қаттиқ изтиробга солди. Оркестрга
раҳбарлик қилиш унинг зиммасига тушди.
Бу эса ортиқча юк эди. Ахир, Ботир Зо-
киров қўшиқ айтиш, ижод қилиш ҳақида
ўйлайдими ёки ташкилотчилик қиласидими?

Қисқа вакт ичида оркестр Россия бўйлаб
шухрат қозонди. У Ленинград, Москва ша-
ҳарларида кетма-кет концерт берди. Чипта-
лар икки-уч ҳафта олдин сотиларди.

«Ботир Зокиров зўр кайфият билан Тош-
кентга қайтарди. Аммо нур бор жойда соя
ҳам бўлганидек, ўзимизда оркестр «душман-
лари» пайдо бўлди. Улар турли баҳоналар
билан оркестр фаолиятини ерга уришга кўп
бор уриндилар. Ўша пайтда Маданият вазир-
лигидағи айrim раҳбарлар Ботирнинг кон-
церт репертуарини тасдиқламай, уни кўп
қийнашган. Турли ташкилотларга югуртира-
вериб, овора қилишган. Оқибатда касаллик

уни операция столига ётқизди», деб эслайди машҳур бастакор Энмарк Салихов.

Қизик, дунё халқлари унинг дастурларини орзиқиб кутар, бу ёқда эса ўзгача аҳвол эди. Қаёққа борма, «Яго»лар бор, «Қоработир»лар пешанангдан никтаб турди, оёғингдан чалиб йикитиб, ҳузур-ҳаловат олишади...

Орадан 2-3 йил ўтди. Ўзбек давлат эстрада оркестри Қори Ёқубов номидаги филармонияга қўшилди. Ботир ака билан тез-тез кўришадиган бўлдик. Чунки мен филармонияга ишга кирган эдим. Ботир ака «Мюзик-холл» ансамбли ташкил қилганди. Концертларда «Яла» ансамбли жўрлигида қўшиқ айтиб, гастролларга чиқарди. Нима қилсин, бошқа чора йўқ. Яхшиям баҳтига укаси Фаррухнинг «Яла» ансамбли бор экан.

Бу орада Ботир ака билан кўп сухбатлашдик, ҳасратлашдик. Қанақа расм чизганини, шеърлару ҳикояларини таржима қилиб, радиога олиб борганини завққа тўлиб гапириб берарди. Кейинчалик Ботир ака яна оғир касаллик билан курашди. Чунки раҳбарлар у ишонган «Мюзик-холл»ни тарқатиб юборишган эди. Кимсан, бутун дунёга донғи кетган Ботир Зокировни ишсиз қолдиришди. Франция халқини ўз овози билан ром этган буюк қўшиқчини-я?!

«ХҮ-Ү, ҮША ОЛИС КЕЧА...»

Хужжатли-бадиий фильмга диктор сүзи

I манзара.

Mонг отмоқда. Ажойиб тонг. Энг бахтиёр тонг отмоқда.

Қуёшнинг борлиги баҳт, айникса, орзиқиб кутсанг-да, айни тонг отиш лаҳзаларида қуёшни томоша қилсанг.

Ана, тонг отди – беғубор самода илиққина кун күринди.

Ҳатто тун ҳам ажойиб тонг отаёттанини дараклаганди. Бу тун болалик тунларимга – орзу ва умид манзараларидан бунёд бўлган ғаройиб эртакларга лиммо-лим энг тотли тунларга ўхшайди.

Ўтмишнинг самовий баҳтли манзаралари ўрнини ҳозирги ва келажак шодумонлиги эгаллади. Қайта жонланган эртаклар осмоннинг серюлдуз сатҳида суза бошлади. Фалакни бундайин гўзал ва жозибали кўрмаган эдим...

Манзарани мен ёки менинг қўлларим эмас, йўқ, менинг қувончларим, қалбим, баҳтим-иқболим чизган, чизилган манзара сукут сақлагани учун эмас, аксинча, куйлаёттани, қувончларга тўла оламга таралгудек куйлаёттани учун ҳам янада гўзал...

II манзара.

Байрамлар изидан кунлар ўтиб бормоқда, шу боис кун ўтаёттани сезилмайди. Бугун якшанба, ғалати кутиш ҳисси чулғаб олди: эрталабдан кимнидир ва ниманидир кутяпман.

Эҳтимол, баъзан шундай ҳолатта тушиш ҳам керакдир.

Фақат... очиини айтсам, бугун ёлғиз қолгим келяпти. Лекин бугунги кун бошқа кунларга асло ўхшамайди. Энг эзгу ниятларга умид борлайман.

III манзара.

Сира тушунолмаяпман. Қаңдай ҳодиса юз бериши мумкин? Қачон юз беради? Бу қадар калондимоғлик, бундайин кибру ҳаво қаёқдан пайдо бўлди? Нимага керак бу, ўзи? Бурунги самимийлигим, содда-беғуборлигим қайларда қолди? Қаёққа ғойиб бўлди улар?

Ахир кеча, ҳў-ў ўша олис кеча мен а-анчагина ёш, навқиро-он, жуда-жуда гўдак эдим-ку. Кейин, ўша пайтлар ҳамма нарса бошқача эди. Мен ўзим билан ўзим овора эдим, бири-биридан ажойиб одамлар орасида яшар эдим. Кў-ўп нарсага ақлим етди, ўқиди-им, тушунди-им, ишлади-им.

Ҳа, ҳў-ў ўша олис кеча мутлақо бошқа одам эдим...

«Оқсоқ муҳаббат» қўшиғи берилади (рус тилида).

IV манзара.

Сурат чизишга қизиқиб кетдим.

Хаёлим ўшангага кетганини сезаман кўпинча. Ҳар сафар навбатдаги суратни чизиб битирганимда кўз ўнгимда кеча ўзим кўрмаган, пайқамаган ғоятда нозик, бағоят нағис янги бир нарсани илғайман. Назаримда, бутун борлиқ чунонам гўзаллашади

ва жозибали күринади. Лекин пайқамаган, илғамаган нарсамни ҳозирча ҳис қиласан, холос, ҳали уни тұла-тұқис, аниқ-тиниқ күра олмайман, яғни тұла ишонч ҳосил қилмай туриб, чамалаб, тусмоллаб күраман, шу боис ҳар бир янги тасвир аввалгисига қараганда күпроқ лаззат бахш этади.

Гоҳида күзимни шундок юмаман-у, тор ва эгри-буғри жин күчалар туташиб-чалмашиб кеттән маҳалламизга қочади хаёл. Маҳалламизни хаёлан кезганим-кезган, шунда оқшомлари күчаларға сув сепилғанда күтариладиган ҳовур иси димогимга уради. Ушбу манзарани, албатта, чизаман, чизишим керак.

«Хеч ким айбдор эмас» құшиғи берилади (ўзбек тилида).

V манзара.

Бу – нима?.. Нимадан қочдим?! – Ўзимга қараб қочдимми? Қаёққа қараб? Нега қочдим?

Ўзим томонға қочдим. Нихоят, англадим! –
Ўзимдан қочибман!

Ўзимдан ташқарида қандай яхши ва ёқимли бирор нарса орттирудим?

Етти ёт мулоҳазалар, жанжал-можаролар, рийбатлар бари бир-бирига үхшайдими?

VI манзара.

Қадимда яшаб ўтган одамлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи китобларни ўқиб ўтириб, ўйға толаман, илгариги ва ҳозирги одамлар орасыда фарқ күрмайман.

Хеч вақо ўзгармаган. Улар ҳам ҳозирги одамлардай.

«Инсон! Инсон!» — Горький шундай дабдаба билан хитоб қилган.

Бу сўзларни ўқийсан-у, китобни бир чеккага қўйгач, инсон бу қадар дабдабали кўринмайди ҳам, у қадар нурли чамбарак орасида тасвирланган хилқатга ҳам ўхшамайди.

Инсон! Сичқон ҳам, каламуш ҳам шу ерда — одамзоднинг минг бир уруғи ҳозиру нозир.

Негадир санъатга даҳлдор одамларга мойиллигим айтарли кучли эмас, ҳаётларини санъатга «бахшида» қиласидилар-у, ўзлари илҳом қувончи-саодатидан бебаҳра бўладилар. Бу — ўлим.

Лекин чорасиз қолган пайтларда ишонч-эътиқод ва ирода кучи билан кулишга, жилмайишга қурби етадиган одамлар бор-ку.

Бор, мен бу тоифа одамларни биламан.

Ана шундай хилма-хил, ноёб, одамови, ғалати кишилар — гоҳида ундейларни кузатиб, улардан ҳайратланишга, уларни кўриб мириқиб кулишга, ҳайрону лол қолишга, уларга ҳамдардлик кўзи билан қарашга улгурмайман.

Лекин... нега? Нега энди айни ҳаммаси бошланган ва қанчадан-қанча қўшиқларимни тортиб олган собиқ оғриқларим, дардларим унутилган бир дамда, ниҳоят, эндинигина қанот ёзиб, ўзимни янгилагандек ва ақли расо одамлардек ҳис қилиб салгина чирқиллаб товуш чиқарганимда, хуллас, кў-ўп жиҳатдан

балоғатта етиб сүякларим қота бошлаганида – ана шундай бир пайтда. Тұхта... ва Яна..

Яна – энди бурунгисига үхшатмаган мутлақо бошқача тұхташ.

Яна – ҳар тонг манинг шу ерда эканимни лаңза сайин эслатиб тургувчи, оламни безор қилиб юборадиган «Оғрияпти» ёхуд «Жонга тегди» деган сўзлар билан ифодаланадиган Яна. Бундан халос бўлишнинг яккаю ягона чораси бор, холос – сиқилма, ўзингни қўлга ол... Ҳадеганда ўзингни қўлга олавериш ҳам осон эмас – қўл толиб кетади, ахир!

НАТУРА

Ичкарида – «зимистон»да қандай ҳодисалар, ўзгаришлар рўй бераёттанидан бехабарман, нуқул рентген нурларини кутаман. Мудом кенг ва узу-ун форда кетаёттандек ҳис қиласман ўзимни – нур кўринган томонга юришдан тұхтамайман. Бу нур тўғ-ғри ва ёп-ёруг йўл бўлиши мумкин – айни вақтда тубсиз жарлик узра ярақлаб кўринаёттан чироқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Гоҳида чаппор уриб гуллаган даламга, гуллар ва ўт-ўланлар оралаб ястанган нарсага үхшайди, юқоридан уни пайқаш қийин. Қуёш нури бир текисда терилган бепоё-ён майдон ва ўша нарса оёғимга қадалгунига қадар юриб боравераман. Бу гўзал майдонни тиккасига кесиб ўтишга куч топарман, майдоннинг нариги чеккасига етарман, оёғимга қадалмаган тиканаклар жойида қолган кўйи чириб йўқ бўлиб кетар. Муқаррар, худди

шундай бўлмоғи керак. Шундай бўлади ҳам.

Бироқ кўксингни тў-ўлдириб нафас олиш ва жамики гўзалликдан баҳра олиб майдондан эсон-омон ўтиш учун фурсат керак ҳамда ошиқмай, ҳовлиқмай қадам олмоқ зарур.

Яна қанча йўл юраман, бу ёғи менга қоронғи.

«Ўлич» қўшиғи берилади (форс тилига).

VII манзара.

Қандай янгилик бор? Ҳеч қандай. Димогим чоғ, баҳтиёрман. Айниқса, мияга ҳеч нарса кирмаяпти. Кирмаса-кирмас! Ўзимнинг орзу-умидларим ва хаёлларимдан ўтиб ҳеч қандай китобчалар, ҳеч қандай «даҳо»лар на қалбимни, на-да хаёлларимни тўлқинлантира, ҳаяжонлантира олмаяпти. Кайфиятим дуруст, «ҳушёр тортганимдан» хурсандман. Бутун вужудимни забт этган хотиржамлик бориб турган ялқовликка айланди. Ҳеч нарсага қўл бормайди: хаёл суриш ҳам малол, ўқиш, ёзишга ҳам эринасан. Аъзои баданим ва бутун вужудим момик пахтага, осойишталик ва яна бир карра осойишталик пар тўшагига ботиб кеттан.

Бироқ, турган гап, бу – ҳамма-ҳаммаси нисбатан олганда шундай, ўйлаяпман ҳам, ўқияпман ҳам, ишляяпман ҳам.

Менинг кайфиятимни тушуниб етишингизга ёки унга кўнишингизга тўғри келади ва бемаъни кайфиятни одам ўзини ёмон ҳис қилишидан фарқлай билишингиз

керак бўлади. Ҳаёт севинчу қувончларга тўла бўлгани билан қувончдан баҳра ола-вермайди ҳар ким, шундан, мен бундай хушчақчақлиқдан қўрқаман.

«Араб тангоси» қўшиғи берилади (араб тилида).

VII манзара.

Бир замонлар парвоз этган ва кайфиятим аъло бўлган пайтларим ажойиб эртак эшиитгандим... – Худойим-ей, эртак тинглаб қанчалик роҳатлангандим-а! Болалик кезларим Андерсенning «Булбуллар» ёки «Иркит ўрдакча» эртакларини тинглаганимда шу қадар тотли ва ғаройиб ҳис-туйгуларим жунбишга келган, азбаройи кўзимдан ёш тирқираб чиқиб кеттан ва барча орзуларим ва умидларим шу қадар менга яқин келгандиларки, мен уларни шундоққина ёнгинамда қаторлашиб турганини кўрганман, пайқаганман...

«Кичик шаҳзода» эртаги эди у.

Бу эртакни қачондир, албатта, чизаман.

Эҳ-ҳе-е, қанча-қанча режаларим, мўлжаллаган ишларим борлигини билсаларингиз эди!

Бироқ вақт-соатим келади – муқаррар келади.

Ана ўшанда кўрамиз нима бўлишини?!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
таржимаси

«ХАЁЛИМНИНГ ЗЕБО ЧЕЧАГИ»

— **Ҳ**аммамиз буюк санъаткор Ботир Зокиров томонидан маромига етказиб куйланган «Араб тангоси» қўшиғини тинглаганмиз. Бу қўшиқ ўзининг сирли жозибаси, соҳир оҳанглари билан ҳар қандай тингловчини ўзига асир эта олади, — деб ҳикоя қиласи Иқбол Ҳумоюн. — Бу қўшиқни гўдаклик чофимда эшитганим учунми, ҳар гал уни буюк санъаткоримиз ижросида тинглаганимда болалик хотирам хаёлимда жонланарди. Ўша пайлари бу қўшиқнинг маъносини билишни жуда-жуда истардим. Шу қўшиқ туфайли, эҳтимол, менда араб тилига қизиқиши уйғонгандир. Орадан йиллар ўтиб, озми-кўпми тил ўргандим, аммо шунда ҳам қўшиқнинг маъносини тўла-тўкис англай олмадим.

Яқинда интернет нашрларини титкилаб, ушбу қўшиқнинг яратилиш тарихи билан қизикдим. Анча-мунча маълумот тўпланди.

Қўшиқнинг араб тилидаги илк мисраси «Йа заҳратан фий хайалий» яъни «эй менинг хаёлимдаги гул», деб номланади. Бу қўшиқ илк бор Миср киноусталари томонидан 1947 йил суратга олинган «Ҳабибал-ъумр» — «Ҳаётим севгиси» фильмида куйланган. Қўшиқ муаллифи таниқли араб бастакори ва хонандаси Фарид ал-Атрошдир.

Дастлаб қўшиқ муаллифи ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсак. Фарид ал-Атрош XX асрнинг бошларида Суриядаги ас-Суайд сultonлиги оиласида туғилган. 1920 йил-

да мамлакат французлар томонидан истило қилингач, султон үз оиласи билан Мисрга күчиб ўтади.

Фариғдинг онаси мусиқа сирларидан яхши хабардор бўлиб, уд, арғанун сингари созларни маҳорат билан чаларди. Шу боис Фариғ ҳам мусиқага меҳр қўйиб ўсди. У 1941 йилда илк бор синглиси билан бир кинофильмда суратга тушган. Унга «Ҳаётта муҳаббат» (1947) фильмидаги бош қаҳрамон образи ва унинг ўзи ижро этган «Ҳаёлманинг зебо чечаги» қўшифи катта шуҳрат келтириди. Айтиш жоизки, ушбу шеърнинг муалифи ҳам, бастакори ҳам, илк ижрочиси ҳам Фариғдинг ўзиdir.

Кейинчалик ушбу қўшиқни рус тилида ҳам бир неча бор куйлашган. Жумладан, Николай Никитский ижросидаги «За все тебе спасибо» қўшифи ҳам ўз мухлисларини топа олган. Бироқ, Н. Доризо қаламига мансуб рус тилидаги ушбу қўшиқ сўзлари мутлақо бошқача мазмунга эга.

Бироқ ушбу қўшиқнинг Ботир Зокиров томонидан қайта сайқалланиб, ижро этилиши тангога иккинчи ҳаётни бахш этди. Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, қўшиқ тилдан-тилга ўтиб, ҳамон минглаб қалбларни асир этаётир.

Албатта, Ботир Зокиров қўшиқни эшигиб ёд олган ва куйлаган бўлиши мумкин. Чунки, аслият билан солиштирганда анча тафовутлар кўзга ташланди. Ушбу қўшиқ матнини сўзма-сўз таржима қилишга қурбим етмаган бўлса-да, қўшиқнинг умумий мазмунидан

келиб чиққан ҳолда, уни ушбу мисраларга жойладик. Камчиликлари бўлса, тингловчилардан узр сўраб қоламиз.

Йа заҳратан фий хайалий

Йа заҳратан фий хайалий,
Ройатуҳа фий фуадий,
Йа заҳратан фий хайалий,
Ройатуҳа фий фуадий,
Жанат ъалаиҳа-майалий.
Ва азбалатҳа л-айадий.
Ваш шағалатҳа-лъуйун,
Фамата сиҳрал-жуфун.
Йа ғарамий, куллу шайъин даъ минний.
Фаназаътул ҳубба мин қалбий ва руҳий.
Ва ваҳабтул ъумра автари ва лаҳний,
Ва тағанаиту фа давайту журуҳий.
Ана тайрун фий руббал фанн юғаний,
Литтуюр, лиззухур, фил-ғусун!

* * *

Хаёлимнинг зебо чечаги,
Юрагимнинг соҳибасисан,
Тунларимнинг жаннатий иси,
Кунларимнинг жозибасисан.
Кўзлар сенга боғланган онда,
Жой олганди хаёлинг жонда.
Борлиғимни олдинг қўлимдан,
Жону дилда ишқинг мужассам.
Хуш овозинг эшишган онда,
Шифо топди жароҳатлар ҳам.
Мен боғингда нолон қуш бўлиб,
Васфинг куйлай илҳомга тўлиб.

Барча гулар, қушлар албатта,
Тинглаб мени, қолсın ҳайратда.

САМОВИЙ ҚҰШИК

Матаристон Республикаси Набережная Челни масканидан Ўзбекистонга келган шоир, рассом ва самовий мұъжизалар соҳибаси **ГЕЛФЕНИДА** хоним билан бўлган сұхбатдан:

— Гелфенида хоним, аввал туғилган жойингиз, ўзингиз ҳақингизда қисқача сўзлаб берсангиз.

— Мен ҳозир Челнида яшасам-да, ўзим Ақтанишданман. Ақтанишнинг Кормат деган овулида туғилганман. Қирлар, адиrlар бағрида тўрғайлар овозидан сархуш бўлиб ўсдим. Болалиқдан табиатга меҳр қўйиб, унинг гўзаллигига мафтун бўлиб, шеърлар битардим. Ана шундай илҳом келган дақиқаларда мен инсонларни кузатиб турувчи «олий куч»лар борлигига ишонардим, ўзим ҳам шуларнинг таъсирида расм чизиб, шеърлар ёза бошлаганимга амин бўлганман.

— Айтинг-чи, аввал шеър ёзганмисиз ёки расм чизганмисиз?

— Шеърлар ёзиш, расмлар чизиш иштиёқи ҳам бир вақтнинг ўзида туғилаверарди. Расм чизиш жараёнида менга нуқталарни жойлаштириш кўрсатиларди. Кейин уларни чизиклар тортиб, бирлаштириш ҳам «олий кучлар» томонидан амалга оширилаётгандек туюларди.

— Сиз рассомликка ўқимаганми дингиз?

— Йўқ. Хаёлимга ҳам келмаганди. Билимим ўрта мактаб кўламида, олий маълумотта эга бўлмасам-да, билимларимни оширишга кўп ҳаракат қиласдим.

— Сиз айтиётган «олий кучлар» билан танишувингиз қандай ҳолатда кечди?

— Гапни узоқдан бошлишга тўғри келади. Перм шаҳрида бўлган вақтимда шаҳар бозоридаги дўконлардан бирида қўшиқ ёзилган қарта (пластинка) овозини эшишиб қолдим. Эшиздим-у, сеҳрлангандек турган жойимда донг қотдим. Бир пайт ўзимни ҳавода муаллақ тургандек ҳис этдим, кейин тепага кўтарила бошладим. Воажаб, мен бозорнинг қоқ ўртасида ҳайкалдек қотиб қолган ўз вужудимни тепадан кўриб турадим...

...Осмонга қарадим, булутлар орасини ёриб чиқсан иккита учар жисмга кўзим тушди. Улар кутилмаганда бир-бирларига қўшилиб кетдилар. Ўткир нурдан кўзларим қамашиб қолди. Бу дақиқалар қанча давом эттанини билмайман. Кейин ўзимга келсам, бозорда кўчанинг ўртасида турибман. Дўконга кириб, ҳалиги қўшиқ ёзилган, таъбир жоиз бўлса самовий қўшиқ битилган қартани сотиб олдим. Бу Ботир Зокиров қўшиқлари жамланган қарта эди.

Шундан бери унинг овозини фойибдан эшигадиган бўлдим. Бу ниҳоятда сирли овоз эди. Уни эшигтаман дейишим ҳам тўғри келмас. Ботирнинг қўшиқлари қалбимга, шууримга ўз-ўзидан қуилиб келаверарди. Назаримда, у тириклик чоғида куйлаганида ҳам

олий күчлар мадад беріб турғанга үхшайды.

— Кечирасиз, Гелфенида хоним, мұлоқот өнімдегі сиз унинг үзини ҳам күрасизми?

— Қиёфасини күрмайман-у, шакл-шамо-йили күз үнгімдә гавдаланаверади. У билан мұлоқотимиз баъзан менинг истак-хөшишимга қараб, баъзан кутилмаганды содир бўлади. Қачонки тобим қочса ёки бирон нарсадан қаттиқ хафа бўлсам, Ботирнинг қўшиқларини тинглайман. Шунда хафагарчилик тарқалиб, вужудимга самовий қувват қуялаёттанини ҳис этиб тураман.

(«Қалб кўзи» газетаси, 1994 йил,
сентябрь)

ШАББОДАДАЙ ЎТГАН УМР

Машҳур хонанда, ўзбек миллий эстрада қўшиқчилик санъати асосчиси Ботир Зокировни бешафқат ўлим 49 ёшида орамиздан олиб кетди. Ҳатто 50 йиллик тўйини кўриш унга насиб этмади. Аслида, бу тўйга санъаткорнинг ўзи жиддий тайёргарлик кўраётган, энг сара қўшиқларидан дастур тайёрлаб, саҳнага чиқмоқчи, ўзи чизган энг ажойиб картиналарни жамлаб, шахсий кўргазмасини очмоқчи эди. Бўлмади. Машҳур шоир Юнус Эмро айтганидек:

*Келди, кечди умрим менинг
Бир шаббода елган каби.
Келди, кечди пайқамадим,
Бир кўз очиб юмган каби.*

Лекин ана шу «кўз очиб юмган» лаҳзада у ўз қўшиқлари билан тингловчилар қалбини забт этди. Эстрада санъати осмонида юлдуз бўлиб порлади. Ва юлдузлар осмонида мангу қолди. Ҳали рўёбга чиқмаган орзуларини, ушалмаган армонларини, айтилмаган қўшиқларини, чизишга улгурмаган манзараларини, одамларга бўлган чексиз самимиятини Ботир Зокиров ўзи билан олиб кетди. Энди у кишидан дилбар қўшиқлар, рангларда акс этган гўзал манзаралар, қалбларда изтироблар билан йўғрилган ширин хотиралар қолди.

Ўзбекистон ҳалқ рассоми Алишер МИРЗАЕВ шундай ҳикоя қиласи:

— Бу воқеага салкам чорак аср бўляпти. Ўшанда мен машҳур рассом, марҳум дўстим Шуҳрат Абдурашидов билан Москвада Суриков номидаги рассомлик институтида ўқир эдик. Мусофири юртда бошдан ҳар хил ҳангомалар ўтар экан. Иссик бўлса, совуқ йўқ, совуқ бўлса, иссиқ йўқ, ишқилиб, амаллаб ўқиб, яшаб юрибмиз. Ҳаётимиз дарвешларни кига ўхшайди. Топганда еймиз, ичамиз, йўғига қаноат қиласиз. Талабалик аслида ҳаммасига сабр-қаноат қилишдир.

Ана шундай армонли кунларнинг бирида кутилмагандага Ўзбекистонга қайтгимиз келиб қолди. Юртга қайтиб, Сирдарёда пахта тераётган собиқ курсдошларимизнинг ёнига боргимиз келди. Тўғриси, уларни жуда-жуда соғинган эдик. Ана шу соғинч туйғулари бизга тинчлик бермай, оҳанрабо

каби Ўзбекистонга тортаверди. Энди, четта чиққан ўзбек дарров үз юртини соғиниб қолади. Ватан тупроғи кўзига тўтиё бўлиб кўринади. Ўзбекистон – Ўзбекистон-да!

1970 йилнинг 2 ноябрь куни Шуҳрат билан Ўзбекистонга кетиш иштиёқида Москванинг «Домодедово» аэропортига бордик. Одам кўп, патта йўқ. Бунинг устига инқилоб байрами арафаси. Нима қилишимизни билмай, гарангсиб аэропортда юрганимизда Ботир Зокировни кўриб қолдик. Олдиндан танишлигимиз борлиги учун, дарҳол ҳолаҳвол сўрашдик. Ботир ака ниҳоятда дилкаш ва самимий инсон эди. Ўқишимизни, шароитимизни суриштириди. Гап орасида дилдаги муддаомизни ҳам айтдик.

– Парво қилманглар, йигитлар. Худо хоҳласа, сизларни, албатта, Тошкентга олиб кетамиз, – деди Ботир ака далда бериб. Кўнглимиз кўтарилиб, ташвишимиз аригандек бўлди. Атрофдагилар Ботир Зокировга ҳаяжон билан қараб туришарди. Бирбирларига шивирлаб, имо қилиб Ботир акани кўрсатишарди.

Орада Ботир ака қаёққадир бориб келди. Сўнг иккаламизни чакириб, стюардессалар ва назоратчилар ўтирадиган хонага бошлаб кирди. Хона тўла қизлар, аёллар. Дарҳол чумчуқдек чуғурлашиб, Ботир акани ўраб олишди. Бирори савол беради, бирори қофоз тутиб, дастхат ёзиб беришни илтимос қиласи, яна бирори қўшиқ айтиб беринг, дейди. Ботир ака уларга бизларни

таништириди: «Мой лучший гитарист Алишер и мой лучший пианист Шухрат!». Иккаламиз ҳам бош қимирлатиб, у кишининг гапларини тасдиқладик. Ботир ака таништириш жараёнида бизларнинг зудлик билан учишимиз лозимлигини, лекин паттамиз йўқлигини жуда нозиклик билан қистириб ўтди. Улардан биттаси ёрдам қилишини айтди. Шухрат билан иккаламиз хурсанд бўлиб бир-биrimизга қарадик. Қизлар бизларни кофе билан меҳмон қилди. Хуллас, уларнинг ёрдами билан «ИЛ-18» самолётида Москва-дан Тошкентга учдик. Йўлда Ботир ака қизиқ ҳангомалар, латифалар айтиб бериб, ҳаммазни кулдириб келди.

Самолёт Тошкентга омон-эсон қўнганидан сўнг Ботир ака ансамблдагиларга рухсат бериб, бизларни таксида «Самарқанд» автостанциясига олиб келди. Патта олиб бериб, Сирдарё автобусига ўтқазиб, хайрлашди. «Дўстларингизга мендан салом айтинглар», деб қайта-қайта тайинлади. Биз ҳам у кишига раҳмат айтиб, ўша куни дўстларимизнинг дийдорига тўйганмиз.

Ботир Зокиров ана шундай ҳаммага яхшилик қилиб юрадиган, самимий ва оқибатли инсон эди. У кишининг ўлимини эшитиб, худди ўз акам оламдан ўтгандек қайфурганман. Афсуски, Ботир акадек бебаҳо инсон ва беназир санъаткор ҳаётта бир марта келади.

«ЛАЙЛИ ИШҚИН ТАНАМДА ЖОН ҚИЛ»

«Салом, азизим, салом, бебаҳо қўшифим!
Ҳаётимнинг ёрқин юлдузи!

Менга етолмаганингдек, сенга ҳам энди
етолмаслигим аниқ. Тақдир бизни шун-
дай Тоҳир-Зуҳра қилиб яратган экан. На-
чора? Сенинг бетоблигингни эшитиб, мен
ҳам оғир касал бўлиб қолдим. Агар бошим-
ни кўтаролсам, ёнингта қушдек учаман. Ҳар
сония пластинкангни қўйиб, юрак-бағрим
сел бўлиб, дарё бўлиб эшитаман. Ҳозир ҳам
ёниб «Мажнун монологи»ни чинакам Маж-
нундек куйлаяпсан. Менинг Мажнуним!..

*...Аё ҳакими доно
Ҳар ҳукмда ҳокиму тавоно!..
Дерлар манга: «Ишқни унугтишл,
Лайли ғамидин канора тутғил».
Олмоҳ-олмоҳ, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмға тангри узр қилғай.
Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил...*

Оҳ, қанийди, қон бўлиб томирларинг-
да оқиб юрсам, нола бўлиб бўғзингда чарх
урсам, малҳам бўлиб дардингни олсам? Ар-
моним йўқ эди!.. Ҳатто шу жонимни Сенга
бахшида этишга ҳамиша тайёрман!..

Бир неча марта концертларингга кирдим.
Сени кўрдим, овозингни эшитдим дегун-
ча эс-ҳушимдан ажралиб, ўзимни батамом

унутаман. Мен ҳар гал концертдан ҳүшсиз, қалбсиз ҳайкалга ўхшаб чиқиб кетаман. Агар сен билан юзма-юз кўришсам, юрагим ёрилиб кетади деб қўрқаман. Лекин кўришмоқни жуда-жуда истайман.

Етар. Сени толиқтириб қўймай. Омон бўл. Соғайиб кетсанг, албатта, кўришамиз. Мен бунга ишонаман. Биз яна дийдорлашамиз, қўшифим. Агар...

Сени бир умр соғинган, хаёлларида гард юқтирумай пок олиб юрган **Фарангис.**»

ВИДО ҚЎШИФИ

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
раҳматли укаси – машҳур актёр
Жамшид ЗОКИРОВ хотираларидан)

— **Б**отир акам сўнгти бор касалхонада ёттанларида у кишига, асосан мен ва Галина келинойи қараб турдик. Мен акамнинг соқолларини олиб, баъзан оёқларини илиқ сувда ювардим. Бир сафар «Қанчалар сени яхши кўришимни биласанку, Жамшид», — деб қолдилар. Шунда жуда ғалати бўлиб кетдим. Акамни янада яхши кўриб қолдим. Ичимда Оллоҳга илтижолар қилиб, акамнинг ўлмаслигини қайта-қайта сўрадим.

Бир куни Ботир акам ухлагач, биз ҳам Галина келинойи билан озгина мизғиб қолибмиз. Мени кимдир туртгандек бўлди. Кўзимни очсам, акам жойларида йўқ. Ке-

линойимни уйғотиб, зудлик билан касалхона йўлагига чиқдик. Кимсасиз йўлакда Ботир акам ҳорғин юриб борарди. Бориб, у кишининг қўлларидан тутдик. Мен дарҳол сўрадим.

— Нега турдингиз, ака? Нега бизларни уйғотмадингиз?

— Мен ўзи қаердаман?.. Навфал қани? — деди акам бизга ғалати қараб.

— Ботир ака, Сизга нима бўлди ўзи? Ахир Навфал акам вафот этган-ку?!

— Биласанми, у палатамга келиб, қийналиб ётаверасизми, ака, юринг кетамиз, деди. Мен унга эргашиб кетаётганимда, уни йўқотиб қўйдим. Навфал қани, у қаёқча кетди?..

— Навфал акам йўқ. У ўлиб кетган. Сиз шифохонада ётибсиз. Сизга умуман туриш, юриш мумкин эмас. Юринг, ака, палатага кирамиз.

Шунда Ботир акам тўхтадилар. Ҳолсизланиб бораётган гавдасини тик тутмоқчи бўлди. Лекин удалай олмади. Йиқилаётган пайтда у кишини келинойим билан ушлаб қолдик. Амаллаб палатага киритдик. Акам қайтиб ўрнидан турмади. Айтишадики, оғир ётган беморни вафот этиб кетган қариндоши чақирса ва ўзи билан олиб кетса, бу яхшилик аломати эмас. Бу беморнинг куни битганлиги аломати экан. Шундай бўлди ҳам. Акам 1985 йил 23 январда вафот этди...

• • •

1985 йил 25 январь. Қиши. Совуқ. Қор ёғарди. Мактуб эса йўлда эди. На шиддатли поезд, на тезучар самолёт бу мактубни эгасига етказолмади. Ўша куни жигаргўшалари, дўстлари, қариндошлари ва хабар топган маданият, адабиёт ва санъат аҳли буюк санъаткор Ботир Зокиров билан видолашиб, уни ҳеч қачон мактуб етиб бормайдиган жойга – сўнгти йўлга кузатаётган эди. Мотамсаро осмон унинг тобути устига тинимсиз қор эларди. Видолашаётган қалблар фарёдининг чеки йўқ...

Пойтахт Тошкент кўчалари мотам зарбидан оғир сукутга чўмган, бу мотам гўё она заминни зир-зир титратаётгандек эди. Афсуски, мотам кунида уни сўнгти йўлга кузатиш ҳам халқига насиб этмади. Чунки у яна далада, яна экин экиш дардида эди. Қишида ҳам дала ишқи билан ёнарди. Эшитди. Лекин жуда кеч эшитди. Одатдаги дик кечга қолиб йиғлади. Ўз юртига қўшиқдан ҳайкал қўйган... тобут эса армонда кетди...

Афсуски, у қалбида айтилмаган қўшиқларини, чизилмаган картиналарнинг оҳори рангларини, кинода яратмоқчи бўлган ёрқин образларини ва яна қанча-қанча ушалмаган буюк орзуларини ўзи билан олиб кетди. Алвидо, буюк Истеъдод! Алвидо, мўъжизалар яратиб кетган бетакрор овоз! Алвидо, юраларда бўронлар уйғотиб кеттан Қўшиқ!

Унинг: «Она халқим олдида жуда қарздорман. Бир фарзанд ва хонанда сифа-

тида шу қарзларни узишим шарт. Ҳали халқимга күнглимдагидек хизмат қила олғаним йүқ. Бошқача күйлаш, бошқача чизиш керак», дея ўз ижодидан қониқмаслик ҳислари билан түлиб-тошган сўзларини эслайман. Чинакам санъаткор асли шундай бўлмоғи керак эмасми, ахир?! Бу ҳалқ қалбида қола билиш санъати ҳамдир.

A зиз ўқувчим!

Сизларга ўзбек миллий театр ва қўшиқчилик санъати ривожига ҳамон бекиёс, улкан ҳисса қўшиб келаётган Зокировлар сулоласининг йирик вакили, дунётан олган машҳур санъаткор, ўзбек миллий эстрада қўшиқчилигимиз асосчиси Ботир Зокировнинг гоҳ фахр, гоҳ ифтихор, гоҳ мунг ва изтиробларга тўла ҳаёти, ижод йўли ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қилдик.

Аввало, каминага ушбу мавзуни китоб қилиб ёзишда маслаҳат берган устозимиз – улуғ шоир Абдулла Ориповнинг рухи покларига қайта-қайта дуолар қиласиз: илоҳим, охиратлари обод бўлсин.

Шунингдек, китобнинг дунёга келишида яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон ҳалқ артисти Гавҳар Зокировага самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Китобни сабр-тоқат билан ўқиган Сиз азизларга ҳам аввалдан дил изҳорларини билдираман. Айрим саҳифалар қалбингизни тўлқинлантириб, завқ-шавқقا тўлдирган бўлса, бундан биз ҳам бениҳоя хурсандмиз. Айрим саҳифалардаги қайғули, ҳасратли

воқеалар, ҳолатлар, агар Сизни ҳам қайғуга солган бўлса, узр. Ёзаёттганда, биз ҳам шундай оғир ҳолатларга тушдик. Ёзганларимизнинг баъзи ўринлари меъёрига етмаган бўлса, айб бизда.

Санъатимиз ва маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Зокировлар сулоласининг ҳар бир истеъдодли вакили ҳақида алоҳида-алоҳида ажойиб китоб ёзса арзийди. Бунга бир ижодкорнинг умри етмайди.

Камина Зокировлар сулоласи тарихини ўрганиш жараёнида шу хulosага келдимики, аввало, уларнинг барчасига истеъдодни Оллоҳнинг ўзи бергани аён. Чунки ҳар бирининг яратган санъатида илоҳий мўъжиза бор. Умуман, Зокировларни тақдир бебаҳо истеъдод билан бирга, бетакрор шон-шухрат, жуда юксак обрў-эътибор ва такрорланмас шараф тожи билан сийлаган. Лекин бу улуғ мартабаларга, нуфузи жуда баланд эътирофларга, мукофотларга улар ҳамиша турфатиконлар ўсиб ётган чиройли гулзорлардан мардона ўтиб борганлар, десак, ҳақиқатга яқин бўлади. Шунга қарамай, оёқларига, товонларига кирган ўткир тиконлар оғриғига чидаганлар. Ҳеч қачон оҳ-воҳ қилмаганлар, дардларини достон қилиб бирорларга айтмаганлар. Ҳатто бир-бирларига сездирмаганлар.

Уларга ҳеч қачон осон бўлмаган. Ҳаёт ва ижод йўллари сип-силлик, бир текис кечмаган. Истеъдодларини намоён қилиш учун қанча-қанча истеъдодсиз кимсалар-

га дүч келгандар. Ҳасадгүйлар гурухи йўлларига ғов бўлганлар. Энг ёмони санъатдан йироқ амалдорларнинг дўқ-пўписалари, ғазабларига учраганлар. Ўзлари танлаган санъат йўлидаги мاشаққатли ва мураккаб тўсиқларни мустаҳкам ирода, тинимсиз изланиш, энг муҳими, ўзларига бўлган юксак ишонч билан енгиб ўтганлар.

Тақдир ўйинини қарангки, ўқишини Тошкент консерваториясидан Москва консерваториясига ўтказиш учун имтиҳон топширганда, беписандлик билан Ботир Зокировни ўқишига қабул қилишмаган. Лекин машҳур қўшиқчи бўлганидан сўнг, москвалик мухлислари уни бошларига кўтариб, эъзозлаганлар. Москванинг барча концерт залларида Ботир Зокиров ҳафталаб, ўн кунлаб концертлар берган. Уни имтиҳондан ўтишига тўсиқинлик қилган казо-казо профессорлар, ўқитувчилар ҳам концертларига кириб, саҳнада унга гулдасталар тутганлар. Бу истеъдодга тан бериш, бетакрор ижрони қўллаб-қувватлаш эди...

Зокировлар сулоласининг истеъдодли вакилларидан яна бири хушвоз хонанда, опера ижрочиси Навфал Зокиров эди. Бу талантнинг ҳам умри қисқа экан, ўттиз беш ёшида жигар хасталигидан вафот этди. Фарзанд ўлими отаси Карим Зокировни оғир қайфуга солди. Ота ўғлидан кейин кўп яшамади. Бу оғир лаҳзалар ҳақида Ботир Зокировнинг кундалигида шундай сатрларни ўқиймиз: «Дадам вафот этди. Бу муқаррар фалокатни олдиндан билганимга, энг оғир ҳодисага тай-

ёр турганимга қарамасдан, бу мудҳиш воқеа айнан бугун юз беришини асло ўйламаган эканман... У киши онамнинг қўлларида жимгина, хотиржам жон берибди. Бугун отам уйимизда, оиласиз даврасида энг охирги тунни ўтказмоқда. Барчамиз кутилмаган баҳтсизликдан караҳт бўлиб қолганмиз. Ҳозирча ҳеч ким нимани йўқотганини англаб етмаяпти. Одамнинг ақли кеч киради. Назаримда, кейинчалик ҳаммамиз отамизнинг тоғдек залворини тўла-тўқис ҳис қилсак керак...»

Тақдир ҳамон Зокировларни ҳаётнинг бундай шафқатсиз синовларидан ўтказиб келаётир.

Бу орада бугун умри ва ҳаётини жондан азиз фарзандларига бағишлиған оналари Шоҳиста Сайдова вафот этди. Сулоланинг истеъдодли фарзанди, таниқли театр ва кино актёри Жамшид Зокиров ҳам оғир хасталиқдан сўнг эрта қазо қилди. Ботир Зокировнинг биринчи умр йўлдоши, таниқли актриса Эркли Маликбоева, уларнинг фарзанди истеъдодли актёр Бахтиёр Зокиров ҳам бу ёруғ оламни тарқ этдилар...

Бошларига тушган бундай мусибатларни Зокировлар ҳамон мустаҳкам ирода ва матонат билан енгиб келаётир. Бу оиласади аҳиллик, ўзаро ҳурмат, бир-бирларини яхши-ёмон кунларда қўллаб-қувватлаш ва дардкаш бўлишнинг ибратли намунасиdir. Ака-уқалар, қариндош-урурлар ўртасидаги самимий меҳрибонликни кўриб, уларга кишининг ҳаваси келади.

Яна Ботир Зокировга қайтамиз. Унинг ҳаётини ўрганиш жараёнида шу хulosага келдикки, у бутун ҳаёти ва умрини гаровга қўйиб яшаган. Шафқатсиз ажал истаган пайтда, истаган дақиқада унинг жонига чанг солиш пайида бўлган. Ўғри мушукдек пойлаб юрган.

Унинг қалбида қўшиқ ва ажал бир умр курашиб яшаган. Бу аёвсиз ва шафқатсиз курашда, шубҳасиз, КЎШИҚ ғолиб чиққан. Бу ғолиблик эса жаҳон саҳналарида ҳам эътироф этилган. Ўзбек эстрада санъатида олтин ҳарфлар билан ёзилган.

Ғолибларга ҳеч қачон осон ва енгил бўлмаган. Ҳақиқий истеъдод эгаси борки, ҳамиша унинг ёнида кушандаси ҳам қора куядай эргашиб юрган. Ҳасадгўй ва буйруқбоз тўраларнинг тузуми ҳам, тизими ҳам йўқ. Зокировлар сулоласи бу тақиқлардан батамом қутулиб кетганлари йўқ. Кўролмаслар, санъатдан йироқ айрим кимсалар ҳамон уларнинг йўлларига тўскенилик қилишга шай турадилар. Ушбу сатрларни ёзаётганда шоир Абдулла Ориповнинг тўртлиги ёдга тушади:

— Бир умр тўсдинг-ку йўлимни,
Сира эринмадинг, қойилман, кўплак.
— Нега эринайин? Итлик феълимни
Ахир мен намоён этмоғим керак...

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, Зокировлар сулоласи ўзларининг бетакрор санъатлари, умрбоқий қўшиқлари, кино ва театр

сақналарида яратиб кеттган образлари билан
ўзларига улутвор ҳайкал қўйиб кетдилар.
Жумладан, машҳур хонанда Ботир Зокиров
ҳам!

Ушбу ёзилганлар ҳали ҳаммаси эмас.
Буюк истеъдод эгаси, серқирра санъат-
кор ҳақида бир мартада барчасини айтмоқ
душвор. Вақти-соати келиб, Оллоҳнинг
марҳамати билан ушбу умрбокий мавзуга
яна қайтармиз.

Ҳаёт эса давом этади...

1989-2016

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

МАЗМУНДОР МУНДАРИЖА ёхуд одамнинг ичидағи одамлар Шингил эссе

«Қаерда бўлмай мудом ёдимдасан, она-
жоним – Жалойир! Фурсат топилди дегунча
сенинг қайноқ бағрингга шошаман. ...Туш-
ларимда кўриб йифлайман, сени Жалойир!»

Шунчаки қофозга тушмайди бунда-
йин сўзлар. Шунчаки айтгилмаган сўзлар
эса бефарқ ўқилмайди. Бинобарин, ҳар са-
фар қиссани қўлга олганда беихтиёр уни
чўқилашга – такрор ўқишга киришиб кет-
ганингни сезмай қоласан киши. Муаллиф
Ашурали Жўраевга қўшилиб тасвирга тор-
тилган қишлоқнинг ҳовли ва чорбоғларида,
баҳайбат тутлар, гужум ва ўрик дараҳт-
лари салқинида пойи пиёда кезгинг кела-
ди. Мактаб ва боғчаларга кириб жалойир-
лик болакайлар ва қизалоқлар қўлларига
совға-саломлар улашгинг келади. «Саломат
хола омонмиканлар?» деган савол кечади
кўнгилдан. Умуман, жалойирлик аёллар-
нинг ҳаётларида қандайин ўзгаришлар юз
бермоқда?..

Қиссанинг мантиқий ниҳояси унинг дебо-
ча сўзларига ҳамоҳанг: «Қишлоқ – муқаддас,
қишлоқ – улуғ! Ҳамиша қишлоққа хиёнат
қилишдан қўрқиб яшаш керак».

Устоз ИброҳимFaфуров Ашуралининг табиатидаги маҳрамлик фазилатини каашф этганидан, Шуҳрат Ризо дўстимиз эса маҳрамлик фазилати инсоний меҳрга туташиб кетганини ўхшатиб тасвирлаганидан илҳомланар экансан, бу фазилату туйғунинг илдиз-томирини излашга тушасан: қайдасан, Жалойир?..

Катта ва серқатнов йўл ёқасидаги мулла Жўра бобо ва Очил отадан мерос оддийдан-оддий ва камсуқум хонадоннинг барокатли тарбиясидан, ўн нафар ўғил-қизни ювиб-траган Мушаррам онанинг ўтитларидан излаганимиз тўғрироқдир ўша маҳрамлик ва ўша меҳр ришталарини? Топармиз ҳам, бироқ ёлғиз туйғунинг ёхуд ёлғиз фазилатнинг ўзи ожизлик қилиши муқаррар, зеро бундай катта муҳаббат изҳорига тўлақонли алоҳида бир одам, алоҳида бир инсон, шахс сафарбар этилмас экан мақсадга етишмоқлик душвор.

Аслида ижодкор ҳалқининг ичи тўла одам бўлади. Ҳамма гап ўша одамларни «ишлата» олиш – зиммасига вазифалар қўйиб, сафарбар эта олишда. Бу ҳақиқатни Ашурали бундан роппа-роса ўттиз йил бурун – эндиғина ўттиз баҳорни қарши олган кезларидаёқ англаб етган ва ижодкор сифатида шакланаётган ботинида кўз очаётган тўнфич иждий «фарзанд»ларидан бири сифатида унинг зиммасига Ватан туйғусини тараннум этиш вазифасини юклаган эди.

Бу Одам Жалойирга туташ ўнлаб қишлоқларга бўлган муҳаббатини ошкора изҳор этишга бел боғлади. Киндик қони тўкилган

муборак масканга бўлган муҳаббат тарихий Карманага бўлган муҳаббат пиллапоясидан юксала борди, Бухоро ҳайратларида такомил палласига етди. «Номингдан айланай, Навоий!» дея фахр ила ҳайратланди. Андижону Жиззахни, Хоразму Самарқандни, Намангану Сурхонни Бухоро ё Навоийдан кам кўрмади. Ўз ўқувчилари – Ватандошларимиз қонида «пойтахтпарварлик» туйғуси шаклланмори даркорлигини толмай даъват этди. Миллат пойтахтида Ватан мужассам дея бонг урди.

«Меҳр-оқибатни аслида ўзбеклардан ўрганиш керак» деб ёзади ўша Одам. Ашуралининг бу Одами яратган Ватан туйғуси кўнгилларга кўчгани сайин «бухоролик» ва «навоийлик» деган, «ўзбек» ва «ўзбекистонлик» деган банда ёмон одам бўлиши мумкин эмас, деган холоса чиқади. Эзгу ният ҳамроҳингизга айланади...

«1983 йилнинг апрель ойида орзуим ушалиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг санъат бўлимида ишнинг дараги чиқди. ...Орадан беш ой ўтиб, санъат бўлимига мудир бўлдим».

Ашурали Ватан, халқ, миллат туйғусини санъат орқали топди. Бу тақдир тақозоси эдими ёхуд санъат моҳиятига яширин жодунинг қудрати устунлик қилдими, ҳарқалай, у дунё ва инсон ҳақиқатини санъат орқали кашф этишга астойдил киришди – ботинида оёққа қалқан янада бир ижод Одамини тўласича санъатга йўллади. Ашуралига қўл

учида ишлаш одати бегона эканлиги роса аскотди ўша Одамга. «Юрак бўронлари» эссе-романи фавқулодда талаш бўлиб ўқилди. Бу жўн воқеа эмасди. Ашурали жўн ишга қўл урмаётганини олдиндан биларди. У ишонч ила йўллаган яна бир Одам назарида Аллоҳ, Ботир Зокировнинг кўксига жойлаб қўйган истеъдод пўртанаси чинакам бўрон бўлиб кўринди. Асар санъатта баҳшида Зокировлар сулоласига бўлган халқимиз муҳаббати-эъзозининг нурли тимсолига айланди.

Ўтган асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида миллий санъатимиз осмонида порлаган ўнлаб улкан санъаткорларимизнинг ҳаёт ва ижод йўллари алоҳида китоблар, асарларга мавзу бўлғуси. Назира Аҳмедова, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Комилjon Отаниёзов... Уларнинг ҳеч бирлари Ашурали томонидан санъат соҳасига сафарбар этилган Одам эътиборидан четда қолмади. Ҳассос ва бетакрор овоз соҳиби Отажон Худойшукуровга бўлган ўзгача меҳр-муҳаббат дастлабки мақолалардан, вақти билан, маҳсус бадиаларга ва ниҳоят «Эсар Жайҳун шамоллари» эссе-китобчасига айланди. Бу анъана Муножот Йўлчиева ижодига бағишлиланган лавҳа, Маҳмуд Намозовга йўлланган мактуб-очеркда давом этди.

«Самиимий ҳазил одамни маънавий юксакликка кўтаради, кўнгилни равшан қиласди, фикрни чархлайди. Кулгидан йироқ юракларга нур сочади, маънавий куч-қудрат бағишлиайди».

Қарийб қирқ йиллик ижоднинг қоқ марказидан ранг-баранг иплар-ипаклар билан түқилган жилвакор бир йўл ақидалари мұжассам бу сўзларда. Ҳазил, кулги мақомини маънавий юксаклик, маънавий куч-қудрат қаторида деб билмоқда ижодкор. Ичидағи энг сара одамларидан бири зиммасига алоҳида миссия юкламоқда. Озмунча ҳажвия яратдими, у Одам? Кулгиси, танбеҳи, беозор ҳазиллари билан озмунча кўнгилларга ёруғлик баҳш этишга уриндими? Бу Одамнинг қаламидан түқилган ҳажвиялардан Габроводан кам бўлмаган кулги мамлакати, ўлкаси, диёрини бунёд этиш мумкин. Илло бу Одам ёмон нозик жойидан олади: тили аччик, кинояси ўткир, ҳазили – зил-замбил! Ўзиям аниқ уради – бошқа ҳажвнавислар илғамаган жойини топади: «Йўқолсин қофозбозлик!», «Ташаббусхўр», «Бозорнома»... митти ҳажвлар, «Саҳифага сиғмаган сатрлар»даги ҳикматларга мойил табассумлар...

«Конверт-одам» ўсиб чиқди ушбу ҳажвлар, табассумлардан.

«Конверт тубсиз қудук эди. Лекин қудукдан ҳам чуқур эди. Чуқурликда гўё лаҳадни эслатарди».

«Конверт-одам» фельетон-қиссанинг бир неча ўрнида ёқимли қўшиқнинг нақароти янглиғ такрор-такрор келадиган бу сўзлар ўқувчи этини жунжиктириб юборади. Козим конвертнинг вояга етиши, амал курсисига етишгани, жамият-юрт корига ярайдиган

паллага етган чоғида конверт касаллигига дучор бўлгани, ўлатдан кўра оғатлироқ бу иллатдан қутулолмай охир-оқибат... конвертга қамалиб қолгани. Одатда фельетонда куллига мойиллик кучли. Бинобарин, ўқувчи қиссадан кулгили ҳолатлар кутади. Умидлари зое кетмайди албатта, аммо-лекин асарда ҳар қанча кулгили вазият, писанде, қочирим учрамасин, у аччиқ танбехдек ўқилади. «Конверт-одам» — огоҳликка ундовчи, кўзни очиб яшашга даъват этувчи қисса. Жиддий-аянчили-кулгили асар. Уни ўқиб, бу дардга даво бергин, Ўзинг, деб юборасан беихтиёр. Шунда муаллифнинг доноларча эскартмасидан тасалли оласан. Конвертвозлик ҳангомаларининг барча-барча кўринишлари аллақачонлар шўро замони иллати сифатида қиронга учраган.

Конверт-одам — сарқит одам!..

«Ассалому алайкум акажон!

Қандай, соғлиғингиз яхшими? Янгамуллам яхши ўқиб юрибдиларми? Нафиса соғсаломат боғчага бораяптими?.. Алишер катта йигит бўляптими?»

«Шакарнинг мактублари» ҳикояси шундай бошланади. Изма-из «Ёлғиз ўғил» ёзилган кезлар адабий жамоатчилигимиз орасида Айтматов, Шукшин, Думбадзе, ўзимизнинг Ҳошимов ва Холмирзаев сингари адиларнинг қатор-қатор сара асарлари оғиздан тушмасди. Улар сон-саноқсиз китобхонлар қалбини ҳаққонийлик ва самимият билан қозонган эдилар. «Шакарнинг мактубла-

ри» бошламасыдаги жуда-жуда оддийлик замирида нақадар улкан ҳаётій ва бадиій ҳақиқат ёттанини ҳар бир жумла, ҳар бир сүз баёнида ҳис этиб турасиз. Ўқиши асносида ҳикоя тугаб қолмасин-да, демекдан тұхтамайди ички бир нидо.

Шакар муҳаббат билан тасвирилаган қишлоқ манзаралари аканинг – «Ёлғиз үғил»даги Ўткирнинг шаҳардаги баракни эслатувчи ошиёнида ўтаётган кунлари тасвирига уланыб кетади.

Бору йүгини маңнавий улғайиш истагига бахшида қилған, ҳар қандай турмуш уринишларию үқубатларига тоқати етган инсон, йиллар ўтиб шириң бир түш каби хотирлайди ундағы олис лавҳаларни...

«Публицистик қисса», «Публицистик достон», «Хажвий монолог», «Фельетон-қисса», «Эссе», «Мактуб».

Аксари ёш журналистлар ижодида жанр түшунчаси бир қадар қадрсизланаётгандек. Ваҳоланки, жанр – сүз айтиш имконияти, сүз айтиш шакли. Ўринли топилған шаклдан оқанғ, сўзлар силсиласи, жумлалар бичими, қуйма бир яхлитлик вужудға келади. Ашуралида монолог кўп, мактуб кўп. Мазкур ҳар иккала жанр моҳиятида очиқлик, самимият ниҳоятда бўртиб кўринади. Демак, муаллиф қофозга тўкаётган дардлари, изҳорлари ўқувчи кўнглидан тезроқ, мукаммалроқ ва албатта таъсирлироқ бўлиб жой олишини истайди.

Ашуралининг ўзи шундай-да, унинг шундайлиги шунинг учун ҳам унинг ичида-ги Одамларига шундайига кўчган-қўйган. Кўчишга-ку кўчга-а-ан, илло турфа вазифаларни сидқидилдан адо этишга сафарбар этилган Одамлар ижодкорнинг, яъни Ашурали Жўраевнинг шахсида жипслашган, яхлит Ижодкорга айланган. Ҳаётини ижодга бахшида этган Инсон ҳаётининг мазмунларга бой мундарижасини ташкил этган.

«Сенга кўнгил берсам...», «Дил гавҳари», «Саҳифага сифмаган сатрлар», «Майсалар уйғонган тонг», «Эсар Жайҳун шамоллари», «Конверт-одам».

Шунча китоб муаллифи Ашурали бирор марта овоз чиқариб: «Китобим чиқди» деганини эслолмайман. Лекин, «Устоз Эркин акага бағишлиланган китоб босмадан чиқди!», «Омон Матжоннинг китобини кўрдингизми?», «Эркин Аъзамнинг публицистикаси алоҳида воқеа!» дея бу гапларнинг ҳар бирини ношир сифатида чинакам байрам қилиб – шахсий байрамидек қилиб айтади. Янги ва яхши китобни минглаб китобхонларимиз учун шодиёна деб ҳисоблайди. Янги ва яхши китоб ҳар бир хонадонга кириб бориши орзусида ҳаяжонларга тўлиб айтади. Маърифат истовчи кўнгил қувончларига айланиб эшитилади қулоққа бу сўзлар. Ашурали «Адабиёт ва санъат» ҳафталигида ишлаган кезларида ҳам, «Муштум» журнали ва «Афанди» газетасига бош муҳаррирлик қилганида ҳам, «Гулхан»ни болаларнинг севимли нашрига айлантириш йўлида жонбозлик кўрсатган кезларида ҳам шундай эди.

«Ашурбой!..»

Ашурали Жўраев ёшлигидан атоқли ва ардоқли устозлар этагини тутди. Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Кириё Қаҳҳорова, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Faфуров даврасида ўқиди, ўрганди, улғайди. Устозлар меҳрини қозонди. Катта-катта давраларда ўз сўзини айта олди. Лекин Неъмат Аминовнинг «Ашурбой!»и ноёб эди, битта эди, бетакрор эди! Шу биргина сўзда Неъмат аканинг ҳам акалик, ҳам устозлик, ҳам маҳрамлик фазилатлари бор жозибаси, меҳру оқибатлари билан мужассам топганди.

Ашурали маърифатга бахшида қаламига садоқат кўрсатиб, ўзи баҳра олган устозларнинг номи, ижоди, руҳи олдида шогирдлик бурчини ҳалол адо этиб яшамоқда.

Палаги тоза одамнинг ҳаётида бундай мисоллар кўплаб топилади...

**МУНДАРИЖА**

Мангулик остонаси	3
Мажнун сурати	5
Дўстимнинг жаҳоншумул ютуғи	15
«Куйламоқ – яшамоқ демак!»	25
«Нафас олиш қандай баҳт»	35
Нима топдим-у, нима йўқотдим?	52
Мажнунингман, қўшиғим!	54
Париж. «Олимпия» саҳнасида	64
«Ботир ҳамиша барҳаёт»	72
Юрак бўронлари	81
«Қўшиқларим, сиз учун хижолатлик эмасман»	93
Меҳмоннинг саволлари	100
Киприқдаги ёш	101
Қўшиқ умри барҳаёт	110
«Сизларни ташлаб кетяпман»	111
Айтилмаган ҳақиқатлар	117
«Сизни тинглаш – ҳамиша баҳт!»	136
«Акам – ижодий виждоним»	138
«Топиб бер, деб ойга ёлвордим»	143
«Бинафша ҳидланг, амаки!»	145
Дилини шарҳ айлаган булбул	159
Фурурим тоғдай юксалди	165
«Ҳў-ӯ, ўша олис кеча...»	172
«Хаёлимнинг зебо чечаги»	179
Самовий қўшиқ	182
Шаббодадай ўтган умр	184
«Лайли ишқин танамда жон қил»	188
Видо қўшиғи	189
Мазмундор мундарижа	198

Адабий-бадиий нашр

АШУРАЛИ ЖҮРАЕВ

ЮРАК БҮРОНЛАРИ

Роман-эссе

Мұхаррір З. Қудратов

Рассом дизайнер Б. Зуфаров

Техник мұхаррір Т. Харитонова

Кичик мұхаррірлар: Д. Холматова, Г. Ералғасова

Мусақхан М. Ишонхонова

Компьютерда сақыфаловчи С. Азизтоева

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08. 2009.

Босишига 2016 йил 28 наябрда рухсат этилди.

Бичими 84x100¹/₃₂. Офсет қорози. «Virtec Baltika Uz»

гарнитурасыда офсет усулида босилди.

Шартлы босма табори 10,14+0,2(вкл.).

Нашр табори 9,72+0,19 вкл.

Адади 3000 нұсха. Буюртма № 16-822.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий күчаси, 30.

e-mail:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Хорак бўйонлари



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-925-3

9 789943 289253